

2

34
и 37

Кадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил
Ўзбекистон!



МУСТАҚИЛЛИК,
БАРҚАРОРЛИК ВА
ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ
ОСОН КЕЧГАН ЭМАС...



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

Ш. Т. ИКРАМОВ, Ш. Р. ҚОБИЛОВ

**МУСТАҚИЛЛИК,
БАРҚАРОРЛИК ВА
ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ОСОН
КЕЧГАН ЭМАС...**

Ўқув қўлланма

УЎК:342.31(575.1)(075)
КБК 66.3(2У)+65.9(2У)

И-42

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор Р. М. Абдулаев;
иқтисод фанлари доктори, профессор С. М. Зайнитдинов;
юридик фанлар доктори, профессор И. Исмоилов

Икрамов Ш. Т., Қобилов Ш. Р.

И-42 Мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш осон кечган эмас... : Ўқув қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. — 192 б.

ISBN 978-9943-11-215-5

Мамлакатимизда мустақиллик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш йўлида ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машақатли курашлар, 22 йиллик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ушбу китобнинг бош мавзусини ташкил этади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар боис, бугунги турмуш ободлиги, юрт осойишталигига, тунларимиз ҳадик-хавотирларсиз, сокин, кунларимиз тинч, осуда, мусаффо осмон остида ўтишига мустаҳкам замин яратилди. Бунда бевосита мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимларининг самарали фаолиятига оид соҳавий ислоҳотларнинг ўрни бекиёс.

Ушбу ўқув қўлланмада мустақиллик арафасида ва мустақиллик йилларида ички ишлар идоралари тизимида барқарор фаолиятни таъминлашда амалга оширилган ишлар, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва тинчлик-осойишталикни қадрлаш, жиноятчиликка қарши кураш, хусусан унинг олдини олиш соҳасидаги ислоҳотлар натижалари хақида сўз боради.

Кўлланма ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанларнинг тегишли мавзуларини тўлдиришга хизмат қиласи.

Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талаба ёшлари, тингловчи-кур-сантлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда кенг китоб-хонлар учун мўлжалланган.

© Ш. Т. Икрамов, Ш. Р. Қобилов, 2013
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2013
© „O'QITUVCHI“ нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2013

ISBN 978-9943-11-215-5

*Давлат мустақиллиги ва унинг иқтисодиёти
гойибдан келмай, унга эришиш учун халқнинг
тинчлиги, осойишталиги ва бирдамлиги зарур,
бир ёқадан бош чиқариб, ташаббус билан меҳнат
қилиши зарур.*

Ислом Каримов

СҮЗБОШИ

Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни кўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида юз берган барча ўзгариш ва янгиланишларда, юксалишларда ички ишлар ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни, ҳиссаси бор албатта. Ички ишлар идоралари бошқа хукуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда эл-юрт осойишталиги ва тинчлигини таъминлаб, конституциявий хукуқларини ҳимоя қилиб келмоқда.

«Бутун дунёда тинчликояси — барча миллатлар мулкидир. У энг юксак баҳт-саодат сифатида тинчликни талаб этади»¹. Буюк француз ёзувчisi Виктор Гюгонинг ушбу сўзларини Президентимиз Ислом Каримов Парижда Франция Президенти томонидан ўтказилган қабул маросимида айтган эди.

1993 йилнинг 28 сентябрида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бутун дунё аҳлига «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўлини баён қилар экан: «Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий зарурдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас»², деб барчани тинчлик-осойишталикини таъминлаш учун масъуль эканлигига ундаган эди.

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б.72.

² Ўша манба. – Б.51.

Мамлакатимизда мустақиллик солномасининг кўпгина саҳифалари ички ишлар идоралари фаолияти билан боғлиқ. Шу боис ушбу қўлланмада Ўзбекистон ички ишлар идоралари фаолияти қандай қийин шароитда, доимий курашда ва қайноқ нуқталарда тобланиб тажриба орттириб боргани ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ички ишлар идоралари фаолияти мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида осон кечмаган.

Марказга бутунлай бўйсунган республика ҳуқуқ-тартибот органлари мустақил ривожлана олмас эди. Ички ишлар идоралари фаолият сиёсати, стратегияси ва тактикасини «Марказ»дан бериладиган йўл-йўриқлар, кўрсатмалар аниқлаб берар эди. Шундай даврлар ҳам бўлганки, «коммунизм қураётган жамиятда жиноятчиликка ўрин йўқ», деган шиор остида жиноятчилик билан боғлиқ кўрсаткичлар сунъий камайтириларди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари штатлари шунга мувофиқ камайтирилиб келинганини афсус билан эслаш кифоя.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Юрбошимиз: «Биз бугун «милиция ўзи нима, у қандай ташкилот, унинг ўрни қаерда ва вазифалари нимадан иборат?», деган масалага аниқ жавоб топишимиз керак.

Бир пайтлар «народная милиция», яъни «халқ милицияси» дейиларди, ҳақиқатда эса у халқ милицияси эмас эди. У халқдан ажралиб қолди. Зўравонлик кўпайди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари сўнгида Ўзбекистон ички ишлар идоралари фаолияти жуда қийин кечди. Ўша пайтда Федорчик бошчилик қилаётган Иттифоқ ички ишлар вазирлиги томонидан ўз тартибини ўрнатишга уриниш кучайди. Натижада жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланадиган идоралар тарқатиб юборилди, штабларнинг аҳамияти ва вазифалари камайтирилди, кўплаб ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари, шу жумладан ўз ишига садоқатли ва тажрибали ходимлар ишдан бўшатилди, айримлари адолатсиз равишда қамалди.

Таъкидлаш жоизки, 1989 йил 23 июнда Ислом Каримовнинг давлатимизнинг янги раҳбари сифатидаги фаолияти Ўзбекистон халқи каби Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун янги даврни бошлаб берди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбари Ислом Каримовнинг 1989 йил 24 июнда ёқ ўз халқи, Ватани тақдири учун қайфуреб Ўзбекистон

ССР Министрлар Советидаги катта мажлисида ўша пайтдаги Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иктисодий вазият ва унинг сабабларини чукур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хуносага келади. «Биз бундан бўён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл кўймайди»³ деб янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришгани, ўз фаолиятида ислоҳотчилик, эл-юргининг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қиласади.

Ушбу таъсирчан нутқ ўша пайтдаги ижтимоий вазият кескинлашган шароитда ҳалқимиз каби ички ишлар идоралари ходимларида ўзига хос хусусиятларни йўқотмасликка ундади. Дарҳақиқат, ички ишлар идоралари ўша дамлардаги қийинчиликларга давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ишончли ва қатъий даъватлари, қўллаб-кувватлашлари боис бардош берди.

Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда ҳалқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасиdir. Чунки мустақиллик ҳалқимизга кимdir томонидан инъом қилинмаган, унга осонгина эришилмаган. Балки у Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оғир курашлар натижасида, юксак маънавий жасорат туфайли қўлга киритилган. Мустақиллик барча ислоҳот ва ўзгаришлар, ҳалқимиз ҳаётида рўй бераётган буюк бурилиш ва улкан натижаларни бошлиб берган тараққиётимизнинг тамал тошидир. Уни асраш, мустаҳкамлаш барчамизнинг, жумладан ички ишлар идоралари ходимларининг муқаддас бурчидир. Бугун улар ўз ҳалқига, Президентига содиқлик билан хизмат қилмоқда.

Кремлнинг жазаваларига қарамасдан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1990 йил 31 октябрда имзолаган «Милиция ходимларини ижтимоий ва хукукий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги⁴ 1991 йил 25 октябрь қарори муҳим аҳамият касб этади.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б.71.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1991 йил 25 октябрь қарори // Ҳукумат қарорлари тўплами. – 1991. – №11. – 36-м.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторида ички ишлар органларининг ўрни бекиёс. Мамлакатимиз ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 1991 йил 25 октябрь қарори асосида фаолият юритади. Ички ишлар органлари тўғрисида маҳсус қонун қабул қилинмаган бўлса-да, аммо Президентнинг бу соҳани такомиллаштириб бориш тўғрисидаги қатор фармонлари мавжуд. Ана шу фармонларда назарда тутилган асосий мақсадлар куйидагилар:

— мустакил Ўзбекистон ички ишлар идораларининг ходимларида янгиланаётган жамиятга хос дунёқараашни шаклантириш, уларнинг ҳукуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича амалга оширилаётган хизматларни моддий ва маънавий рафбатлантириш;

— ҳукуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларини ёки давлат, жамият, ҳалқ учун хавф туғдирадиган жиноятларнинг зудлик билан олдини олиш ва фош этишда ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини яхшилаш;

— ҳукуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири бўлган аҳолининг ҳукуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирок этиш;

— милиция таянч пунктлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда маҳалла посбонлари, чегара посбонлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари каби жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини яхшилашда бевосита иштирок этиш ва амалий ҳамкорлик қилиш.

Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— республика ички ишлар органлари фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш;

— ички ишлар органлари фаолиятини умумий бошқариш, мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-методик ёрдам бериш;

— ИИВ тизимиға кирувчи органлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш,

фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

— қоровул қўшинларининг ҳарбий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини таъминлаш;

— жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш;

— фан-техника ютуқлари, самарали тажрибалар, бошқаришнинг прогрессив шакллари ва ишлаш усулларини жорий қилиш;

— ички ишлар органлари фаолиятининг ҳукуқий асосларини ишлаб чиқиш;

— органларда кадрлар билан ишлашнинг юқори дараҷасини ташкил қилиш;

— ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш;

— ўюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги» 2013 йил 12 июнь қарорида «Мустақиллик — бу, аввало, ҳукуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва фурурини англаш, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили» эканини бугун ҳалқимиз қаби барча ички ишлар идоралари ходимлари чукур англамоқда.

2013 йилнинг июль-август ойларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги» 2013 йил 12 июнь қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча маҳаллаларида, жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда «Мустақиллик — барқарорлик ва хавфсизлик гарови» мавзусида давра суҳбатлари ўтказдилар.

Давра суҳбатлари шуни кўрсатдики, ҳалқимиз бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини мустақиллик берган имкониятларни чукур анлаган ҳолда фуқароларимизда,

айниқса ёшларимизда она-Ватанимизга муҳаббат ва садоқат түйгүси камол топиб бораётганлигини күриб қувондик.

Бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш юзасидан муҳокамалар, фикр алмашувлар илмий-ижодий муассасалар, таълим ва маданият масканларида, кенг жамоатчилик ўртасида қизғин давом этмоқда. Бундай сұхбат ва мұлоқотларда турли фикр-мұлоқазалар билдирилмоқда.

Мазкур китобни ўрганиш борасидаги икки йиллик тажриба шуни күрсатдикі, мустақилликка қадар ва мустақилликнинг дастлабки таҳликали ойларida юз берган юртимиз тақдирі билан боғлиқ муҳим воқеалар, вужудға келған қалтис вазиятлар (Фарғона, Бўка, Паркент, Гулистон, Наманганд) ҳақида, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўз-ўзидан кўлга киритилмаганлиги, балки Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз олиб борган курашлар, унинг изтироблари, Юртбошимизнинг маънавий жасорати, матонати, фуқаролик позициясидан ортга қайтмаганлигининг самарааси эканлигини бугун халқимиз, жумладан ёшларимиз чуқур англаб етаётганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида шароитни, ижтимоий вазият кескинлашган шароитда давлатимиз раҳбарининг жазм этган ҳаракатларини, энг муҳими, шу ишга киришаётганда у киши халққа ишонгани, уни ўзига шерик қылгани, унга суюнгани, бугунги мураккаб замонда ёшларимизда ностандарт вазиятларда ўзига нисбатан ишонч билан адолат, ҳалоллик, мардлик, жасорат, заифларни ҳимоя қилиш каби фазилатларни камол топтиришда улкан ибрат мактаби бўлмоқда.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги учрашувда таъкидлаганидек, юртимизда ҳукм суроётган тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига этиш, унинг шукронасини қилиб, тинчлик-осойишталикка ўз-ўзидан, осонликча эришилмагини унутмаслигимиз ва буни авлодларимизга етказиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз мамлакатда тартиб ўрнатишига киришди. Кучсизланиб қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар – милиция, давлат хавфсизлик хизмати мустаҳкамланди. Кўлланмада Президент Ислом Каримов томонидан «Марказ» тазиикларига қарамасдан қабул қилинган маҳсус фармонлар ҳақида батафсил тўхтalamиз. Сабаби ушбу маҳсус фармон тинчини йўқотган халқning эртанги кунга ишончини уйғотган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини мустаҳкамлашга оид талаблари асосида хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг кучайтирилиши ана шу мураккаб даврда криминоген вазиятни барқарорлаштириш имконини берди. Президент Ислом Каримов ўша даврдаги вазият ҳақида шундай дейди: «Мен кечкурун ишдан қайтар эканман, кўча-кўйларда бола-чақасини етаклаб, бёмалол сайр этиб юрган одамларни, айниқса аёлларни кўриб қувонаман.

Шу билан бирга, бу масалада сал бўлса-да хотиржамлика берилиш жуда хавфлидир. Ҳали ҳам шаҳарда давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, жиноятчиликнинг баъзи бошқа турлари содир бўлиб турибди.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, коррупция, порахўрлик ва рэкетга қарши бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим. Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак, деб ўйлайман.

Тошкентда жиноят оламининг машхур намояндалари – «авторитет»лар кўп эди. Уларнинг аксарияти тугатилди. Баъзилари ҳозир тижорат йўлига ўтган. Лекин ёш, ҳаётни тушуниб етмаган, халқ тили билан айтганда, «ўпкаси йўқ» зўравонлар пайдо бўлаётгани аҳолини ташвишлантирмоқда. Ана шу жиноятчилар билиб кўйсин, уларга қарши шафқатсиз кураш тўхтамайди. Ҳар қандай зўравоннинг танобини тортиб қўйиш кўлимиздан келади⁵.

Мустақиллик адолат, юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшашга замин яратди. Президент Ислом Каримовнинг маънавий жасорати боис мустақилликка, адолатнинг тикланиши ва юксалишига, қолдиқ принципга асосланган таълим-тарбиядан бутун дунё жамоатчилиги эътироф этаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилишига эришдик.

⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1993. – Б. 281.

Адолат устуворлиги, айниқса ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Президент Ислом Каримовнинг «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин», деган эзгу гояси жамоатчилигимиз, қолаверса ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликка қадар аждодларимизнинг эзгу гоялари амалга ошмаган. Аждодларимиз тарбияси синфийлик, худосизлик, мутелик билан заҳарланган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ «адолатли, хукуқий давлат барпо этиш» йўлини танлади. «Ҳаётда адолатни ўrnата олиш»ни фаолиятининг бош мезонига айлантирди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш халқимизнинг азалий орзуси бўлиб келган, лекин уни рўёбга чиқариш имкони фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгач пайдо бўлди. Ўтган йигирма икки йил ичидаги халқимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигига ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширди, тоталитар тузум қолдирган асоратлардан кутулиб, демократик жамият қуриш борасида улкан тажриба тўплади. Эндиликда халқимиз Президентимиз раҳнамолигига фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичига ўтган ва бор куч-куввати, билими, салоҳиятини илфор давлатлар қаторига чиқиб олишга сарфламоқда.

2013 йилнинг 9 сентябридаги матбуот анжуманида Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин жаноблари Ўзбекистон Президенти билан учрашувлардан олган ўз таассуротлари ҳақида гапирап экан, куйидагиларни таъкидлади: «Ўз юртида мустақил давлатни барпо этиш борасида улкан тажрибага эга, мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга ошираётган катта донишманд ва буюк йўлбошли билан суҳбатлашиш шарафига мұяссар бўлдим. Ўзбекистон Президенти — мавжуд воқеликдан келиб чиқадиган ва узоқ келажакни олдиндан кўра оладиган, жаҳондаги барча муҳим муаммоларни, бу ШХТ доирасида бўладими, минтақавий ҳамкорлик ёки бутун дунёдаги ўзгаришлар бўладими — ҳамма масалаларни донишмандларча ва чуқур таҳлил эта оладиган, глобал стратегик фикрлаш қобилиятига эга инсон. Ўзбекистон Президенти нуфуси (аҳолиси) миллиарддан ортиқ Хитой халқининг ҳақли равишда катта дўстидир. Ислом Каримовдан кўплаб ҳаққоний

ва теран маъноли фикрларни эшитдим ва уларнинг барчаси мен учун жуда фойдали ва ибратли бўлди». Бу қурдатли давлат раҳбарининг юксак эътирофи эди.

Ўзбекистоннинг йигирма икки йиллик мустақил тараққиёти даврида «Инсон манфаати — ҳар нарсадан улуғ», «Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун», «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиорлари барча давлат органлари, шу жумладан ички ишлар идоралари фаолиятининг мазмун-моҳиятида намоён бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари аввало давлат органи, унинг ходимлари эса давлат ҳокимияти вакили сифатида фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини, хавфсизлигини, уларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлашдек ўта масъулиятли ва мурakkab фаолият олиб борадилар.

Ички ишлар идораларининг ходимлари ана шу йўлда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, хукуқий, маданий-маърифий жараёнларнинг олдинги сафларида бўлишлари керак. Шундагина уларнинг халқ орасидаги обрў-эътибори ошади, нуфузи кўтарилади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов томонидан хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг хукуқ ва ваколатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хизматларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориши масаласига мунтазам эътибор бериб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Ички ишлар вазирлигидаги мавжуд тузилмалар собиқ Иттифоқ хукм сурган даврда, бундан 30 — 50 йиллар олдин тузилган эди. Эндиликда мустақиллик боис жамият ўзгарди, одамлар онги, дунёқарashi ўзгарди, олдинги ашаддий зўравонлар, жиноят оламининг етакчиларини, обрўманларини жиловладик. Бироқ XXI аср остонасида ва унинг дастлабки йилларида жиноятчилик ҳам ўзгарди, унинг турли кўринишлари пайдо бўлди. Кейинги йилларда экстремизм, тероризм, одам савдоси каби ўта даҳшатли оқибатларни келтириб чиқарувчи

жиноятлар содир этилмоқдаки, бу соҳадаги иш услубини ўзгаришишга тўғри келди.

1991—2000 йиллар мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам XXI аср бўсағасида ва унинг дастлабки йиллариданоқ мавжуд эскирган тузилмалар замон талабига қараб қайта кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруzasида: «Ҳукуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринchi галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа файриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини саклаши уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теваракатрофида рўй берадиган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир»⁶, деганларида ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутган эди.

Дарҳақиқат, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларини ёки давлат, жамият ва халқ учун хавф туғдирадиган ҳар қандай ҳолат ёки ҳаракатни зудлик билан фош этишга, уларнинг олдини олишга, мамлакатимизда тинчлик ва осудаликни таъминлашга қаратилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди ва муҳим аҳамият касб этди. Унда ички ишлар идоралари тизимида камчиликлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, бир сўз билан айтганда ички ишлар идоралари олдида турган долзарб вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 345–351.

Юқоридаги фармоннинг асосий мақсадларидан бирі Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида штатлар сонини камайтириш ҳисобидан ички ишлар идораларининг жойлардаги күйи тизимларини мустаҳкамлаш, шунингдек туман, шаҳар ички ишлар идоралари тизимлари раҳбар ходимларининг масъулиятини, жавобгарлигини кескин оширишдан иборат.

Соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилди:

— ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими ўзига юклатылған вазифаларни виждонан бажариш, ишнинг пировард натижаси учун масъулиятни чуқур ҳис қилиш, жавобгарликни ўз гарданига олиш;

— ёш, иқтидорли, билимдон, имон-эътиқоди мустаҳкам, иродали, синалган, янгича фикрловчи ходимларни масъулиятли вазифаларга құрқасдан тайинлаш, уларни ўқитищ, авайлаб асраш, тарбиялаш ишларига доимо эътибор бериб бориш;

— ички ишлар идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш, халқ хизматида бўлиш юксак ва шарафли эканлигини доимо англатиб бориш йўли билан жамиятда, халқ орасида Ўзбекистон ички ишлар идоралари ходимининг обрўсини ошириш;

— ўз ҳаётини хавф остига кўйиб, жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги сафларида хизмат қилаётган жасур ходимларнинг меҳнатларини қадрлаш;

— эл-юрг осойишталигини таъминлаш, халқимиз тинчлигини сақлаш йўлида хизмат бурчини бажариш пайтида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг хотирасини эъзозлаш, номларини агадийлаштириш, уларнинг жасоратлари мисолида ёш ходимларни Ватанга, мустақиллик фояларига, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш.

Мазкур қўлланмада мамлакатимизда мустақиллик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш осон кечмаганлиги, бугунги осуда ҳаёт мустақиллик мъемори — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз иштирокида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси сифатида кўриб чиқилади.

1-БОБ.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ВА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА УНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ САЙЙ-ҲАРАКАТЛАР

1.1. Мустақилликнинг моҳияти

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июнда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида ўтган давр мобайнида кўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳияти, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарбибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибор марказида бўлиши зарурлиги қайд этилган эди.

Мустақиллик — мустамлакачилик, мустабидлик, мутелик исканжасидан, собиқ марказ тазиикларидан озод бўлиш, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиш хуқуки демакдир. Куйида энг улуғ, энг азиз қадрият ҳисобланган мустақилликнинг тарьифини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ифодасида келтирамиз: Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз курдати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт куриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришdir.

Биз учун мустақиллик — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва баҳтини кўришdir. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришdir.

Биз учун мустақиллик — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини куриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашdir⁷.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзини юксак эътибор билан тингладик. Табрик сўзида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақилликни янгича, бойитилган мазмунда қўйидагича талқин этди:

«Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳукуқ деб қабул қиласмиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимиизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуф тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишdir.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни қўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровошлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб дараражага кўта-ришdir.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом

⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б. 283 – 284.

эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикр-лайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир»⁸.

Мустақилликка эришиш остонасида, ўта қалтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги, тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, марказдан бўлаётган турли босим ва заарали таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш мақсадида 1990 йил 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, ўшандаги СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мана шундай юксак лавозим жорий этилган ва шу тариқа биз юртимизни мустақиллик йўлига бошлаган дастлабки қадамни қўйган эдик.

1991 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти МДҲ мамлакатлари ичидаги биринчилар қаторида сайланди, шу билан бирга мустақиллик йўлида қўйилган қадами мустаҳкамлади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва миллий истиқлолга эришуви халқимизнинг буюк тарихий ютуғидир. Мустақиллик – аждодларимиз берган мислсиз қурбонлар эвазига кўлга киритилган улуф неъмат. **Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишсанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юргида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданиятини ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.**

Мустақиллик туфайли жафокаш халқимизни ноўрин ифвомаломатлардан халос этиш, ўзбек номини тоза-пок сақлаш мақсадида юртбошимиз раҳнамолигига жуда улкан ҳаракатлар қилинди ва улар ўз натижасини берди.

Мустақиллик йилларида тараққиётни белгиловчи муҳим омил – маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждодларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар – бобокалонларимиздан қолган меросни асраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафкурасини шакллантириш, дину имо-

⁸ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. – 2013. – 1 сент.

нимизни, анъаналаримизни қадрлаш, обрўйимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон халқи эски иқтисодий сиёсат, ўзини оқдамаган тизимни кескин ўзгартириш, янгилаш, замон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётiga ўтишда ўзимизга хос, ўзимизга мос, беш тамойилга асосланган йўлимизни танлаш ва уни теран англаш, шу тариқа демократик, адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуриш жабҳасида қадамбақадам ҳаракат қилмоқда.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи истикъол ўйлидан дадил юрди. Бой тарихимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга, ўзлигимизга таяниб, жаҳоннинг илфор тажрибасига суюниб, мустақил равишда ички ва ташқи сиёсатини белгилаб олди, дунё ҳамжамиятига тенг хукуқли аъзо бўлиб кирди ва 22 йиллик тараққиёт йўлида Ўзбекистоннинг салоҳиятию обрўси намойиш этилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи бугун ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб, тинч осойишта ҳаёт кечираётган, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқда.

Ҳар йили халқимиз 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди. Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу кутлуг сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва мэрраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиш эртанги кунимиз, келажак учун сабоқдир.

1.2. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият

Ўтган XX асрнинг 80-йиллари охирида жамиятда хукмрон доиралардан норозилик кучайиб борди ва халқ наазарида

обрұсизланиб бүлган бошқарув тузилмаларини, әнг аввало, бутун шүро сиёсий тизимининг ядроси бүлган коммунистик партияни янгилаш әхтиёжи сезилмоқда эди. Ўша даврдаги вазиятта Юргашимиз Ислом Каримов шундай баҳо беради: «Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас...

Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, хукуқлари ва қадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда»⁹. Ана шундай шароитда юқори хўжалик вазифаларида ишлаб келган Ислом Каримовнинг, сиёсий эксперталар таъбири билан айтганда, «соғлом технократизми ва прагматизми» уни ўша вақтда қабул қилинган кўпгина таомилларни четлаб, партия пирамидасининг чўққисига кўтарди.

Тарихга назар ташлайлик. 1989 йил 23 июнда Ислом Каримов республикамизнинг янги раҳбари сифатида иш бошлади. Ушбу давр собиқ Иттилоғнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий майдонида инқирозли жараёнлар кечеётган пайтлар бўлганлигини кўпчилик юртдошларимиз эслайди.

1989 йил 23 июнда Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига Марказнинг «сургун»идан Тошкентга, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби сифатида қайтиб келади. Қарийб 3 йил давомида Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини Ислом Каримов билан бирга, ёнма-ён иш олиб борган кишиларнинг гапига қараганда, у киши тиним билмай вилоят равнақи учун куну тун ишлаган. Уч йил давомида, айтиш мумкинки, вилоят қўмитаси биносида яшаган, натижада кўп ишлар қилиниб, ҳосилдорлик оширилган, йўллар, бозорлар, ўнлаб майший обьектлар қурилган. Бунинг натижасида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган. Ислом Каримов халқ орасида обрў ва ишонч қозонган. Лекин, афсуски, Ислом Каримов республика раҳбари этиб тайинланганда республиканинг ўша вақтдаги партия раҳбарияти нўноқ сиёсат юритганлиги ва ҳаракатсизлиги туфайли Ўзбекистон фуқаролар уруши ёқасига

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 163.

келиб қолган вазият эди. Ислом Каримов қисқа муддат ичидә республикадаги портлаш хавфи бўлган вазиятни йўқотиши, Ўзбекистонни бостириб келаётган фалокатдан сақлаб қолиши керак эди, этник гурухлар ўртасидаги низолар мамлакат бирлигига таҳдид солмоқда эди.

Шу ўринда Фаргона фожиаси ва Ўш вилоятидаги ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги қуролли қарама-қаршилик вазиятни янада мураккаблаштирган эди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз интервьюоларидан бирида Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланишини қуидагича ҳикоя қиласди: «Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби бўлганман? 1989 йил июнь ойи эди. Даҳшатли кунлар эди. Қирғинлар, Фаргона, Кўқон, Кувасой, Гулистон, Паркент, Бўка. Гўё портлаш юз бериб, буг қозонининг қопқоини улоқтириб ташлаганга ўхшайди. Хўрлик йилларида тўпланиб қолган алам тўлқинлари бутун республикани қамраб олди. Бошликлар вазиятни бошқара олмай қолди. Мана шу бебошликларнинг ҳаммасига барҳам бера оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни қидиришмоқда эди. Изланишлар натижасида менинг номзодимга тўхталишди. Албатта, зиммамга нақадар катта масъулият олаётганимни тушунар эдим. Менинг карьерам эмас, балки ҳаётимнинг ўзи гаровга кўйилаётганини тушунар эдим. Шунчаки чиройли гап деб ўйламанг-у, аммо халқ мени тушунишига ва кўллаб-куватлашига ишонардим. Ана шу нарса менга куч берди»¹⁰. 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказ-кўмининг Пленуми бўлиб, Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби этиб сайлади.

Шу вақтдан бошлаб Ислом Каримов бошчилигида ўзбек халқининг қадр-қимматини тиқлаш ва уни ҳимоя қилиш жараёнлари бошланди. Ислом Каримовнинг республика раҳбарлигига келиши ва фаолиятининг бошланиши ҳам мустақиллик учун кўйилган илк дадил қадам эди.

Ислом Каримов мавжуд танг вазиятни барқарорлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Марказдан юборилган «кадрлар десанти»

¹⁰ Гафарли М. С., Касаев А. И. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси. — Т., 2001. — Б.12.

ўз обрўсини йўқотди ҳамда уларнинг «раҳбарлари» Анишев, Огарек, Сатин ва бошқа «казо-казолар» республикадан чиқариб юборилди.

Кадрлар сиёсатида жиддий ижобий ўзгариш юз берди, бу масалаларни ҳал этишда республика раҳбарияти ташабbusни ўз кўлига олди. Маҳаллий кадрларга бўлган талаб ва эътибор кучайтирилди. Кадрлар сиёсатида Марказ томонидан белгиланган ходимларни раҳбар этиб тайинлашга чек кўйилди. Ислом Каримовнинг юксак ташабbusкорлиги билан сиёсий мутеликдан кутулиш томон қадам кўйилди. Ўша даврда бундай ҳаракат улкан жасорат, «бошини кундага қўйиш»дек қаҳрамонлик эди¹¹.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг республика раҳбарлигига келиши мамлакатнинг жуда оғир ҳолати — ижтимоий-иктисодий ҳалокат ёқасига келиб қолган даврига тўғри келади. Бу ҳақида Л. Левитин шундай ёзади: «Ислом Каримов ҳокимият бошқарувини қўлга олган пайтда Ўзбекистон ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. Энди ҳеч ким фожиали воқеалар оқимини ортга қайтара олмайдиганга ўхшарди. У ҳокимият тепасига мамлакатни бало-қазолардан сақлаб қолувчи киши сифатида келди»¹².

Ислом Каримов ўз раҳбарлигининг дастлабки кунларидан мамлакатда миллатидан ва динидан қатъи назар, одамлар Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблашларига нафақат даъват этди, балки улар учун шарт-шароит яратиш қайфуси билан яшади.

Мустақилликка қадар айнан Ислом Каримов ўзининг сулҳарвэр сиёсати туфайли миллатлараро қарама-қаршиликка барҳам берди, фуқаролар уруши ёнгинини ўчирди, юз минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди, кўплаб миллат ва элатлар, миллионли аҳоли яшайдиган республикада ва бутун минтақада тинчлик ва осойишталикка, миллатлар ва динлар ўртасида тотувлик ва барқарорликка эришишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида вужудга келган этник низолар ва ижтимоий танглик ўчоқлари шахсан Президент иштирокида бартараф этилди. Президент Ислом Каримов стихияли жараёнларни кўрқмасдан, уларни маҳорат билан

¹¹ Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. Портретта чизгилар. Сиёсий эссе. – Т., 1998. – Б. 17.

¹² Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 1001. – Б. 36.

бошқарыб, тез, қатыяят билан дадил ҳаракат қылган ва республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқараётган носоғлом кучлар таъсирини қисқа муддатда қирқиб ташлашга муваффақ бўлган етакчи эканлигини нафақат МДҲ республикалари раҳбарлари, балки чет эл эксперклари ҳам эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов сабиқ шўро республикалари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб миллатчи кучларга қарши кураш бошлади. Чунки давлатимиз раҳбари мустақилликка қадар, асосан, ташқаридан туриб қўзғатилган Ўщдаги даҳшатли хунрезликка дуч келганлигини эслайлик. Қирғизистоннинг сабиқ Президенти Асқар Ақаев 1994 йил 5 ноябрда «Известия» газетасига берган интервьюсида: «**1990 йил июнь ойида икки кун ичида Ўщдаги миллатлараро қирғинда юзлаб ўзбеклар ва қирғизлар бехуда ҳалок бўлдилар. Республикані иккинчи Қорабоғга айланишдан асраб қолишига муваффақ бўлинди. Шунда Президент Ислом Каримовнинг аниқ позицияси ёрдам берди**»¹³, деган эди.

МДҲ мамлакатлари раҳбарлари орасида Президент Ислом Каримов мустақилликни кўлга киритган ilk кунлардан бошлаб, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишига ҳаракат қылган давлат раҳбари. Муҳими, Юртбошимиз аввал-бошданоқ мустақилликни асраб-авайлаш уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб кўйди. Бугунги кунда 22 йиллик тараққиёт йўлида қанчадан-қанча эътиборли амалий ишлар қилинаётганлигини кўрмаслик, сезмаслик ва англамаслик мумкин эмас.

Президент Ислом Каримов миллий ғоянинг юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига дахлдорлигини инобатга олган ҳолда, фуқаролар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқ бўлиш, одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдори эканини амалда исботлаган давлат раҳбари.

Бошқарув, ўз моҳиятига кўра, жуда мураккаб ва зиддиятли ҳодиса, айниқса, давлат бошқаруви. У ташкилотчилик, илм ва санъатнинг ўзига хос бирикуви бўлгани сабабли инсондан катта истеъдод талаб қиласи.

¹³ Известия. – 1994. – 5 ноябрь.

Истеъдоднинг ҳар қандай кўриниши (шакли) — бу билим, ўз соҳасида компетентлик, таҳлил ва умумлаштира билиш салоҳияти, ностандарт ва эвристик фикрлаш, масаланинг кўп варианти ечимидан энг тўғрисини аниқ ҳисоб-китоблар асосида ёки интуитив топиб, холис ва қатъий қарор қабул қила олишдир. Демак, истеъдод — бу, энг аввало, инсондаги ижодий тафаккур ва ирода салоҳиятидир.

Мамлакат раҳбаридан тарихий бурилиш даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш билан бирга, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадларни ва уларга эришиш концепциясини, яъни ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу концепция давлат ва жамият институтларини такомиллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан тортиб, инсон хукуқлари-ю хавфсизлик ва ташқи сиёсатгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Мамлакат аниқ ва пухта ишланган ривожланиш концепциясига эга бўлиши биринчи раҳбарнинг ва унинг командасининг ижодий салоҳиятига боғлиқ.

Собиқ СССРнинг парчаланиши арафасида ҳақиқий бошқарув истеъдодига эга бўлган шахснинг республикамиз раҳбари бўлиб келиши Ўзбекистон халқи учун улкан баҳт бўлди. Бу сафар тақдир миллатимизга кулиб боқсан эди.

1.3. Мустақилликка қадар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи

Мустақилликка қадар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов энг муҳим вазифа Ўзбекистоннинг ҳаётига халақит бераётган хато ва бузилишларни аниқлаб олишга эътибор қаратди. Криминоген вазиятни кескинлаштиришга сабаб бўлаётган ижтимоий-иқтисодий аҳволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш вазифасини кун тартибига кўйди. Чунки Ўзбекистон барча асосий ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртacha даражадан анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирини эгаллар эди.

Марказ босим ўтказётган таҳликали шароитда ўша даврнинг (собиқ Иттифоқ даври) оғир ва аянчли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий манзарасига тўғри ва холис баҳо берган инсон Ислом Каримов эди. Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Компартиясининг 1990 йил 4 июнда бўлиб

ўтган XXII съездиде сўзлаган нутқидан парча келтириш мақсадга мувофиқдир.

«Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, — дейди Ислом Каримов, — республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртacha даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртacha даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртacha Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши СССРда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобог биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни, аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фантехника имкониятларига, қулай табиий-иклим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий

кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига – ҳақли равишда инқироз ҳолати, деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайфураётган, ёш авлод тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуслари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз, асосан, хомашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хомашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иктисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иктисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади»¹⁴. Юқоридаги маълумотлар асосида қулай ахборот олиш учун куйидаги жадвални келтиришни лозим топдик.

1-жадвал

Собиқ Иттифоқдаги ўргача ҳаёт даражасига нисбатан Ўзбекистондаги оғир ва аянчли ижтимоий-иктисодий манзара

| № | Аҳоли жон бошига | |
|---|--|--------------|
| 1 | Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш | 12-ўрин |
| 2 | Миллий даромад ишлаб чиқариш | 2 ҳисса паст |
| 3 | Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш | 40 фоиз |
| 4 | Саноатдаги меҳнат унумдорлиги | 40 фоиз |
| 5 | Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги | 50 фоиз |
| 6 | Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли | 50 фоиз |
| 7 | Ойига 75 сўмдан кам ялпи даромад оладиганлар улуши (45 фоиз аҳоли) | 2 ҳисса кўп |

Шу ўринда куйидаги маълумотларни ҳам келтиришни лозим топдик.

¹⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 168.

**1989 йилда Ўзбекистон аҳолиси жон бошига истеъмол
қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори
(1 кишига килограмм ҳисобида)¹⁵**

| № | Маҳсулот турлари | СССР | ЎзССР |
|---|---------------------------|------|-------|
| 1 | Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 67 | 31 |
| 2 | Сут ва сут маҳсулотлари | 363 | 201 |
| 3 | Тухум (дона) | 268 | 119 |
| 4 | Картошка | 98 | 25 |
| 5 | Сабзавот ва полиз | 95 | 95 |
| 6 | Мева ва резаворлар | 41 | 27 |
| 7 | Нон ва нон маҳсулотлари | 129 | 167 |

Болтиқбўйи республикаларида ўша даврда йилига аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 95 – 110 килограммни ташкил қилганлигини ҳам мисол келтириш мумкин¹⁶.

1988 йилда Иттифоқ бўйича етиштирилган пахта толасининг 62,6 фоизи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон аҳолисининг ҳар бири ҳисобига тўғри келган, етиштирилган пахтадан тўқилган газмол миқдори 238,8 метр квадратни ташкил қилиши зарур эди. Ҳақиқатда эса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 25,1 метр квадратга тенг бўлган¹⁷.

Бундай ҳолни келтириб чиқарган асосий ҳолат, барча маҳсулотларни тақсимлашнинг ўта марказлашганлиги эди. Шу ерда бир ҳолат киши эътиборини ўзига жалб қиласди. Ўзбекистон бўйича ҳар бир аҳоли жон бошига 64,4 килограмм мева ва резаворлар етиштирилгани ҳолда, унинг истеъмоли Иттифоқ бўйича 41 килограммга, Ўзбекистонда эса 27 килограммга тенг бўлган. Ўша даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотидан келиб чиққан бундай номутаносиблик Ўзбекистон аҳолисининг ҳақли эътирозини келтириб чиқарарди.

¹⁵ Батафсил маълумот учун қаранг: Қобилов Ш. Р. Мустақиллик ғойибдан келган эмас... – Т., 2012. – Б. 31.

¹⁶ Юсупов Э., Баҳриддинов А. Ҳолва деган билан... // Ҳаёт ва иқтисод. – 1991. – №4. – Б. 18–21.

¹⁷ Ўша манба. – Б. 18 – 21.

Куйидаги рақамга эътиборни қаратамиз: озиқ-овқат маҳсулотларидан ўша давр статистикасида собиқ Иттифоқда аҳоли жон бошига 98 килограмм картошкага истеъмол қилингани ҳолда, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 25 килограммга тенг бўлган. Айнан ўша даврда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ибратли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1990 йилнинг 30 январида «Ўзбекистон ССРда 1990—1995 йилларда озиқ-овқат ва уруғлик картошкани ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эътиборга лойиқ. Бугунги кунга келиб картошкага етиштириш борасида ҳам мустақилликни таъминладик.

Ўзбекистон эндиғина мустақилликка эришган 90-йиллар бошларида ёш республикамиз олдида жуда кўп муаммолар кўндаланг туради. Энг муҳим масалалардан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат эди. Энг катта муаммо шунда эдики, сабиқ Иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга мустақилликка қадар кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди. Энг асосийси, фалла мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ҳам дахлдор бўлиб, жамиятнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашдаги ўрни бекиёс эди.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда сугориладиган майдонларнинг каттагина қисми пахта билан банд бўлиб, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари кам етиштирилиши натижасида аҳоли истеъмол қиласидан озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини дон ва дон маҳсулотлари ташкил этган.

Иқтисодчи мутахассислар йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб чиқиб, 1992 йилда 5 миллион тонна фалла кераклигини маълум қилганлар. Ўша йиллари Ўзбекистонга четдан йилига ўртacha 3 миллион тоннага яқин буғдой келтирилган. Табиийки, бундай миқдордаги фалла асосан республикамиздан олиб кетилаётган пахта толаси ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар эвазига берилган. Собиқ иттифоқ таназзулга юз тутгач, ана шу

ғаллани четдан ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди. Бунинг учун, биринчи навбатда, валюта керак эди. Баъзи ғалла сотувчи давлатлар эса ўзларининг сиёсий манфаатларини ҳам орага тиқиширишга уринарди. Қолаверса, сотиб олинган ғаллани юртимизга етказиб келиш учун катта миқдорда йўл харажатлари ҳам талаб қилинарди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум бир шартлар ва каттагина маблағлар эвазига четдан, яъни Москвадан бериладиган нарядлар асосида Самара (Россия) ёки Украина, Қозоғистоннинг Актибинск вилоятидан дон келтириш муаммосига барҳам бериш давлатимиз раҳбарини кўп ўйлантирасида эди. Шундай даврлар бўлганки, юртимизга Канада ва АҚШдан ун олиб келишга ҳам тўғри келган. Мингминглаб тонна маҳсулот юк кемаларида океан орқали Болтиқбўйи денгиз портига келтирилар, у ерда катта қийинчиликлар билан вагонларга юкланиб, Ўзбекистонга ташиб келтирилар эди.

Республикамиз учун ўша пайтлар нафакат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий вазият ҳам чигаллашган бир давр бўлиб, ижтимоий кескинликни кучайтириши мумкин эди. Мамлакат жуда катта озиқ-овқат муаммосига дуч келган, мураккаб вазият гирдобида қолганди.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясидаги (1992 йил, июль) куйидаги фикрларини келтириш ўринли: «... жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...»¹⁸. Бу гаплар ортида Ватан, халқ тақдири, ташвиши ҳамда улкан вазифа ётарди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов озиқ-овқат таъминотида узилишлар юз бермаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрди. Хориждан сотиб олинган ғалла мамлакатимизга етиб келиши учун маълум вақт талаб қилинарди.

Вазият жуда қалтис тус олган, яъни мамлакатимиз ғалла захирасининг «таги» кўриниб қолган ана шу йилларда Президентимиз масалани кўндаланг қўйди: ғалла мустақиллигига Эришишимиз шарт. Юргашимиз ўшанда халқимизнинг айни

¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б. 3–4.

дилидагини топиб айтганлиги сабабли, халқимиз бу ишга ғайрат билан кириши.

Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигига мамлакат аҳолисини ўзимизда етиширилган дон билан таъминлаш юзасидан маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг босқичма-босқич амалга оширила бориши натижасида бир қатор муаммолар ўз ечимини топди. Булар:

биринчидан, аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди;

иккинчидан, дехқонларимиз учун янгидан-янги иш жойлари ва кўшимча даромад манбаи яратилди;

учинчидан, пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу майдонларга фалла экилиши ҳисобига экинларни алмашиб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди;

тўртинчидан, фалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ҳисобига сабзавот етишириш ҳажми кўпайди ва бу ҳам дехқонларга кўшимча даромад олиш имконини берди;

бешинчидан, четдан фалла сотиб олиш учун сарфланадиган валюта тежаб қолинди;

олтинчидан, Ўзбекистон дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутулди ва уни экспорт қиласидаги мамлакатга айланди;

еттинчидан, чорва молларининг озуқа базаси янада мустаҳкамланди.

Кези келганда, ўша вақтларда билдирилган баъзи фикр-мулоҳазаларни ҳам эслаш жоиз. Бир қатор иқтисодчи олимлар ва хорижий давлатлар вакиллари «Ўзбекистоннинг ўзида фалла етишириш шартми? Ундан кўра, кўпроқ пахта етишириб, толани экспорт қилиш ҳисобига фаллани арzon нархларда четдан сотиб олган маъкул эмасми? Ахир, пахта етиширишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори-ку», дея эътиroz ҳам билдиришган эди. Аммо уларнинг дъяволари асоссиз эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатди ва эндиликда мустақил юртимиз ўз фалласига эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари билан барқарор таъминланган. Бунга эса дон мустақиллиги дастурини изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириш эвазига эришилди. Булар нималардан иборат

эди? Аввало, деҳқонларимизни ғалла етиштиришга ўргатиб, бу соҳадаги моддий манфаатдорлик юқори даражага қўйилганлиги ютуқларнинг бош омили бўлди.

Маълумот учун:

2013 йилда етиштирилган жами ғалла ҳосилининг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини, деҳқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари кут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далилидир.

Ўз вақтида Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилганлиги бугун давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи шароитида иқтисодиётимиз негизларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлганлигини таъкидлаш зарур.

Таъкидлаш жоизки, Совет Иттифоқининг кўпгина республикаларидаги турмуш даражаси Россиядагидан ҳам кўра баланд эди. Бироқ Ўзбекистон бу қатордан ўрин олмаган эди. Республика улкан табиий, минерал хомашё салоҳиятига эга эди. Халқ пахта далаларида тер тўкиб меҳнат қиласар, заҳарли моддалардан нафас олар, соғлиғига зарар етказар эдию, бироқ ўзи камбағаллигича қолаверарди. Унинг ҳаётида оғир меҳнатдан бошқа нарса йўқ эди. Милионлаб кишиларнинг тақдирни ана шундай эди¹⁹.

Маълумки, ўткир ижтимоий муаммолар туфайли миллатимизнинг генофонди ёмонлашиб, айниқса, нимжон ва касалманд болалар сони ортиб кетгани халқимизда қаттиқ ташвиш уйғотар эди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистоннинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига етказилган зиён ҳақида афсус ва надомат билан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги сўзлаган маърузасида қўйидагиларни баён этган: «Пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинка-

¹⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.132.

мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганилиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Орол денгизининг фалокати Қорақалпоғистон жануби учун бориб турган экологик кулфат бўлди, энди Оролни қутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулодда чора-тадбирлар кўрилиши керак»²⁰. Ушбу ҳодисалар Орол фожиасини келтириб чиқарди. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳәёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди. Қарийб 40–50 йил мобайнида Орол денгизи акваторияси етти баравар қисқарди. Сув ҳажми 13 марта камайди. Унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди²¹.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман, сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига куйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда дengiz 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга қисқарди²². Сув қирғоқдан 70–100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50–70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилигани кузатилган²³. Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан, ичимлик суви билан таъминланишнинг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалингани аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ич терлама юқумли касаллиги билан касалланганлар сobiқ Иттифоқ даражасидан 23 баробар кўп бўлган²⁴.

²⁰ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 172.

²¹ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисдаги нутқи // Постда. – 2010. – 25 сент.

²² Ҳаёт ва йўқтисод. – 1991. – №2. – Б. 56.

²³ Шалимов А. И. Экология: тревога нарастает. – Л., 1989. – С. 53.

²⁴ Судьба природы — наша судьба. – М., 1990. – С. 223.

1985—1987 йилларда СССРнинг айрим республикаларида болалар ўлими²⁵

(Ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача ўлгани)

| Айрим иттифоқдош республикалар | 1985 йил | 1987 йил |
|--------------------------------|----------|----------|
| СССР | 26,0 | 25,4 |
| РСФСР | 20,7 | 19,4 |
| Украина | 15,7 | 14,5 |
| Белоруссия | 14,5 | 13,4 |
| Ўзбекистон | 46,2 | 45,9 |
| Қозогистон | 30,1 | 29,4 |
| Грузия | 24,0 | 24,3 |
| Озарбайжон | 29,4 | 28,6 |
| Литва | 14,2 | 12,3 |
| Молдова | 30,9 | 25,9 |
| Латвия | 13,0 | 11,3 |
| Арманистон | 24,8 | 22,6 |
| Эстония | 14,0 | 16,1 |

1984—1985 йилларда Ўзбекистонда болалар ўлими²⁶

(Ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача ўлгани)

| Вилоятлар | 1984 йил | 1985 йил |
|----------------------|----------|----------|
| Қорақалпоғистон АССР | 51,0 | 62,5 |
| Андижон | 41,6 | 42,6 |
| Бухоро | 51,2 | 49,2 |
| Жиззах | 41,7 | 46,7 |
| Қашқадарё | 39,5 | 40,6 |
| Навоий | 45,7 | 44,9 |

²⁵ Народное хозяйство СССР в 1990 г. — М., 1991. — С. 92.

²⁶ Охрана здоровья в СССР. — М., 1990. — С. 12.

| | | |
|-------------------|------|------|
| Наманган | 44,1 | 43,3 |
| Самарқанд | 52,3 | 50,3 |
| Сурхондарё | 56,6 | 55,2 |
| Сирдарё | 37,9 | 41,6 |
| Тошкент вилояти | 35,3 | 36,4 |
| Фарғона | 44,9 | 50,1 |
| Хоразм | 55,9 | 50,4 |
| Тошкент шаҳри | 31,9 | 33,1 |
| Республика бўйича | 45,1 | 46,2 |

Агар Японияда ҳар 1000 нафар тугилган чақалоқдан бир ёшгача 5 таси ёки Канадада 7 таси ўлган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 45,9 тани, Қорақалпогистонда эса 60 тани (1989 йилги кўрсаткич) ташкил этган²⁷.

Юқоридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол аҳоли ўртасида норозилик кайфиятларини келтириб чиқарган эди. Бунинг оқибатида республикамиз ҳудудида бир нечта қайноқ нуқталар пайдо бўлди.

1.4. «Пахта иши» ва унинг даҳшатли оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар

Ўзбекистонда «пахта иши» деган соҳта кампания — қатағон сиёсати таъсирида ноҳақлик ва адолатсизлик учига чиққан, давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида айниш бошланган, ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий никобдаги радикал оқимлар бош кўтарган, бу ҳам етмаганидек, ҳукмрон собиқ Марказдаги иккююзламачи матбуот томонидан ҳалқимизнинг бошига ёғдирилган бўхтон ва тұхматлар одамларимизнинг руҳи ва кайфиятини туширгани, ҳалқ ўртасида эртанги кун ишончига жиддий путур етказганичи? Кўркув ва вахима кенг тарқалган пайт эди. Ислом Каримов «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган айблов билан респуб-

²⁷ ЎзМДА. 2454-фонд, 6-рўйхат, 5981-йигмажилд, 58-варақ.

ликамизнинг 25 мингга яқин фуқароси ноҳақ қамалган одамларнинг хонадонига бирма-бир кириб борганилиги, қатъий ишонч билан: «Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ўғлингиз, турмуш ўртоғингиз, отангиз ҳадемай бағрингизга қайтиб келади»²⁸ деб, руҳан эзилган инсонларга нафақат таскин берди, балки ҳалқимизга нисбатан катта ноҳақлик бўлаётганлигини барала айтиб, тенгсиз жасорат ва инсонийлик билан заҳматкаш ҳалқимизнинг тарафини олди, шу йўлда курашди ва ҳалқпарвар раҳбар деган ном қозонди. Юртбошимиз Ислом Каримов: «Бир эсланг, шўро замонида, 80-йилларда собиқ марказ «ўзбек иши», «пахта иши» деган уйдирмаларни баҳона қилиб, ўзбек миллати вакилларини бутун дунёга қандай кўрсатарди? Сочи тақир қилиб олинган, қалпоқ кийган, белини боғлаган, соқол қўйган одамларни, мана, буларнинг башараси, деб, пешонасига тамға қўйиб, матбуот орқали намойиш этарди. Бугун шуни эслашимиз ўринли, деб биламан»²⁹. Ислом Каримов ўз фаолиятини давлат раҳбари сифатида ана шундай сиёсий бекарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик авж олган, ижтимоий-иктисодий ҳамда сиёсий вазият ўта қалтис ва оғир даврда бошлаганлигини, айниқса бугун таъкидлаш ва эътироф этишимиз лозим.

Президент Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 ноябрь куни ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан иқтибослар келтиришни ўринли деб топдик. «Бугун собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тикилашни хаёл қилиб юрган, яқин тарихимиизда содир бўлган ижтимоий жараёнларни бутунлай ўзгартириб, керак бўлса, соҳталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-бilmagan ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишига уринаётган кучлар, афсуски, ҳали ҳам йўқ эмас.

Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган, ўз тақдирни ва келажагини ўз кўли билан кураётган ҳалқимизни энди эски мағкурага, эски замонга ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, бутун ҳалқимиз, жумладан, Қашқадарё эли, бу воҳадаги навқирон ёшларнинг бугунги азму шикоати, орзу-интилишлари, келажакка бўлган мустаҳкам ишончи шундай деб айтишига тўла асос беради...

²⁸ Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. – Т., 2003. – Б. 112–113.

²⁹ Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.255.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида собиқ Марказ ва унинг кўрсатмаси билан юртимизга юборилган, халқимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан эл-юртимиз бошига туҳмат ва бўғтонлар ёғдирилган, одамларимизнинг инсоний ҳақ-хукуқи, шаъни ва гурури аёвсиз оёқ ости қилинганди эди. Айниқса, Қашқадарё воҳаси бундай зулмдан энг кўп азият чекди.

Ана шундай даҳшатли қатағоннинг қандай кенг тус олганини, ўйлаймизки, қуидаги рақамлар яққол кўрсатади. Биргина «пахта иши» бўйича вилоятда 3 мингдан зиёд одам ҳибсга олинган, фақат 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг 3 та муовини, 8 та бўлим мудири, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроя қўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижрокўмларининг 12 нафар раиси, вилоят миқёсидаги йирик ташкилотларнинг 27 та раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари, яна қанча-қанча оддий меҳнаткашлар, бегуноҳ инсонлар жиноий жавобгарликка тортилган эди. Вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири ўз жонига қасд қилган, иккинчиси эса қамоқца олинган эди. Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20–30 тадан оила аъзолари, қариндош-уруглари, бирга ишлаган кишилар тун-у кун сўроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигида сарсон бўлиб юрганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унумтайди.

Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машъум кунларни эслар эканмиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг қадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чуқур англаймиз»³⁰.

1.5. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви оқибатида юзага келган фожиалар

(Фарғона, Ўш, Бўка, Паркент, Наманган воқеалари)

Фарғона фожиаси. 1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона вилоятида фожиали воқеалар бўлиб ўтди. Ўша йилнинг 20 май куни Қувасойда туб аҳоли билан шу ерда истиқомат қиласидаган месхети турклари ўртасида тўқнашувлар содир бўлди (месхети турклари СССР давлат мудофаа комитетининг 1944

³⁰ Халқ сўзи. – 2011. – 1 дек.

йил 31 июль қарори асосида Грузиядан депортация (кувғин) қилиниб, 1944 йил ноябрь ойида жами 30 минг месхети турклар Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келинган)³¹. Республика раҳбарияти воқеаларни ўз вақтида тўғри баҳолай олмагани туфайли вазият янада кескинлашди. Ўша йилнинг июнь ойида Тошлоқ ва Марғилонда шундай тўқнашувлар юз бериб, кейинчалик Фарғонанинг жанубига кўчди. 8 июнь куни Кўқон шаҳрида тинч намойишчилар сабиқ Иттифоқ ИИВнинг ички кўшиналари томонидан ўққа тутилди. Оммавий тартибсизликлар оқибатида жами 103 нафар киши ҳалок бўлди³².

Фарғона воқеаларига сабабчи омиллар бир қанча эди. Ушбу салбий омиллар вилоят раҳбарияти, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ташкилотчилик ишларида жиддий хатолар содир этаётганлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятга объектив баҳо бера олмагани ва ёшларни иш ўринлари билан таъминлашнинг чора-тадбирларини белгиламаганлари эди.

Умуман, 1984—1989 йиллардаги ижтимоий аҳволни қуидагича баҳолаш мумкин эди: сабиқ Иттифоқ коммунистик партиясининг қарорига асосан Ўзбекистонга юборилган «десантчилар» гуруҳининг зўравонликлари «чегарадан чиқиб кетди» ва аҳолининг оммавий норозилигига сабаб бўлди, Кувасой, Фарғона, Бўка ва Паркентда содир бўлган воқеалар мамлакат аҳолисини фуқаролар урушига тортаётгани аён бўлиб қолди. Хуллас, ушбу йилларда мамлакатимизда ўта қалтис ва мураккаб сиёсий вазият вужудга келган эди.

1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига келиб ниҳоятда авж олиб кетди.

Кечагина республикамиз раҳбари этиб сайланган Ислом Каримов ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Ушбу нутқ, моҳият эътиборига кўра, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи эканлиги билан ҳам алоҳида тарихий аҳамиятга эгадир. Ушбу чиқишида Ислом Каримовнинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намоён бўлади.

³¹ Қаранг: Постановление ГОКО №5279сс от 31 июля, 1944 г.

³² Ўзбекистон тарихи: Дарслик / Масъул муҳаррир Ў. Усмонов. — Т., 2005. — Б. 321..

2011 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Мустақилик арафасида ёки шўроларнинг сўнгти талвасаси» ҳужжатли фильмини томоша қилиш асносида Президентимиз Ислом Каримов 1989 йилнинг 25 июнь куни эса у жанжал-тўполонлар алангаси ичидаги қолиб кетган Фарғонага йўл олганлигини кўрамиз. Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очик гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юрақдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам кўйгандек бўлади, кўнгилларида сўнган умид учкунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Тўлиқ маълумот учун: 1989 йилнинг 3–7 июнь кунлари Фарғонада аҳолига қарши одамнинг баданини ўпиреб кетадиган маҳсус ўқлар отилган. Илгари бундай ўқлардан совет кўшинлари Афғонистондаги урушда фойдаланган, кейинчалик уни ишлатиши тақиқланган эди. Бундай шафқатсизликни оқлаш учун 14 июнда Тошкентга келган СССР Министрлар Советининг раиси Н. Рижков ва СССР Давлат Хавфсизлик Комитетининг раиси В. Чебриковplenум ўтказиб, воқеаларга миллатчилик тусини берадилар. Ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Р. Нишонов ҳам ўз маъруzasida уларнинг фикрини маъқуллайди ва янада «ривожлантиради».

1989 йил 23 июнда Ўзбекистонга янги раҳбар — Ислом Каримов сайланади. 24 июнда, яъни орадан бир кун ўтгач янги раҳбар мажлисда сўзга чиқиб, бу тўполон ва чиқишиларни миллатчиликнинг кўриниши эмас, балки одамларнинг мавжуд шароитдан, ҳаётдан норозилиги ифодаси, деб баҳолайди.

Ислом Каримов лавозимга ўтирганига икки кун бўларбўлмас ниҳоятда оғир муаммо билан тўқнашади — 25 июнда Фарғонада вазият кескинлашади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси F. Қодиров тўполон бўлаётган жойларга десантчиларни ташлаш тўғрисида кўрсатма бергани боис, кўчаларда БТРлар турган, автоматчилар одамларни текшириб ўтказаётган бир пайтда Ислом Каримов ўша ериб келади. Бундай шароитда, аввало, одамларни тинчитиш, бунинг учун

улар кўнглига ваҳима солиб турган қуролли кучларни олиб кетиш зарурлигини тушунган Ислом Каримов десантчиларни жойига қайтариш ҳақида топшириқ беради. Шу куни хавфсизлик хизматининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Кўқонга етиб келади. Йўл-йўлакай бир-икки жойда одамларнинг рўй бераётган воқеалар ҳақидаги фикрини ўрганади.

Натижада шу нарса аён бўладики, одамлар ҳеч кимга ва ҳеч нарсага, давлатга ҳам, адолатга ҳам ишонмай қолган, ниҳоятда аламзада аҳволда эдилар. Шунда Ислом Каримов уларга: «Мен сизлар билан биргаман, муаммоларни биргаликда ҳал этамиз, лекин сизлардан илтимосим, фақат ҳамма жойда тинчлик, тартиб-қоида бўлиши керак», дейди ва бу мураккаб вазиятда ҳам ўз ниятига эришади.

Фарғона водийси вилоятларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, минтақадаги ўткир ижтимоий муаммолар ҳақида очик-оидин ва ошкора гапиради, мавжуд кескин аҳволдан чиқиш йўли сифатида аҳолининг турмушини яхшилаш, жумладан, одамларни иш билан, томорқа ва уй-жой учун ер участкалари, чорва моллари билан таъминлаш масалаларини биринчи бор амалий нуқтаи назардан жиддий кун тартибига кўйиб, тегишли вазирлик ва идоралар, вилоятлар ва туманлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берди.

Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистон раҳбари бўлган Ислом Каримов ва у бошлиқ сиёсий раҳбарият бу масалада принципиал мавқени эгаллади. Ана шу воқеалардан кейин Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларидаги вазиятга холи-сона баҳо беришга киришилди. Ислом Каримов матбуот конференциясида: «Ўзбекистон яна бир «Фарғона»га чидаб тура олмайди», деган эди³³.

Ислом Каримовнинг бевосита ташабbusи билан фашизмга қарши уруш йилларида Ватанидан кувиб чиқарилган қатор халқларга ўз юртига қайтишларида ёрдам бериш тўгрисида Декларация қабул қилинди ва СССР Олий Кенгашига тақдим этилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай ҳужжат (у қандай ҳал этилганидан қатъи назар) фақат Ўзбекистонда қабул қилинди³⁴. Бу ҳаракат

³³ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустам-лакачилиги даврида / Тахрир ҳайъати А. Азизхўжаев ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 666.

³⁴ Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. – Т., 1998. – Б. 25.

Республика раҳбариятининг жонкуярлиги ва адолатпарварлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг ўша даврдан то шу кунгача газеталар саҳифасида, ойнаи жаҳонда айтган, миллионлаб кишилар кўнглига ишонч, билагига куч бахш этган сўзлари, яъни «Ўзбекистонда миллатлар ўртасида қон тўкилмайди», «Фарғона воқеалари бошқа қайтарилмайди», дея берган ваъдаси унинг ҳам раҳбар, ҳам улкан шахс сифатида лафзи қатъий эканини намоён этди. Ҳаётда инсон учун оиласи, умр йўлдоши, фарзандлари, уй-жойи, мол-мулки, обрў-эътибори, соғлиғи қанчалар қадрли бўлса, шуларнинг барчасидан у миллатлараро жанжал, қон тўкишлар сабаб айрилиб қолиши мумкин. Бу шунчаки гап эмас. Буни чуқур тушуниш, тинчликни сақлашишида раҳбарни ёлғизлатиб қўймаслик, унга елкадош бўла билиш керак. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейдилар. Юртимиздаги тинчликни қадрлайлик. Унга осонликча эришилмаяпти. Ҳануз ўт чиқариб, ғавғолар кўтариш ниятида, қон ҳидини искаш пайида юрганлар йўқ эмас. Бу барчамизни огоҳ бўлиб яшашга ундайди.

Ўзбекистон — муқаддас диёр. Шундай бўлмагандан, халқимиз бир вақтнинг ўзида Ватан мустақиллигига эришмаган ҳамда Ислом Каримовдек буюк, иқтидорли давлат раҳбарига эга бўлмаган бўлар эди. Қисқа вақт ичиде Ислом Каримов раҳбарлигига республикада миллатлараро тотувлик, миллий қадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар ҳал қилина бошланди. Фарғона воқеаларида маҳаллий идора раҳбарларининг халқдан ажralиб қолганлиги, воқеаларнинг асл моҳиятидан бехабарлиги, халқнинг дарду ҳасратига лоқайдлиги яққол намоён бўлди.

Шундан сўнг, мамлакат раҳбарияти томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, пахтага тўланадиган ҳақ қайта кўриб чиқилди, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам берила бошланди. Айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш мақсадида 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз топширилиши³⁵ каби тадбирлар республикада сиёсий-ижтимоий кескинликнинг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, республикамизда шу пайтдан

³⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. – Б. 341.

бошлаб мустақил ривожланишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фаргона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарғанлар, шундай қонли фожия ҳисобидан обрў топиш, ўзининг баразли манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қиласди, фожия оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Фаргона вилоятида ижтимоий кескинликни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида қуйидагиларни баён этган эди: «Боз устига, кейинчалик маълум бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўтоловдек чақнаб кетган Тошлоқ районидаги ана шундай шахслар қонун-қоидаларни бузишган, порахурлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-уругларига якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтоҷ бўлган 400 нафар оддий меҳнаткашга рад жавоби берилган эди.

Сотиш учун 319 та автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа республикаларда истикомат қиласиган кишиларга гайриқонуний тарзда тақсимланган, уй-жой тақсимлаш тартиби қўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверган»³⁶.

Жумладан, Юртбошимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида, кейинчалик Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишларида бу масалада қатъий позицияда туриб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди:

«Ўзбек халқининг виждони пок. Фаргона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуриқсиз ва баразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати

³⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 179.

ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қаҷон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган»³⁷.

Юртбошимиз Ислом Каримов Фарғона фожиалари ҳақида шундай деган эди: «Фарғона воқеалари, шунингдек, кейинги пайтларда рўй берган бошқа тартибсизликлар — буларнинг барчаси турли миллат одамларида бир-бирига ишончсизлик пайдо қилди. Шундай бўлишига ким сабабчи? Мен ҳозир аниқ-равshan қилиб айтаман: жамики номаъқулчиликлар республикамиз чегарасидан ташқаридадир»³⁸. Фарғона водийсида рўй берган тартибсизликлар ҳам ана шундай гаразли ниятда ташкил этилган эди.

Бундай ҳаққоний ва ҳароратли сўзлар эл-юртимизнинг дардига дармон бўлди, унинг туҳмат ва маломатлардан эгилган бошини, руҳини кўттарди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг барча муаммолар ҳақида — улар қанчалик оғир ва ноҳуш бўлмасин — очиқ гапириши, ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараши унга нисбатан халқимизнинг эътирофи ва эҳтиромини уйғотди.

Ўш воқеаси. Шу ўринда жаҳон адабиёти хазинасига ўзининг ноёб асалари билан бетакрор ҳисса кўшган атоқли адиб, жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ҳақидаги фикрларини келтириш ўринлидир:

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мен илк бор 1990 йилда учрашганман. Ўш фожиалари эсингдами? Икки қардош халқ ўртасида кутилмагандан нифоқ пайдо бўлиши, қон тўкилишига мен бефарқ қараб туролмадим. Сессия пайтидаёқ Горбачев билан учрашдим-да: «Ўшга боришимга рухсат берсангиз. Мен у ерга боришим керак. Нима бўлаёттанини кўриб, кўлимдан келганча одамларга ёрдам бераман», дедим. Горбачев шу заҳоти КГБ раиси Крючковни, мудофаа вазири Язовни чақириб: «Дарҳол маҳсус самолёт ҳозирлансин!» деб буйруқ берди. Ўша куниёқ Чкалов номидаги аэродромдан бир гуруҳ ўртоқлар билан ҳарбий самолётда учиб кетдим. Тошкентта кўнишими биланоқ, мен

³⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 52–53.

³⁸ Ўша манба. – Б. 289.

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг раиси Одил Ёкубов билан телефонда боғландим. Биз учрашдик. Тайёрагоҳнинг ўзида шошилинич кенгаш ўтказдик.

Вазият кундай равшан эди: икки қардош халқ бир-бирининг ёқасига ёпишиб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Кутулмаганда алант олиб кетган низони қандай йўсинада тўхтатиб бўлади? Бизни ана шундай муаммолар қийнар эди. Ҳар бир соатда янги хабар етиб келарди, юрак-бағримиз ўрганиб, амалий ҳаракатга шошилар эдик.

«Фарғона водийсидаги ўн минглаб ўзбеклар Ўш томонга боришаётпти!»

«Кечаги кундан эътиборан Олой қирғизлари отларига миндилар!»

Шунда мен Ўзбекистондаги ҳар хил жамоат ташкилотларининг раҳбарларига: «Келинглар, оға-инилар, сеники нотўғри, менини тўғри деган мунозарани бас қиласлик. Ростини айтсан, ҳаммамиз айбормиз. Вазиятни кескинлаштиришдан фойда йўқ», дедим. Барча менинг фикрларимни бир овоздан қўллаб-куватлади.

Тез орада менинг келганимдан хабар топган Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби Ислом Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимгидек муайян бир масалага бутун диққат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, ғайратли эди. Яккана-якка чин дилдан гаплашдик. Мен: «Ўшга кирмоқчи бўлаётган фарғоналикларни тўхтатинг, — деб илтимос қилдим. — Агар икки оломон бир-бири билан тўқнашиб кетса, кейин уларни тўхтатиш ҳам, тинчтиши ҳам қийин бўлади. Жуда катта хунрезлик рўй бериши ҳеч гап эмас. Биз ҳам Ўш вилоятини тинчтиши учун кўлимиздан келганча ҳаракат қиласиз».

Каримов билан гапимиз бир жойдан чиқди. У менинг фикр-мулоҳазаларимни батамом қўллаб-куватлади ва самолёт зина-поясига қадар кузатиб кўйди.

Ўш вилоятига бориб шарт-шароитлар билан танишганимдан сўнг мен республика телевидениеси орқали Ўзбекистон халқига мурожаат қилдим. Бу ҳодиса нимадан бошлангани, агар низо кучайиб борадиган бўлса, охири жуда ёмон бўлиши мумкинлиги тўғрисида дилимдаги бор гапларимни очиқ-ойдин айтдим. Ўша пайтда менинг ёнимда Одил Ёкубов билан Пиримкул Қодиров ҳам ўтирган эдилар. Улар ҳам менинг фикрларимни кувватлашиб, бутун ўзбек халқини босиқликка чақирдилар.

Қадимдан қон-қардош бўлган икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифоқни баргараф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди.

Қозоғистоннинг ПЕН-клуби навбатдаги мажлислиридан бирини Кустанайда ўtkазди. ПЕН-клуб президенти Абдужамил Нурпейсовнинг таклифига кўра, мен ҳам ўша мажлиса қатниашдим. Ўзим яқинда Франкфуртдан қайтгандим. Хуллас, уйга қайтаётib, йўл-йўлакай Тошкентга ҳам тушиб ўтдим. Оқшом чори Ислом Каримов каминани йўқлаб келди. Биз Марказий Осиё маданиятининг ҳозирги аҳволи тўғрисида жуда узоқ сұхбатлашдик.

Илгари мен бу кишини фақат хўжалик ишларининг миридан-сиригача яхши биладиган тажрибали сиёсатчи сифатида билардим. Ўша оқшомдаги сұхбатдан сўнг амин бўлдимки, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чукур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан»³⁹.

Бу сўзлар Ислом Каримов ўша таҳликали вазиятда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёни қамраб олиши мумкин бўлган фалокатни катта жасорат ва донишмандлик билан тўхтатиб қолганини кўрсатади. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бўка воқеаси. 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» хужжатли фильмини томоша қилиш асносида Президентимиз Ислом Каримов жанжал-тўполонлар авжига чиққан Тошкент вилоятининг Бўка туманига йўл олганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўша даврда Бўка тумани прокурори вазифасида ишлаган Эргашевнинг ҳамда бугунги кунда ушбу тумандаги «Мустақил Ўзбекистон» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Сайдовнинг хотирлашларича, Ислом Каримов Бўка туманига келганида аянчли манзаранинг гувоҳи бўлади — йўл ёқасида машиналар ёнар, жунбишга келган ёшлар тўполон қилишарди. Янги раҳбар

³⁸ Айтматов Ч., Шохонов М. Қояда қолган кўз ёшлар / Ҳокимият ва маънавият ёки подшоҳлар, хонлар, қироллар, президентлар фаолиятига бир назар // Жаҳон адабиёти. – 1997. – №1. – Б. 7–56.

уларнинг ёнига бориб, ўзини таништиради. Бироқ улар шу қадар жазавага тушган эдикি, ҳеч қандай гап-сўзга қулоқ солмасдилар. Шунда Ислом Каримов: «Одатда ўзбекнинг олдига бирор келса, юринг, бир пиёла чой қуйиб берай, деб айтади-ку, мен ҳам йўл босиб келдим, бир пиёла чойга чақирсаларинг бўлмайдими, шунда бафуржа гаплашиб ҳам олардик», дейди. Жавобан, «Чақирганимиз билан бизникига кирмайсиз-да», деган гапни эшигади. Сўзларининг самимий эканига тўплланган оломонни ишонтирган Ислом Каримовни ёши каттароқ бир йигит кўримсизгина бир ҳовлига таклиф этади. Дастурхон атрофида ўтирган тўрт-беш қария билан саломлашиб, раҳбар улар қаторидан жой олади. Ўша пайтдаги Тошкент обкомининг котиби С. Мамарасулов бу учрашувда унга ҳамроҳлик қиласди. Тез орада ошни ҳам олиб келишади. Суҳбат орасида бу одамларнинг қачонлардир Қашқадарёдан кўчиб келгани устида гап кетиб, умумий танишлар борлиги ҳам маълум бўлади. Айни йўсин гап қовушиб, улар билан умумий тил топилади. Шу тариқа ҳалигина важоҳатидан қониси келиб турған тўполон тарқалади.

1990 йил 16 февралда Ислом Каримов Бўкага иккинчи марта боради. Ўша куни район олдига одамлар тўпланиб, тўполон қилаётгани ҳақида хабар келади. Маҳаллий месхети туркларининг уйларига ўт кўйилиб, газ баллонлари портлатилаётган экан. Биринчи раҳбар машинада ўша жойга етиб келади. Аҳвол ниҳоятда мураккаб эди. Қалқон кўтарган милиция ходимларига оломон тош отади, кейин милиционерлар уларни таъқиб қиласди, одамлар яна тош отиб, орқага қараб қочади. Шунда Ислом Каримов мегафонни қўлига олиб, одамларга ўзини таништиради ва милицияни орқага қайтариб юборади.

Милициянинг ортда қолиб кетганини кўриб, оломон бироз босилади. Уларнинг кўпчилиги маст-аласт, наша чеккан, хуллас гап уқадиган аҳволда эмасди. Улар орасида от миниб олганларидан бирини чақириб, Ислом Каримов «Отдан туш», — дейди ва шартта отга миниб халойиқ орасига киради. Уларга мурожаат қилиб, «нима талабларинг бўлса, менга айтинглар, ҳаммасига эътибор билан қараб, ҳал қилиб беришга ҳаракат қиласман», дейди.

— Сиз ҳам шуларнинг бирисиз, сиз ҳам Москвадан кўрқасиз, биз ҳеч кимга ишонмаймиз! — деган ҳайқириқлар эшигилади.

Шунда Ислом Каримов марказ ҳақида ўзининг дангал фикрини айтади. Янги раҳбардан бундай жавобни сира кутмаган

халойик, бўшашиб, тараддудланиб қолади. Кейин Ислом Каримовдан месхети туркларини 24 соат ичидаги олиб чиқиб кетишни талаб қилишади. Раҳбар 48 соат ичидаги олиб чиқиб кетишни ваъда беради. Чунки бошқа илож йўқ эди. Кейин автобуслар ташкил қилиниб, турклар Паркентга — Кумушкондаги дам олиш уйига олиб чиқиб кетилади.

Паркент воқеаси. Ислом Каримов ўз жонини гаровга қўйиб, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай, чигал жанжаллар кучайган жойларда кескинликни қурбонсиз бартараф этган бўлса, идорасидаги юмшоқ курсидан кетини кўтартмаган генерал Гусев Паркентда қирғин уюштиради. Бўрилар тўдаси ўзини сўнгги ҳамлаларидан бирини айни шу жойда — Ислом Каримов шахсан назорат қилишга улгурмаган Паркентда амалга оширади. Генерал Гусев Наманганда ишлата олмаган портловчи пакетларини шу ерда ўзбошимчалик билан аҳолига қарши кўллайди ва қонли фожиаларга сабабчи бўлади. Ҳолбуки, қирғин куввати ўта кучли бўлган бу портловчи моддалар аҳолига қарши политбюронинг маҳсус рухсати билангина кўлланиши мумкин эди. Ана энди хулосани ўзингиз чиқаринг: ким учун элинни омон сақлаш муҳим бўлган-у, ким жасадлар сонини санашдан лаззатланган...

Фаргона вилоятидаги воқеалар тугаганидан сўнг ҳам ҳар хил мишишлар натижасида Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўка туманларида баъзи кимсалар томонидан ноҳуш воқеалар уюштирилди. Масалан, 1990 йил 3 март куни Паркентнинг марказида оммавий тартибсизликлар туфайли шу ерлик М. Миртурсунов ҳалок бўлди. Ушбу ҳолат аҳолининг кайфиятига салбий таъсир этиб, норозиликларни кучайтириди. 1990 йил 2 декабрь куни Наманган шаҳрида ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари билан маҳаллий ёшлар ўргасида келиб чиқкан жанжал натижасида 5 нафар ҳарбий хизматчи ва 3 нафар маҳаллий миллатга мансуб фуқаро ҳалок бўлди.

Наманган воқеалари. Барчамиз 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги таъвасаси» хужжатли фильмини томоша қилиш асносида Наманган воқеаларига оид тафсилотларни кўрдик. Фильмда 1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпорувчи кучлар вилоят ижроия кўмитаси биносини эгаллаб

олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишиди ва республика раҳбари билан учрашувни талаб қилишиди. Ислом Каримов президентликка номзод сифатида эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва онги ақидапарастлик фоялари билан заҳарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига соқчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи, ҳеч иккиланмасдан, шижоат ва шиддат билан кириб борди. Бу ўта кескин, драматик ҳолат видеотасмада тасодифан муҳрланиб қолган. Ана шу жасоратга тўла, ҳар қандай одамни ҳам ҳаяжонга соладиган тарихий лаҳзалар «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» фильмида акс эттирилган. Шиддат билан кириб келган республика раҳбарини кўришгач, ақидапарастлар бир оз довдираб қолишиди. Юртбошимиз вазминлик билан сўз бошлайди ва уларнинг барча даъволарини аниқ фактлар билан рад этади.

Бу ҳаракат аъзолари 1991 йилнинг декабрида Наманганда вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, ҳукумат вакилларига қўйидаги талабларни қўяди:

1. Дунёвий тузумдан воз кечиш ва Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилиш.

2. Дунёвий қонунларни бекор қилиш ва мамлакатда шариат арконларини жорий этиш.

3. Дунёвий мактабларни ёпиш ва ўғил болалар ҳамда қиз болалар алоҳида ўқитиладиган мактаблар очиш.

4. Исломий кийинишга ўтиш, аёлларнинг ҳижобда юришларини жорий этиш.

5. Намангандаги собиқ сиёсий таълим муассасалари биноларини ислом радикаллари ихтиёрига бериш ва ҳоказо³⁹.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати бинони бошига қўтариб бақир-чақир қилиб ётган минглаб энг ашаддий экстремистларни ҳам саросимага солиб қўяди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини уқтиради, ўзининг салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришишга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлади.

³⁹ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т., 2011. – Б. 190–191.

Маълумот учун:

Мустақиллик арафасида талончилик, босқинчилик, гаровга олиш, тамагирлик, ўғрилик, товламачилик, одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар Наманганда авжига чиқди. 1990 йилнинг 10 ойида вилоятда 3189 та жиноят содир этилган бўлса, 1991 йилнинг май ойига (5 ой ичидаги) келиб, бу кўрсаткич 3213 тани ташкил этди⁴². Ўзига тўқ оиласарнинг болаларини ўғирлаб кетиб, эвазига катта пул сўраш ҳолатлари кучаяди.

Дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталиктни сақлаш, уни кўз қорачифидек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Буни ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша нотинч даврда, Ислом Каримовнинг чуқур изтироб билан ўртаниб, 1992 йил 4 январь куни Олий Кенгашнинг IX сессияси минбаридан туриб ҳалқа қилган мурожаатидаги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу сўзлари яққол тасдиқлайди:

«Азиз дўстлар! Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсан ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиласман: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир, Куръони карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртдан худо ҳам юз ўгирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан.

Бу йўлда тинчлик, тотувлик йўлида бизни Аллоҳ таолонинг ўзи қўлласин, мададкор бўлсин!»⁴³.

Юқоридагиларга асосланниб шуни таъкидлаш жоизки, албатта, Президентимиз Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона, Наманган, Бўка воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорларни қабул қилиши мумкин эди. Аммо ўша пайтдаги аксарият партия арбобларига хос бўлган

⁴² Қаранг: Наманган ҳақиқати. – 1991. – 4 дек.

⁴³ Қаранг: Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б.431.

бундай хонашинлик, яъни кабинетдан чиқмай иш юритиш принципи Ислом Каримов учун мутлақо бегона эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурчи деб билди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ислоҳотлар гоясини «**сокин кабинетларда**» яратилмаслигини ўз фаолиятнинг бош мезонига айлантирган давлат раҳбари эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

1989–91 йилларда Ўзбекистонимиз СССР деб аталган дунёдаги энг қудратли империяга қарам республика эди. Уни на Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, на бошқа халқаро ташкилотлар, на жаҳон ҳамжамияти танир, тан олар эди. Яъни мустақиллик йўлидаги ҳаракатларимизда Ўзбекистонни қўллаб-куватлайдиган, мамлакатимиз таянадиган биронта ҳам ташқи омил, нажоткор куч йўқ эди. Шундай бир шароитда юқорида тилга олинган адоқсиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун республикамиз раҳбари Ислом Каримов кимга, нимага ишониб ҳаракат қилди, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу саволларнинг жавобини барчамиз 2011 йил сентябрь ойида чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобига кирган муаллифнинг қалб нидоси каби янграган оташин нутқларидан топамиз. Унинг «фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак», «ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб бирор бизга ёрдам бермайди», деган деярли ҳар бир оммавий чиқишининг маъномазмунига сингиб кетган даъваткор сўзларини ўқир эканмиз, Яратган қайси элни тўғри йўлга бошламоқчи бўлса, аввало, унга донишманд, мард ва азму шижоатли инсонни йўлбошли қилиб қўяди, деган ҳикматнинг тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

2-БОБ.

1989—1991 ЙИЛЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИ МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР

Ўтган асрнинг 80-йилларида Иттифоқда маънавий-сиёсий вазият издан чиққан эди. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «...Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаёти кадрлар билан ишлашдаги жиддий хатоларни бартараф этишга, қонунчиликни қўпол тарзда бузишга чек кўйишга ва одамларни ўзбошимчаликдан муҳофаза этиш» масаласини кун тартибига кўйганлиги ҳам мустақилликка қадар маънавий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш йўлида ташланган дадил қадамлардан эди. Ислом Каримов республика раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлагунига қадар мамлакатимизда «бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадрқимматини ҳимоя қилишга қодир бўлган кишиларнинг Ўзбекистон компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши»⁴⁴, аввало, пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашлар, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилишига олиб келган эди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл кўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайқамасликка обдан уринган эдилар.

Энг ачинарлиси, ўша дамларда «...республика раҳбарияти ана шу барча тадбирларни амалга оширишда Марказга маъқул тушсин деб, биринчи ўринда бўлишга ҳаракат қилди, айни вақтда бу халқ учун қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ўтирамади»⁴⁵.

Маҳаллий кадрлар ва бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг сунъий тарзда кучайтирилган қарама-қаршилиги ўнглаш қийин бўлган сиёсий ва маънавий зиён етказди.

⁴³Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011.
– Б.175.

⁴⁴ Ўша манба. – Б.175.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, ўша пайтда «қонун посбонлари» ўзининг бевосита ишини бир ёққа қўйиб, турли кирдикорлар билан банд бўлишгани туфайли, республикада жиноятчилик ҳар қандай ҳаддан ошиб кетганди. Масалан, 1984 йилда ҳаммаси бўлиб 60162 та жиноят содир этилган бўлса, 1990 йилга келиб бу рақам 88155 тани ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов республикамизнинг 1990 йилдаги ҳолатига баҳо берар экан: «Жиноятчилик таҳликали тарзда ўсиб бораётир. Бу маънавий-сиёсий вазиятта беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқда. 1985 йилга нисбатан жиноятчилик қарийб 20 фоиз, оғир жиноятлар эса бундан ҳам кўпроқ ўсади. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мансабдор шахсларнинг қонун-қоидани бузиш ҳолларига эътибор кучайтирилгани туфайли бу муҳофаза органлари собиқ раҳбарларининг сохта обрўси кўтарилиб кетди. Лекин айни шу ҳол узоқ вақт давомида бошқа жиноятларнинг панада қолиб кетишига олиб келди»⁴⁶.

Шуниси қизиқки, «социалистик қонунчиликни тиклаш учун» марказдан қанча кўп «десантчи» келса, босқинчилик, одам ўлдириш, ўғирлик (жумладан, автомобил ўғирлиги), уюшган жиноятчилик шунчалик тезроқ ўсиб борди. Ўша пайтларда республикадаги уюшган жиноятчиларнинг «крестный отец»лари айнан Москвада ин қургани ҳам оддий гапдек айтилаверарди. Одамларнинг ҳукуқ-тартибот идораларига ишончи қолмагач, ёрдам таклиф қилган ҳар қандай кимса қаршисига бош эгиб бораради. Бу вазиятдан эса ашаддий жиноятчилар, турли «разборчи»лар унумли фойдаланар, панапастқамларда жойлашган чойхоналар «адолат маҳкамалари»га айланиб қолганди. Ички ишлар тизимининг ишга яроқсизлигидан «Адолат», «Тавба», «Ислом лашкарлари» сингари экстремистик гурухларга ҳам гўё «иш топилганди».

Шу ўринда министр Камолов хузурига журналист А. Ковалев кирганида бўлиб ўтган сұхбат, айниқса, қизиқарлидир. Мазкур сұхбат бизга Камолов асл қиёфасининг камида икки жиҳатини очиб беради. Республикализга Диоренко билан бирга келган, бироқ юртдоши каби қонунсизликлар ва ўзбошимчаликлар

⁴⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 221–222.

йўлини тутмаган ИИВ БХСС бошқармаси бошлиғи Г. Овчаренкога у «ўзбекларга сотилган», дея баҳо беради. Эътибор беринг-а, бу ибора марказ гумашталарининг оғзидан эмас, «ўзимизнинг министр», фақат паспортида ўзбек бўлган Камоловнинг оғзидан чиқяпти. Дарвоҷе, худди шундай М. Кирик ҳам маҳаллий аҳоли тақдирига бефарқ бўлмагани учун яроқсизлар рўйхатидан жой олади.

Президентимиз Ислом Каримов қатъий равищда жиноятчиликка қарши кураш юзасидан фавқулодда чоралар кўрди. Салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иктисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим тадбирларни амалга оширди.

Бугун шуни юксак эътироф этиш билан қайд қилиш лозими, юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликка қадар «оммавий маданият» муаммоларига алоҳида эътибор берган давлат раҳбаридир. Ўша дамлардаёқ: «Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражада намойишлардан одамларнинг фифони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашишимиз керак»⁴⁷, деган масалани кун тартибига қўяди.

Чунки «Марказ»дан келган раҳбарлар учун инсон маънавиятига дахлдор масалалар бегона эди. Мамлакатимиз ички ишлар идоралари учун эса миллат, халқ манфаати йўлида бефарқ бўлмаган маҳаллий кадрларга эҳтиёж катта бўлган. Шу боис ички ишлар идоралари ходимларининг ўша дамлардаги дадил ҳаракати учун бевосита ҳуқуқий ҳимоя зарур эди.

Бу тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб эса 1990 йил 31 октябрда Президент Ислом Каримов имзолаган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ЎзССРнинг қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори хизмат қилди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан Ички ишлар вазирлиги фаолиятига доир энг муҳим

⁴⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 222.

масалалар ўз ечимини топди. Уларда ички ишлар ходимларининг асл вазифалари, ҳукуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилди, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари белгиланди. Ҳар бир лавозимдор шахснинг ҳукуқ ва масъулияти алоҳида кўрсатилиб, вазирликнинг янги структураси тасдиқланди. Энг муҳими — бу тизим фаолиятини молиялаш, ходимларга унвонлар бериш ва лавозимларга тайинлаш республика ихтиёрига олинди. Шу тариқа мамлакат ички ишлар тизимида янги босқич бошланди.

11

Хуқуқ-тартибот маҳкамаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак бериш ҳам керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга, обрўсини ошириш лозим.

Ислом Каримов

3-БОБ.

МУСТАҚИЛЛИККА ҚАДАР ВА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЙЙ-ҲАРАКАТЛАР

3.1. Мустақилликка қадар ички ишлар идораларида ходимларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш масалалари

1989—1991 таҳликали йилларда мамлакатимизда маҳаллий кадрлар ва бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг сунъий тарзда кучайтирилган қарама-қаршилиги ўнглаш қийин бўлган сиёсий ва маънавий зарар етказди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари республика эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва хуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлиқ деб билдилар. Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар республика ҳаётини босиб-янчиб, қинғир ўзанга солишга киришдилар.

Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди»⁴⁸.

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т., 2011.–Б. 177.

Президентнинг бевосита кўрсатмаси билан республика ИИВнинг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрлар кўйилди. Тизим раҳбарлиги халқ тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг орзу-армонлари билан яшайдиган кишилар кўлига ўтгач, ишда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уюшган жиноятчилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш сингари ўнлаб жиноятларнинг пайи қирқилди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида авж олиб кетган автомашина ўғирлигини оладиган бўлсак, агар 1990—1991 йилларда бир кунда ўртacha 154 та жиноят расмий рўйхатга олинган бўлса (рўйхатга тушмаганининг эса санофи йўқ эди!), айни масалада Президентимиз кўрсатган қатъият туфайли 1992 йилга келиб бир йилнинг ичida бундай bemazagarchiliklarغا чек кўйилди. Икки йил ичida 6 мингга яқин жиноятчи гурӯҳлар, шу жумладан 500 та уюшган жиноятчилик гурӯҳи фош этилди⁴⁹.

Таъкидлаш жоизки, 1984—1989 йилларда «Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш» шиори остида республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг барчасига Марказдан минглаб одамлар жўнатилди. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуқтаи назаридан энг йириги ҳисобланган Ўзбекистон ССР ИИВга собиқ Советлар мамлакатидан ҳаммаси бўлиб 150 та ходим келди. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та «осойишталик посбони», бирордан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга «ташриф буюрган». Бу «кутилмаган меҳмонлар»нинг асосий мақсади — социалистик қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилиш эди⁵⁰.

Ўзбекистон ССР ИИВ таркибида ишлаган шовинистик кайфиятдаги бу кишилар ўзлари каби прокуратура ва суд тизимиға туширилган «десантчи»лар билан тил бириктириб, бир хил сиёsat юритишган. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги «десант» амалга оширган қонхўр терговлар қанча-қанча инсонлар, бутун-бутун оиласалар бошига чексиз ҳўрлик, кулфатлар келтирган эди.

⁴⁹ Ижтимоий-сиёсий назария очерклари. — Т., 1991. — Б. 121—122.

⁵⁰ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. — Т., 2011. — Б. 266—277.

1990 йил 31 октябрда «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон ССРнинг қонуни қабул қилинди. Республиканинг этилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этди. Бундай шароитда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этди. Милиция ходимларини ўлдириш, қуролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига араласиши ҳоллари оз эмас эди. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқарди. Шу боис милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида мазкур қонун қабул қилинди. Унга кўра, милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили экани, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилди.

Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбур экани таъкидланди. Милиция ходимининг қонуний талабини бажармаслик, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келиши айтилди. Милиция ходимининг кўрсатмалари, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг кўрсатмалари билан тенг равища далилий аҳамиятга эга экани белгиланди. Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатида милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмаслиги қайд этилди. Милиция ходими турар жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишида, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, транспортнинг барча турларига навбатсиз билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш ҳуқуқидан фойдаланадиган, шунингдек, ижтимоий-маиший

таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадиган бўлди. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий сугуртасидан албатта ўтказилиши кераклиги белгиланди.

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётгани муносабати билан унинг мулкига етказилган зарар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўла ҳажмда тўланиши, сўнгра суд орқали бу зарар айбдордан ундириб олиниши белгиланди. Милиция ходими тартибни саклаш ва фуқароларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганида қасддан ўлдирилганда, унинг оиласига тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан унинг эллик даромади миқдорида бир йўла нафақа берилиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши белгилаб қўйилди. Ўз бокувчисини йўқотгани муносабати билан ҳалок бўлган ходимнинг оиласига қонунда кўрсатилганига мувофиқ пенсия белгиланди.

Милиция ходимига у ўзининг профессионал фаолияти билан шуғуллана олмайдиган даражада оғир тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағларидан 25 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши, шунингдек, унинг мансаб оклади билан пенсияси ўргасидаги фарқ тўланиши белгилаб қўйилди. Енгилроқ тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан 5 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши белгиланди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ўз раҳбарлик фаолиятини аввалбошданоқ мамлакатда тартиб ўрнатишга киришди. Шунингдек, у Ўзбекистоннинг аввалги раҳбарлари айби билан 80-йиллар охирида кучсизланиб қолган бутун ҳокимиятни пастдан юқоригача мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўрди: хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар — милиция, давлат хавфсизлик хизматини мустаҳкамлади. Президент Ислом Каримов мамлакатда вужудга келган ахволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетини Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олиш тўғрисидаги маҳсус фармонга 1991 йилнинг 25 августида имзо чекди.

Куйида ушбу фармоннинг матнини аслича келтиришни жоиз деб топдик.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ**

Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин.
2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта муддат ичиди Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети идораларининг мақоми ҳамда Низомини қайтадан қўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутсинглар.
3. Республика худудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.
4. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин.
5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия идоралари, шунингдек, республика худудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилинсин.
6. Мазкур маҳкамаларнинг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан биргаликда ушбу Фармон муносабати билан ишдан бўшайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун барча чораларни кўрсинглар.

Ушбу фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Бу фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизнинг тўла мустақиллиги йўлида тамал тошини кўйган яна бир тарихий хужжат эди.

Ушбу маҳсус фармон тинчини йўқотган ҳалқнинг эртанги кунга ишончини уйғотди. Сабаби ўша дамларда жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишдан, миллий адоватни кучайтириб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқараётганлигидан ҳалқимиз ташвишга тушиб қолган эди. Бунинг оқибатида, ҳалқ қанчадан қанча моддий ва маънавий зарар кўраётганди. Ушбу фармоннинг яна бир хусусияти шундаки, унга кўра давлатимизнинг, жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, фуқароларнинг ор-номусини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ва энг муҳими, мустақилликни мустаҳкамлашдаги тамал тошлардан бири эди.

Дунёдаги умумбашарий қадрият «Тинчлик ва омонлик»ни сақлаш, уни фаровонлик кафолати эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, мустақилликнинг дастлабки ойларидаёқ Юртбошимиз Ислом Каримов: «Тинчлик, тотувлик, осойишталикни сақлаш Президентнинг бош вазифасидир. Президент тинчлик, тотувлик кўргонининг меъмори бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Қаердаки тинчликка путур етса, ҳалқ осойишталиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент пособон бўлиши даркор.

Хозирги даврда ҳалқимизни катта ташвишга солаётган нарса — бу жиноятчиликнинг ўсишидир. Шу сабабли бугун Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кураш дастури устида ишляяпмиз. Одам ўлдириш, талон-торожлик, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўрамиз. Бунинг учун қатъий интизом талаб этилади.

Хукуқ-тартибот маҳкамаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак бериш ҳам керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга, обрўсини ошириш лозим. Ҳалқ депутатлари, жамоатчилик, маҳалла комитетлари уларга жиноятчилик йўлини тўсишларида ёрдам беришларига муҳтожмиз»,⁵¹ деб 1992

⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б.430.

йил 4 январь куни Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси минбаридан туриб «Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди» номли маъruzасидаги ушбу фикрлари бугун ҳам ўзининг бекиёс аҳамиятига эга ва долзарблигича қолмоқда.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг жанговар байроби тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь Фармони ҳақида

Мазкур фармон ички ишлар идоралари ходимлари ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг жанговар байроби мамлакатимиз ички ишлар идоралари шон-шухрат, жасорат ва эътиқод рамзиdir. У Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимини ҳалқига ва жонажон Ватанига садоқат билан хизмат қилиш, пок виждонли бўлиш, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини, фуқароларининг шахсини, ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишдек ўз зиммасига юклатилган хизмат бурчларини бор кучи ва билимини, зарур бўлса ҳаётини ҳам аямасдан мардлик ва матонат билан адо этишга даъват этади.

Ички ишлар идораларининг шахсий таркиби жанговар байроқни доимо кўз қорачиғидек асрashi зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идоралари жанговар байробининг асоси ҳисобланади.

Маълумки, ички ишлар идораларининг фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мустақил институти сифатида ҳуқуқий кафолатлар тизимида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз Конституцияси бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси, барчамиз учун зарур дастурий ҳужжатdir.

Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида ички ишлар идораларининг ўрни алоҳида. Шу боис республикамиз Президенти ва Ҳукумати томонидан ички ишлар идоралари ходимларининг хизматига бўлган эътибор кучайиб, улар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунининг аҳамияти

«Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни⁵² Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йил 6 декабрь куни имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилган 25 октябрь санаси бу соҳада хизмат кўрсатаётган ходимлар учун катта тарихий аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов 2007 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги йўллаб, унда истиқлол йилларида тизимда амалга оширилган ислоҳотлар хусусида тўхталди, ички ишлар идораларининг юқоридан қўйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилганини, ҳукуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинганини, қолаверса бундай ўзгариш ва ислоҳотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга, тезкорқидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини ошириш ҳамда республикада ёнгин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишига қаратилганини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари қўйидагиларга алоҳида тўхталди: «Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда

⁵² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2006. – № 12. – 651-м.

мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идоралариға тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, хукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чукур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қиласди»⁵³.

Дарҳақиқат, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат кўлами нақадар кенг ва ўта масъулиятлидир. Шу боис юртимизда тинчлик ва барқарорликни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш уларнинг олий мақсади ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги бир қатор масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади:

биринчидан, мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чукурлаштириш, хукуқбузарликларни, биринч галда ёшлар ўртасида олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, жиноятларни зудлик билан очиш ва содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминловчи тезкор қидирув ва тергов фаолияти тизимини такомиллаштириш;

иккинчидан, ички ишлар идоралари ишидаги қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш, айниқса, йўл-патруль хизмати ва бошқа тузилмалар ишидаги камчиликларни бартараф этиш. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ички ишлар идораларини тасодифий ходимлардан, аввало, ўзининг ишчанлик, ахлоқий ва профессионал тайёргарлиги бўйича милиция ходими деган юксак унвонга нолойиқ кишилардан халос этиш борасидаги ишларни кучайтириш;

учинчидан, Ички ишлар вазирлиги идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техникасини жорий этиш, маълумотлар банкини шакллантириш ва ундан тезкор фойдаланиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш;

тўртинчидан, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашта қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;

бешинчидан, трансчегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва наркографик, наркотикларни етказиб бериш ва тарқатиш манбаларига қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Наркотикларга қарши кураш бўйича кўрилаётган барча чоралар ҳали-ҳануз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятидаги энг заиф бўғин бўлиб турибди, бу соҳа бўйича жавобгар бўлган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб даражасида таъминлаш;

олтинчидан, милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни янада кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири сифатида қаралди. Кейинги йилларда уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш йўлида кўп ишлар қилинди. Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал маҳорати ўсишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул мукофотлари ва бошқа тўловлар жорий этилди. Бу ишлар бундан кейин ҳам давлатимиз ва жамоатчилигимизнинг эътибор марказида бўлиши қайд этилди.

Ходимга ички ишлар идораларида хизмат қилиш насиб этган экан у, албатта, ушбу фаолиятининг асосий принциплари – қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳидаги юксак касб маданияти соҳиби бўлиши талаб қилинади.

Давр ички ишлар идоралари ходимларига мунтазам ўқиш, ўрганиш ва изланишда бўлишни, жумладан ўз Ватанининг тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганишини тақозо этмоқда.

Бу шартлар ходимнинг касбий билимларини, нутқ маданиятини ўстиришда муҳим омилдир. Зеро, мустақил фикрга эга бўлиш ходимнинг асосий фазилати ҳисобланади. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиб яшаш хислатларини шакллантиради.

Ички ишлар идораларида ҳалол хизмат қилиш шартларидан муҳими қонунийлик принципига риоя этишдир.

Қонунийлик принципи жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан давлат белгилаган ҳуқуқий асосларга риоя этилишидир.

Қонунийлик принципи — жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари фаолият юритишининг асосидир. Конституциямизнинг 15-моддасига биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Мазкур принцип ҳалқнинг давлатга, унинг органларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига, хўжалик тузилмаларига нисбатан сиёсий-конституциявий талабидир, яъни улардан Республика қонунларига асосан фаолият юритиш ҳақидаги талабдир. Қонунийлик ҳақидаги конституциявий принципда ҳалқ ҳокимиятчилигининг ички диалектикаси ўз аксини топган, яъни ҳамма биргаликда ҳокимият юргизади, айни пайтда, ҳар бир фуқаро ўзбек ҳалқининг қонунларда акс эттирилган суворен давлат иродасига бўйсунади.

Қонунийлик принципи ходимдан ўз хизмат мажбуриятини вижданан, ҳалол бажаришни талаб этади. Ҳар бир ходим хизмат мажбуриятини бажариш вақтида ноқонуний хатти-ҳаракат учун (манфаатпастлик) қонун олдида жавоб беради. Чунки қонун барчага баравар. Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш хизмат мажбуриятларидан муҳимиదир. Бу ишда профилактика хизматининг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: «Юксак профессионализм, хушмуомалалиқ, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспек-

торининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор»⁵⁴ лигини айтиб, ушбу вазифани барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига юклади.

Жумладан, ички ишлар идоралари ходими ўзига юклатилган вазифаларни ижро этишида бошқа нуфузли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди. Бундай ҳамкорлик улардан амалдаги қонунларни мукаммал билиш, ўзига нисбатан ўта талабчан бўлишга, раҳбарлар ва турли тоифадаги фуқаролар билан муносабатда хушмуомала бўлишни, ақл ва мулоҳаза билан иш юритишни талаб этади.

Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил 25 октябрдаги ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида назарда тутилганидек, ички ишлар идоралари ходими халқ орасида хизмат қиласди экан, аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб бориши унинг хизмат бурчи ҳисобланади. У касб маданиятига кўра ички ишлар идоралари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда касбий ва инсоний бурчини бажариш вақтида ҳалоллик каби фазилат унинг йўлдоши бўлиши керак.

Ички ишлар идоралари ходими касбий фаолиятида ҳаддан ошмасдан, кибрланишдан ўзини тийиб, хизмат ўтаганида халқ орасида обрў орттиради.

Ички ишлар идоралари ходимларидан хизматига вижданан ёндашув талаб этилади. Чунки, вижданли ходимгина турли хавфдан холи бўлади, агар акси бўлса унда ходим беҳаловатликка дучор бўлади ва обрўсизланади.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

4-БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг ўкув муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ва транспортдаги ички ишлар бошқармалари, шаҳар ва туманлар ички ишлар бошқарма (бўлим)лари, ички ишлар органларининг шаҳар, туман, тармоқ, посёлка бўлим ва бўлинмалари, милиция таянч пунктлари, жиноий жазоларни ижро этиш бўйича бўлинмалар, шунингдек ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги ички ишлар органлари бўлинмаларидан ташкил топган ички ишлар органлари тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таркибига кирувчи мустақил хизмат, тизим, идора ва муассасаларнинг марказий бошқарув аппаратлари ИИВнинг таркибий тузилишини билдиради. Бугунги кунда вазирликнинг 40 дан ортиқ мустақил таркибий тузилмалари мавжуд бўлиб, қуидагилар асосий хизмат соҳаларининг марказий аппаратлари ҳисобланади:⁵⁵

1. ИИВ раҳбарияти.
2. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси.
3. Тергов бош бошқармаси.
4. Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси.
5. Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси.
6. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси.
7. Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси.
8. Жазони ижро этиш бош бошқармаси.

⁵⁵ <http://www.mvd.uz/page/13> – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти.

9. Республика Кўриқлаш бирлашмаси.
10. Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.
11. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси.
12. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси.
13. Моддий-техник таъминот бошқармаси.
14. Молия-иқтисод бошқармаси.
15. Хўжалик бошқармаси.
16. Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси.
17. Тиббиёт бошқармаси.
18. Ташкилий-инспекторлик бошқармаси.
19. Котибият.
20. Эксперт-криминалистика маркази.
21. Ахборот маркази.
22. Шахсий таркиб бўйича маҳсус инспекция.
23. Назорат-тафтиш инспекцияси.
24. Алоқа бўлими.
25. Ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар мудофааси бўлими.

26. Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ва бошқалар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами мустақиллик йилларида биринчи марта 2007 йилнинг 25 октябрь кунидан бошлаб нишонлана бошланди. Мустақилликни қўлга киритганимизга ҳам мана 22 йил тўлибди. Бу вақт давомида ҳалқимиз ўз миллий анъана ва қадриятларига мувофиқ келувчи байрамларни нишонлаш имкониятига эга бўлди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятда барқарорликни, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш асосий вазифалардан этиб белгиланди. Зоро, тинчлик ва осойишталик қарор топган, барқарорлик мустаҳкамланган мамлакатда фуқаролар осойишта яшайдилар, самарали меҳнат қиласидилар, байрамлар байрамларга, тўйлар тўйларга уланади, шоду хуррамлик қарор топади. Шу маънода юқорида қайд этганимиздек, «25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланиши тўғрисида»ги 2006 йил 6 декабрдаги қонун тарихий адолатни тиклади. Мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан кўрсати-лаётган доимий ғамхўрлик туфайли ички ишлар органлари

фаолияти соҳасида чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу бевосита Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятини тубдан яхшилашга туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатда қонунчилик ва ҳукуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар органлари тизимини чукур ислоҳ қилиш борасида миқёси ва мазмуни жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳукуқ-тартиботни сақлашнинг замонавий восита ва усулларидан фойдаланишга асосланган жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг босқичма-босқич самарали тизимини яратишнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Аввало уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга йўналтирилган ислоҳот ва ўзгаришлар тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, патруль-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизматларининг ролини кучайтириш ҳамда республика ёнгин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга кўмаклашди ва уларнинг амалга оширилиши ички ишлар органлари фаолиятининг қиёфаси, мазмун-моҳиятини ҳеч бир муболагасиз, тубдан ўзгартириб юборди.

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда, уларнинг мобиллиги ва оперативлиги ошиб бормоқда. Участка милиция инспекторлари негизида профилактика инспекторлари институтининг шакллантирилиши, ҳар қайси маҳаллада милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш борасидаги ишларни тубдан кўриб чиқиш ва кучайтириш, мамлакатда криминал муҳитни жиддий равишда согломлаштиришни таъминлашга имкон берди.

Профилактик ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда жамоат тартибини сақлашда «Маҳалла посбони» каби ноёб ижтимоий тузилма муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан ички ишлар органлари тизимида профилактика хизматларининг ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пунктлари ва уларда 8 минг

нафар сардор ва 50 минг нафарга яқин посбон фаолият кўрсатмоқда. Милиция таянч пунктлари қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, майший хизмат кўрсатиш, спорт секциялари инфратузилмалари аҳоли ўртасида ҳукуқбузарликларни олдини олишнинг самарали омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Натижада мутахассислар таҳлили шуни кўрсатадики, 2002 йилда мамлакатимиз маҳаллаларининг 11,6 фоизида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 18,6; 2004 йилда — 20,1; 2005 йилда — 23,9; 2006 йилда — 26,1; 2007 йилда — 26,7; 2008 йилда — 26,6; 2009 йилда — 27,1; 2010 йилда — 22,1; 2011 йилда — 22,6 ва 2012 йилда — 23,6 фоизни ташкил этди⁵⁶.

Хозирги глобаллашув шароитидаги мавжуд турли хил ғоявий зарарли ахборот оқимлари ёшлар онги, кишилар маънавиятига таҳдид солаётганлиги ҳар биримизни юқори даражада хушёр ва огоҳ бўлишга чорлайди. Айниқса ёшларни гиёҳвандлик балосидан халос қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ички ишлар органлари ходимлари ва жамоатчилик томонидан тушунтириш, тарғибот ишлари ўтказиб турилади ва унда мамлакатда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга, маънавий-маърифий соҳага улкан аҳамият берилаётганлиги, мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги, мамлакатимиизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз моддий фаровонлигининг юксалиши, эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётганлигига алоҳида урғу берилади.

Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида юқори малакали ва юксак маънавиятли кадрлар тайёрлаш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Замон талабидан келиб чиқиб сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасалари фаолияти тубдан янгиланди, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ташкил этилди ва самарали фаолият юритмоқда.

Хозирги кунда республика ички ишлар органлари учун кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, шахсий таркибини тарбиялаш ва ўқитиш, раҳбар кадрлар захирасини яратиш,

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази ва Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг 2000–2012 йилларга дойр статистик маълумотлари таҳлилидан фойдаланилди.

ходимларнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, шунингдек уларнинг хизмат ва ижрочилик интизоми ҳамда қонунчиликка риоя этишини таъминлаш борасида астойдил иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ходимларни босқичма-босқич тайёрлаш, ўқитиш ва уларда бошқарувчилик қобилияти ва кўникмаларини шакллантириш учун тегишли асослар белгиланган. Ички ишлар бўлимларида ёш ходимлар муайян раҳбарларга бириктирилган, амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш ишлари йўлга қўйилган. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ўша, 2007 йилдаёқ ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида қайд этилган вазифалар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бу вазифаларни бажариш ички ишлар органлари ходимларидан миllий мустақиллик foяларига содиқлик, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришга янада масъулият билан ёндашиш, ўз маънавиятини, малакасини, жисмоний тайёргарлигини, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишида интеллектуал тайёргарлигини ўстириш устида тинимсиз меҳнат қилишни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2007 йил 25 октябрдаги ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан байрам табригида белгилаган вазифаларни ижро этиш, энг аввало, уни жойларда амалга оширувчи мутахассис-кадрларнинг фаолиятига бориб тақалмоқда. Бу борада қўйилган мақсаднинг тўғри танланиши, фаолиятнинг йўналиши аниқ белгиланиши ва улар асосида пухта режалар ишлаб чиқилиши мумкин. Аммо жойларда белгилаган мақсад ва вазифаларни тўғри тушунадиган юксак масъулият ҳисси ва профессионал даражада ушбу қарорларни амалга оширишга, ҳаётга жорий этишга қодир бўлган кадрлар бўлмаса, эзгу мақсадларга эришиш мушкул. Мамлакатда хукуқий тартибини ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши, давлат қарорларини бажариш ишониб топширилган ички ишлар органлари хизматлари ва бўлинмаларининг бошида турган, жамоат тартибини муҳофаза қиласиган ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган кадрларнинг касб маҳорати қанчалик юқори эканлигига бевосита боғлиқ. Бинобарин, ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун уларни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи вазирлик

олдида турган долзарб масалалардан бирига айланди. Шу боис мазкур муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

биринчидан, жамловчи органларда ички ишлар идораларига номзодларни танлаш ва қабул қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу кадрларни бир неча номзодлар орасида танлов (конкурс) асосида қабул қилиш ва бу жараёнда тасодифан ёки таниш-билишчиллик асосида ички ишлар идораларига кириб қолишнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, номзодларнинг жисмоний соғломлиги, маълумоти, маънавий етуклиги, ахлоқий-шахсий фазилатлари амалда синчковлик билан ўтказилмоқда;

иккинчидан, хизматга қабул қилинган ходимларни жойжойига тўғри тақсимлашга, бунда ходимнинг нафақат маълумоти бўйича, балки малакаси, билими, қобилияти, дунёқараши, ёши ва шахсий хислатларига эътибор берилмоқда;

учинчидан, ходимларнинг хизмат вазифалари иш ҳажми тақсимотини тўғри белгилашга ургу берилмоқда. Унда энг аввал ходимнинг тажрибаси, ихтисослиги, ишчанлик қобилияти ва соғлиги инобатга олинмоқда;

тўртинчидан, ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини самарали ташкил қилиш йўлга қўйилди. Бунда ИИВ Академияси илмий салоҳияти ва профессор-ўқитувчилари, шунингдек базавий идоралар имкониятидан самарали фойдаланилмоқда;

бешинчидан, ходимларни хукуқий ва сиёсий билимларини мунтазам равишда ошириб, уларнинг маънавиятини юксалтиришга эътибор қаратилди. Бунинг учун вазирликнинг маҳсус буйруғи билан ташкил этилган маърифат ва ижтимоий-сиёсий ўқиш жараёнларига мутахассис-олимлар, таниқли хукуқшунослар сиёсий шарҳловчилар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Вазирлик бошқарма бошлиқларини таклиф этиш йўлга қўйилди. Маърифат дарсларида шахсий таркибга, дунёвий билимлар билан бир қаторда, диний билимлардан ҳам хабардор қилиш, бунинг учун эса таниқли диний арбобларни таклиф этиб, уларнинг сабртоқатли бўлиш, савоб ишларни амалга ошириш, гуноҳдан кўрқиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, порахўрлик, тамагирлик сингари иллатларнинг оқибатларига оид ўйтлари етказилмоқда;

олтинчидан, давр шахсий таркибнинг руҳий тайёргарлигини ошириш заруратини юзага келтирди. Шу боис штатларнинг сони катта бўлган ички ишлар органларида штат бирлигига психолог лавозимлари киритилди, ходимларнинг руҳий зўриқишини камайтиришга мўлжалланган хоналар яратилиб, тегишли анжомлар билан жиҳозланди ва бу ўзининг амалий самарасини бермоқда;

еттинчидан, Ички ишлар вазирлиги тизимида шахсий таркибни рағбатлантириш ва интизомий жазолаш масаласида адолат мезонига қатъий риоя этиш талаб қилинмоқда. Бунда айниқса ходимни юқори лавозимларга тайинлаш, унвон бериш ёки унга тавсия этиш, шунингдек лавозимдан озод этиш масалаларида унинг аввалги ижобий ёки салбий хатти-ҳаракатлари ҳам ҳисобга олинмоқда;

саккизинчидан, ходимларни юқори лавозимларга тайинлаш учун захира тизими шакллантириб борилмоқда. Бу борада захира тизимини шакллантириш бўйича баҳолаш мезони ишлаб чиқилди, шунингдек юқори лавозимлар учун захирага олинган ходимлар билан ўқув-машғулотлар ўтказилиб, улар катта ҳажмдаги ишларга тайёрлаб борилмоқда;

тўйқизинчидан, ички ишлар тизимида фаолият юритаётган раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш чоралари кўрилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ички ишлар идоралари офицерларининг малакасини ошириш факультетида 20 мингдан ортиқ ходимнинг малакаси оширилди. Чунки ислоҳотларнинг ижроси раҳбар орқали кадрлар томонидан амалга оширилади. Шу боис нафақат ислоҳотлар жараённида белгиланган вазифаларни бажариш, балки шахсий таркибнинг тақдирни ҳам кўп жиҳатдан раҳбарнинг масъулиятига бориб тақалиши шубҳасиз. Зоро, юртбoshимиз Ислом Каримов жуда тўғри таъкидлаганидек, «....раҳбарнинг билими етишмаса, уни ўргатса бўлади. Лекин масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди»⁵⁷;

ўнинчидан, шахсий таркибни тарбиялаш, уларнинг маънавий, ахлоқий-шахсий фазилатларини шакллантириш масаласи бугун долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис ички ишлар идораларида давом этиб келаётган мураббийлик ролини янада

⁵⁷ Батафсилоқ қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б.227–239.

оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги иш бошлаган ёки ходимнинг қўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган тажрибали ходимга бириктириб қўйилиши шунчаки зарурат ёки анъана учун эмас, балки амалда бўлиши, мураббий ўзига бириктирилган ходимга шогирди сингари муносабатда бўлиб, унда ўзини ўзи кузатиш, назорат қилиш, мажбурлаш, танқид қилиш кўникмасини шакллантириши, шунингдек ўзига ўзи ҳисобот бериш ва таҳлил қила билиш кўникмалари ҳосил қилинмоқда;

йн биринчидан, жойларда ташкил этилган «Ахлоқ ва одоб» судларининг фаолияти такомиллаштирилмоқда ва унинг таъсирчанлиги оширилмоқда. Судлар шахсий таркибининг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини ҳимоя қилишга, уларнинг Конституция ва қонунларга, ички ишлар идоралари ходимнинг қасамёдига садоқатли, ИИВ буйруқлари, низомлари ҳамда «Касб маданияти» талабларига жавоб бера оладиган ходимлар сифатида тарбиялашда ёрдам бериб, жамоани жипслаштириш, ходимлар орасида хизмат ва интизомни мустаҳкамлаш, ахлоқ-одоб қоидаларига зид ножӯя хатти-ҳаракатларни содир этувчиларга нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг кадрлар билан ишлаш тизими Вазирликнинг кадрларга оид сиёсати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қиласи. Ушбу сиёсат Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ички ишлар органлари тизимидағи йўналиши бўлиб, шахсий таркиби бишқариш, ходимларнинг касб маҳорати, хизмат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аҳоли билан амалий ҳамкорликни таъминлаш борасида ишончли механизм яратишнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Ички ишлар органларида амалга оширилаётган кадрлар билан ишлаш сиёсатининг бош мақсади — келгусида ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятининг ривожланиш истиқболларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси ИИВда кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши ва усулларини аниқлашдан иборат.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари учун юксак дарражада профессионал тайёргарликка эга бўлган, ҳозирги глобаллашув жараёнларида, мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, криминоген шароитларда

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олдига давлат ва жамият қўйган вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган кадрлар шаклланмоқда. Мазкур кадрларнинг янада самарали фаолият юритиши учун хукуқий асос яратилиши масаласи ҳам ҳозирги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис айни вақтда муҳокама қилинаётган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши — ички ишлар идораларида кадрлар билан боғлиқ масалани самарали ташкил этиш, ходимларни хукуқий муҳофаза қилиш билан бир қаторда — Республика Президенти ва Хукумати томонидан ички ишлар идоралари олдига қўйиллаётган вазифаларнинг ҳам муваффақиятли бажарилишига замин яратади.

5-БОБ.

**МУСТАҚИЛЛИК ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
МАРДЛАРЧА ҲАЛОК БҮЛГАН ИЧКИ ИШЛАР
ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЖАСОРАТИНИНГ ЁШ
ХОДИМЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА
ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

5.1. Мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик — ички ишлар идоралари ходимларининг муҳим касбий фазилати

«Мардлик» сўзи ҳалқимиз ўртасида, айниқса, ички ишлар идоралари фаолиятида кенг қўлланиладиган ва миллатимиз учун хос бўлган фазилатни ифода этидиган сўз ҳисобланади.

Мардлик — инсоннинг маънавий хислати, номардликнинг зидди, ор-номус, виждан ва садоқатни, шахснинг олижаноблигини ифодалайдиган; мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракатни англатувчи тушунча.

Мард — эр киши, у бир сўзли ва ҳар қандай ишни беғараз бажарувчи ор-номусли одам. «Мардлик» «жасорат», «қўрқ-маслик», «ботирлик» каби сўзлар билан маънодощdir. «Мардлик» сўзи ҳалқимиз онгида инсоф туйфуси билан ҳам уйғунашиб кетган. Негаки, мард кишидагина инсоф бўлади. Инсоф — бу адолат ва виждан амри билан иш тутиш туйфуси, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик, тенглик, соғдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Мардлик фазилатига эга бўлган кишигина бу тушунча замиридаги маъно-мазмунни теран англашетади, уни қадрлайди. Мардлик нима эканини англашган инсон ожизларни ҳимоя қиласди, камбағалларга ёрдам беради, забунларнинг кўнглини кўтаради. Азалдан аждодларимиз мардликни юксак қадрлаб, эъзозлаб келганлар. «*Ваъдага вафо — марднинг иши*», «*Мардни меҳнат енголмас*», «*Марднинг иши — меҳнат*» каби мақолларда мардликнинг мазмун-моҳияти мужассамлашган. Негаки, жангларда фақат ботир, фидокор инсонгина мардлик кўрсата олган, ўз Ватанини босқинчилардан ҳимоя қила олган.

Ички ишлар идоралари ходимлари орасида мустақиллигимизни ҳимоя қилишда ўз жонларини Ватан ҳимояси йўлида қурбон қилганлар кўплаб топилади.

Хўш, «жасорат» тушунчаси нимани англатади?

Жасорат — инсоннинг юксак камолотга эришганини кўрсатувчи маънавий-ахлоқий ҳодиса; инсоннинг жамият ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, муайян вазифани адо этишда фидойилиги, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишини англатадиган маданият категорияси. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида жасоратнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари далил ва мисоллар асосида очиб берилган. Асарда таъкидланганидек, «авваламбор, Яратганинг ўзи ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур соҳиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди... Ҳаётнинг маъноси тинимсиз кураш, қийинчиликларни енгигб ўтиш, доимий жасорат, азму шижоат билан яшашдан иборат... Табиат ва тарих қонунларини, унинг тараққиёт жараёнларини чуқур тушунадиган одамгина ўз ҳаётини маънавий жасорат асосига куришга қодир бўлади»⁵⁸. Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толикмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу». Асардан олинган ушбу хулоса ва мулоҳазалар «жасорат» тушунчасининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилиш учун асос бўлади. Кундалик турмушда турли хавфли вазиятлар ва таҳдидларда эл-юрт манфаатлари учун ихтиёрий равишда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, ҳалокат олдини олиш ҳам «жасорат» туйғусининг мазмунини ифодалайди.

Жасорат нафақат уруш ва фавқулоддаги ҳолатларда, бирон-бир кутилмаган ҳодиса туфайли ижтимоий ҳаёт ёки инсон ҳаётига бўлган таҳдидни бартараф этишда, балки кундалик турмушда ҳам намоён бўлади. У моддий ёки маънавий манфаатдорлик эвазига амалга оширилмайди, балки инсоннинг ҳаётини, мақсад ва орзу-умидларини халқ ва жамият учун бағишлиб, амалга оширган хокисор фаoliyatining натижаси

⁵⁸ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б.165.

ҳамдир. Шунинг учун жасорат фақат айрим шахслар ва алоҳида кишиларнинг салоҳияти эмас, балки ҳар бир инсон учун ҳам имкони бўлган маънавий фазилатdir. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида жасоратнинг ушбу жиҳати Президент Ислом Каримов томонидан қуидагича асослаб берилган: «Шу маънода, шахсан мен заҳматкаш ва бунёдкор ҳалқимизнинг ҳаётини, айниқса қиши қаҳратони ва ёз жазирамасида ҳам, баҳор ва кузнинг ёғин-сочинли кунларида ҳам ердан ризқ ундириш мақсадида кунни кунга, тунни тунга улаб меҳнат қиласиган дехқонларимиз ҳаётини том маънода жасорат намунаси, деб биламан»⁵⁹.

Жасоратнинг мазмуни кўп ҳолатларда оммавий ҳаракатларнинг бошланишида, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишда биринчи қадам, биринчи қарорларда ва уларни амалга оширишда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан миллий истиқлолимизнинг эълон қилиниши ва мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ана шундай жасорат намунасидир. Ватан ва миллат манфаатларини рӯёбга чиқаришда улкан воқеа бўлган бу азму қарор юксак жасорат намунаси сифатида жамиятимиз аъзолари учун маънавий қадриятга айлангани бежиз эмас.

Ички ишлар идоралари ходимларида қаҳрамонлик фазилатларининг қандай намоён бўлишини бевосита қаҳрамонликнинг моҳиятини очиш орқали англашимиз мумкин.

Қаҳрамонлик — мардлик, ботирлик, довюракликка хос иш, ҳаракат, мардлик, жасорат намуналарини англатувчи тушунча. «Қаҳрамонлик» ва «қўрқоқлик» бир-бирига қарама-қарши сўзлардир. Қаҳрамонлик фавқулодда ёки онгли равища кўрсатилиши мумкин. Фавқулодда қаҳрамонлик қалтис вазиятларда ёрқин намоён бўлади. Онгли қаҳрамонлик эса астасекин, йиллар мобайнида кўзга ташланиб боради. Масалан, жангларда фавқулодда қаҳрамонлик кўрсатилса, меҳнатдаги қаҳрамонлик узоқ йиллик ҳалол меҳнатнинг самараси ҳисобланади. Қўрқоқ кишилар учун қаҳрамонлик нималигини тасаввур қилиш қийин бўлади. Шунинг учун қаҳрамонлик ҳар бир кишига хос хусусият ҳисобланмайди. Юртимиз муста-

⁵⁹ Ўша манба. – Б.164–165.

қилликка эришгандан сўнг мазкур сўзниң қадри янада ошди. Энди кўрсатиладиган қаҳрамонлик ўз юртимиз, ўз халқимиз учун бўлади. Бу фояни барчанинг онги ва қалбига сингдириш орқали унинг қадрини янада юксалтириш мумкин. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. Зеро, бу қаҳрамонлик эпосини куйлаб, уни қалбига, шуурига эш қилган миллатни ҳеч қандай куч енга олмайди. Кишилик жамиятида ушбу фазилатнинг ўрни жуда муҳим. Лекин кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидойилик кўрсатиш ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсоннинг қалби пок, иродаси метинде мустаҳкам бўлиши керак. Шахснинг эзгу мақсад йўлида қилган иши, ҳаракати бошқа бир инсон тақдирида қаҳрамонлик сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Инсон ва унинг ҳаёти олий конституциявий ҳуқуқий қадрият ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг пойdevорини, дастлабки асосини ташкил этади. Мазкур ҳуқуқ — инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг ҳаёт кечиришининг кафолатидир. Юксак камолотли одамлар инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва манфаатларини ҳимоя қила оладилар. Бу ҳам жасоратнинг муҳим белгисидир.

Жасорат ҳақида гапиргандада ўз-ўзидан эришилмаган мустақилликнинг ҳимояси учун ўзини сафарбар этиш ҳам тушунилади. Чунки Юрт тинчлиги ва Ватан равнақи йўлида ташланган ҳар бир мақсадли қадам миллат фаровонлигини таъминлайди. Ваҳоланки, Амир Темур бобомизнинг «Миллат дардига дармон бўлиш вазифамиздир» деган талаби ҳар бир соғлом фикрловчи фуқароларимиз қаторида ички ишлар идоралари ходимларига ҳам қаратилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Бу дунёда ҳамма нарсага дахлдорлик туйғуси билан яшаш, кўшнининг, ёру дўстнинг дардини ўзига яқин олиш, уларга ўз вақтида елкадош бўлиш, ҳар қандай балонинг у бош кўтармасдан туриб олдини олиш, уни таг-томири билан йўқ қилиш, ўйлайманки, инсонга ярашадиган фазилат бўлади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизни мана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этиб, бонг урмоқда, эй одамзот, кўзингни оч! Эй одамзот, атрофга қара! Хулоса чиқар! Сабоқ чиқар! Юзага чиқаётган хавф-хатарларга қарши зарур чораларни кўриш керак

бўлса, барча имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш сафарбар этиш, турли мамлакат ва миллатларни қарама-қаршиликка эмас, бир-бири билан тил топишишга интилиб, устимизга ёпирилиб келаётган балоларни томири билан йўқ қилиши яккаю ягона тўғри йўл бўлади»⁶⁰.

Тўғри йўлни танлай олиш ва бу йўлда фидокорона меҳнат қилиш ҳам жасоратнинг ифодаси эмасму? Бугунги кунда ўзбек халқи «Ўз кучига таяниб...» концепциясига мувофиқ дунёвий тараққиёт йўлидан изчиллик билан одимламоқда. Бу «Ўзбек характери ва табиати»да намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўзбек характери бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият сафидан муносаб ва мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганида; Ўзбекистоннинг тарихини қисқа вақт ичida қўлга киритган улкан мэрраларда (сўнгги ўн йил ичидаги изчил иқтисодий ўсишида) намоён бўлиши кўрсатилган.

Дарҳақиқат, эътироф этиш керакки, бугун ўзбек табиатига бутун дунёда қизиқиш ва ҳурмат тобора ортиб бормоқда. Булар халқимизнинг фидокорона меҳнати бўлиб, жасорат намунасини ўзида ифодалайди. Давлатимиз раҳбарининг «Тинчлик учун курашмоқ керак» эзгу фояси асосида жипслашиб, ғайрат билан меҳнат қилиш, осон кечмаган мустақиллигимизнинг ҳимояси йўлида ҳалол, вижданан хизмат қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир.

XIX асрда яшаган боболаримизнинг жасорати ва мардлиги Ҳерман Вамберида шундай таассурот қолдирган экан: «... «Ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, «Мусулмонча тарбияланган» дегандек тушунилади. Яъни улар ... мусулмон-Осиё маданиятига йўл очишиган, ўтроқ ва асл дехқон, ҳарбий миллат; савдода оғир, вазмин, саноатда мўътадил, очиқ кўнгил, мард, жиддий, ҳақиқий туркий қимматга эга, совуққонликни одоб-ахлоқ намунаси ҳисоблайди... , ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади, садоқатли ва довюрак, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиласидиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади. Давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган, ўзбекларнинг оиласи муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади ... , ўрта ёшга бориб қолган

⁶⁰ Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т., 2012. – Б.17–18.

фарзандлар ҳам ўз ота-оналарига жуда ҳурмат-эҳтиромли бўлишади. 30—40 ёшларга бориб қолган ўғил ҳам отасининг бир қарашидаёқ сергак тортади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди, биринчи гапирмайди, туркий шевада гапирадилар. Ўзбеклар художўйлар ва болаларидан⁶¹ қунт талаб қилишади, мугамбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар, ашула ва мусиқани жон-дилдан севишади...»⁶¹. Ушбу тавсифнинг ўзи ҳам чор Россияси ва шўролар ҳукмронлиги ўрнатилишидан олдин миллатимизнинг жасоратли, мард, мафкураси мустаҳкам бўлганлигини кўрсатади.

5.2. Мустақилликни ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг жасоратлари намуналарининг ёш ички ишлар идоралари ходимларини тарбиялашдаги аҳамияти

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки суронли йилларида — иқтисодий танг аҳвол юзага келиб, ижтимоий кескинлик зўрайган вақтда — ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари каби, ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ўз хизмат вазифаларига вижданан ёндашиб, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳавфсизлик ва барқарорликни тъминлаш борасида мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсатдилар.

Барчамизга маълумки, 1999 йил 16 февраль куни соат 11 га яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилган эди. Натижада бинога катта зарап етди. Унинг атрофидаги айрим иморатларнинг ойналари чилпарчин бўлди. Шундай портлашлар шаҳардаги «Нодирабегим» кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида 13 нафар юргдошимиз ҳалок бўлди, 100 дан зиёд киши тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди, жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди.

Бу ёвузлик мамлакатимиз мустақиллигини, эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган қабиҳ ниятли кучларнинг иши

⁶¹ Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. — Т., 2008. — Б.70—71.

эканлиги аён бўлди. Зеро, бу хунрезлик ортидаги асосий мақсадлардан бири мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаётига тажовуз қилиш. Чунки шу куни соат 11 да Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилдаги иш режаларига бағишлиланган мажлиси бошланиши, унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этиши кўзда тутилган эди. Шукурки, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг манфур ниятларига етолмадилар. Ўзбекистон Президенти, ҳукуматимизнинг барча аъзолари соғ-саломат, зарар кўргани йўқ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўша қайноқ нуқтада турган пайтда отишмалар овози эшитилиб турарди. журналистларга берган интервьюсида шундай деди: «Кўпурувчилик қилганларнинг мақсади — ҳалқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон ҳалқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким кўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтара олмайди. Чунки ҳалқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-куватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу фоя атрофида янада қаттикроқ жипслашишимиз керак».

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вақт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдириди. У «ушбу ноxуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ватандошларимизни мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди. «Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир-оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қиласи. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро, айниқса ички ишлар идоралари ходимлари юртимиздаги осойишталиқ, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм суреб келаётган тинчлик ва осойишталикини қадрлаш учун, унинг

нақадар нодир неъмат эканлигига иқрор бўлиш учун айрим кўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиш керак. Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш хусусида тўхталиб, уни Президентта суиқасд қилишга уриниш, деб атади.

«Мени халқ сайлаган, — деди Президентимиз. — Шунинг учун мен, аввало, халқимга сұяноман. Чунки халқ — катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан қўрқитиши қийин. Бинобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмаслигини ҳам англамоғимиз лозим».

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади: «Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга, юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бирбиримизга нисбатан янада меҳр-оқибатли бўлайлик».

«Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга ошироқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчишишни, уларни Ўзбекистонга сармоя етказишдан қайтаришни истайди».

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. «Ҳозир хур фикрли, билимли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги саъи-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-хунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмоқда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабиҳ нияти ёвуз кучлар кўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир».

«Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, — деди Ислом Каримов, — уларни ўзимиз тарбия қиласиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эркесвар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қиласиди».

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни

юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини уқтириди.

Юқорида қўйилган вазифа бугунги кунда ҳам ички ишлар идораларига бир неча карра масъулиятли вазифани юклайди.

Шунингдек, ҳар бир ички ишлар идоралари ходими мустақилликка осон эришилмаганлиги, ўз Ватани, ҳалқининг осоиишталиги ҳалқимизнинг йўлида қурбон бўлган мард фарзандлари туфайли эканлигини эсласа адолатли бўлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2004 йил 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртгинчи сессиясидаги нутқида қўйидагиларни таъкидлайди:

«Барчангиз яхши хабардорсиз 2004 йилнинг 29—30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар идоралари ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

Ана шу бегуноҳ қурбон бўлган инсонларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўзимнинг номидан, сиз, муҳтарам депутатларимиз номидан ҳамда бугунги сессия мажлисида қатнашаётган барча иштирокчилар номидан яна бир бор ҳамдардлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мудҳиш ва қабиҳ ният билан уюштирилган бундай террорчилик хуружлари натижасида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Аллоҳнинг ўзи юртимизни асрари, қолаверса, тинч, осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун ўзининг азиз жонини берган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади.

Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар кўплаб портлатиш воситаларини тайёрлаб, одамлар гавжум жойларда қўпорувчилик уюштироқчи бўлган. Агар уларнинг машъум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

Ёки Тошкент шаҳрининг бир чеккасида тайёргарлик кўрган террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи белига портлатиш воситаларини боғлаб, пойтахтимизнинг бозор ва майдонларида, жамоат жойларида портлашлар содир этганида, нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундай даҳшатли вазиятни кўз ўнгидан ўтказганида, унинг оқибатлари ҳар қандай ақли расо одамни ларзага солиши шубҳасиз. Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга

беихтиёр, бу бегуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам баҳтли бўлишга ҳақли эди-ку, деган армонли сўзлар келади⁶².

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, улар чин маънодаги қаҳрамонлардир. Уларнинг жасоратини ўшларга етказиш барчамизниң бурчимиздир. Чунки бугунги тинч, осуда ҳаёт кимларнинг азиз жонлари эвазига кечайтганини билишсин, қадрига етишсин. Шу ўринда мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг айримлари ҳақида тўхталишни жоиз деб топдик.

Ана шундай юртдошларимиздан бири — Қиброй тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган катта лейтенант Азизжон Турсунов оиласда ёлғиз ўғил эди. Йигирма етти баҳорни қаршилаган бу навқирон йигит террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлди.

Азизжон Турсунов Қиброй туманидаги 25-сонли ўрта мактабни битирган. У катта умидлар билан ўқишга кириб, иккита олий таълим муассасаси — Тошкент давлат аграр университети ҳамда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. ИИБ Академияси қошидаги ИИИ раҳбар ходимларининг малакасини ошириш институтида наркотрафик ва гиёҳвандлик бўйича жиноят қидирув тезкор вакиллари гуруҳида таълим олган.

Маълум бўлишича, террорчи гуруҳ Тошкент шаҳрида қатор кўпорувчилик ва тартибсизликлар келтириб чиқаришни режалаштирган эди. Бевосита Азизжоннинг ҳушёрги, сергаклиги боис террорист-камикадзелар фаразли ниятларига етолмадилар. У хизмат ўтаетган постда ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажараётган милиция ходимлари қора кучлар йўлига ўтиб бўлмайдиган тўсиқ кўйишиди. Ёвузлар бу йўлда Азизжон Турсунов, Зайтбек Ахмедов, Ваҳобиддин Нуриддинов каби эл-юртига, Ватан олдида берган қасамёдига содик, мард ички ишлар идоралари ходимларига дуч келишини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

Эрталаб соат 7- 00 ларда «Қорамурт» блок-постига «Тико» автомашинаси яқинлаша бошлади. Вилоят ИИБ ЙХХБ 1-отряд

⁶² Қаранг: Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.243–275.

сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспекторлари старшина Ваҳобиддин Нуриддинов, сержант Эркин Қиличев «Тико» автомашинасига тўхташ ишорасини беришди. Ҳайдовчи секинлашгандек бўлди-ю, бироқ тўхтамай юриб кета бошлади. Буни кузатиб турган вилоят ИИБ ЙҲҲБ бўлим бошлиғи, подполковник Саидаҳмад Абдусатторов ва Қиброй туман ИИБ ЖҚ ва ТҚҚГ тезкор вакили, катта лейтенант Азизжон Турсуновлар уни тўхтатиш учун шошилишди.

Азизжон автомашина устига дадил бостириб бораверди. Ниҳоят машина тезлигини пасайтириб тўхтади. Ходимлар ҳайдовчининг хужжати ва йўловчиларга разм соларкан, уларнинг машинадан тушишларини буюрди. Ходимлар чангалидан чиқиб кета олмаслигига кўзи етган террорчилар, тушишлари ҳамоноқ белларига боғлаб олган қўлбола портлаш мосламасини ҳарақатга келтиришди...

Шайхонтохур тумани ички ишлар бўлимининг ходими, старшина Қодир Раҳмонов ҳам одамлар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоир табиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, дилидаги не-не орзулари ушалмас армонга айланди.

Қодир Раҳмонов 1990 йилнинг ноябрь ойида Шайхонтохур тумани ИИБда жиноят қидирув бўлими кичик инспектори вазифасидан иш бошлади. Ҳарбий хизматни Германияда ўтаб, ҳаётнинг анча-мунча синовларидан ўтган эди. Шайхонтохур тумани ИИБ маҳаллий патруль-пост хизматида бўлинма командири, взвод командири ёрдамчиси, ИИБ штаб сафарбарлик гуруҳи милиционери каби вазифаларда ўн уч йил фидокорона хизмат қилди.

Қодир Раҳмонов Шайхонтохур тумани ИИБда одоб-ахлоқ судининг раиси сифатида ҳар қандай муаммони босиқлик, мулоҳаза билан ҳал этарди, деб эслашади ҳамкаслари.

Чорсу бозоридаги «Болалар дунёси» дўкони ёнида юз берган портлаш оқибатида Шайхонтохур тумани ИИБ маҳаллий патруль-пост хизмати гуруҳи милиционери, старшина Қодир Раҳмонов ҳалок бўлди.

Яна бир қаҳрамонимиз Қашқадарё вилоятининг Касби туманида туғилган Эркин Саидов орзу-умидлар билан 1999 йилда Тошкент давлат аграр университетининг агрономия факультетини битирган эди. 2000 йилнинг 1 январида Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказининг тингловчиси бўлди. Ўқиши

тамомлагач, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўлими инспектори этиб тайинланди. Сўнгги пайтларда хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича милиция таянч пункти профилактика инспектори вазифасида ишлаган. Ўзбекистон Миллий университетнинг хукуқшунослик факультетида иккинчи мутахассислик учун сиртдан ўқиётганди.

Капитан О. Турсуновнинг хотирлашича, 29 март куни тонгда тревога хабари билан Мирзо Улуғбек тумани ИИБга йигилдик. Соат 3.20 ларда Йўлдош Машарипов иккимиз «Сўқоқ» блок-постига этиб бордик. Соат 5.10 ларда «Нексия»да бир одам келиб: «Гулсанам» кўчасида отишма бўлаётган жойга йўл олдик. «Гулсанам» ва «2-Пилла» кўчалари кесишган жойда Эркин Сайдовнинг машинаси турган экан. Яқинроқ бориб қарасак, ҳайдовчи ўтирадиган томонда, очик эшик ёнида — ерда Эркин қонга беланиб, оғир нафас олиб, хириллаб ётибди. Машина орқасида яна бир йигит шу аҳволда ётарди. Дарҳол машинанинг олд ўриндигига Эркинни, орқасига бояги йигитни ётқизиб, Тошкент трактор заводи касалхонасига олиб кетдик. Эркин йўлда жон берди. Кейин орқа ўриндиқдаги йигит профилактика инспектори, катта лейтенант Муҳиддин Омоновлигини билдим. У касалхонанинг реанимация бўлимида вафот этди — дея ўша машъум кунни чукур қайғу билан яна бир бор эслайди капитан О. Турсунов.

1973 йилда туғилган катта лейтенант Муҳиддин Омонов эзгу ниятлар билан Тошкент давлат педагогика институтининг химия-биология факультетини битирган. 2000 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ўкув марказининг тингловчиси бўлди.

Ҳамкасларининг хотирлашича, Тошкент шаҳар Яккасарой туманида юз берган воқеани эшитган профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Муҳиддин Омонов ва Эркин Сайдовлар милиция таянч пунктида хотиржам ўтира олмадилар. Улар тонг ёришмасданоқ «Файзиобод» ҳамда «Азамат» маҳаллаларида худудларини кўздан кечириш учун йўлга чиқишиди. «Тор кўча», «Берк кўча» деб номланувчи кўплаб кўчалардан иборат бу маҳаллалар шундоққина ҳалқа йўлнинг биқинида, Тошкент вилоятига чиқаверишдаги «Гулсанам» блок-постига туташиб кетганди. Шаҳарнинг нариги чеккасида юз берган қотиллик улардан ҳар доимгидан-да ҳушёр бўлишни талаб қиласарди.

Номаълум шахсларнинг «2-Пилла» кўчасидан «Гулсанам» кўчасига чиқаётганлигидан шубҳаланиб Муҳиддин Омонов ва Эркин Сайдоловлар ихтиёридаги «Волга» автомашинасини хиёл олдинроққа ўтиб тўхтатади. Ўзларидан уч-тўрт метр олдинроқда тўхтаган «Волга»ни ва икки нафар милиция ходимини кўрган уч номаълум шахс эсанкираб қолишиди. Қочишининг фойдаси йўқ...

— Эҳтиёт бўл! — дўстини огоҳлантириди Эркин. Тунгги шарпаларнинг машина панаcига ўтиши шубҳали эди.

— Салом, йигитлар! Саҳарлаб, қаёққа кетаяпсизлар? Ош борми дейман? Қани, ҳужжатларингизни кўриб кўяйлик...

Муҳиддиннинг саволлари жавобсиз қолди. Номаълум кимсалар чўнтакларига тиқиб турган қўлларини шаҳд билан чиқариб, Муҳиддинга ва машинадан тушиб, дўстининг орқасидан юрмоқчи бўлаётган Эркинжонга қурол ўқталди. Узун-қисқа овозлар эшитилди. Икки навқирон йигит қонга беланиб йиқилди...

Биз барчамиз эл-юртимишнинг тинчлиги ва осойиштагигини асраш йўлида ўз ҳаётини бағишлигар ички ишлар идоралари ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарзормиз. Бу фидойи инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унугилмайди. Уларнинг жасорати юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади, оиласи, фарзандлари доимо ҳалқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади.

Мана шундай ўғлонларимизнинг жасорати туфайли ўнлаб, балки юзлаб юртдошларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Мен ҳаммамиз учун оғир бўлган бу йўқотишлар, бу воқеалар ҳақида, дунёдан бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. 1999 йилда Тошкент кўчаларида террор қурбони бўлган бегуноҳ юртдошларимизни, 2000 йилнинг ёзида Сариосиё ва Бурчмулла тоғларида жангтариларга қарши курашда ҳалок бўлган жасур аскарларимизни ҳам доимо эслайман.

Мен бугун, шу юксак минбарда туриб, мана шундай мард ва ботир, эл-юртига садоқатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга бош эгиб таъзим қиласман»⁶³.

⁶³ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.243–246.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари барчамизни эл-юрга садоқат билан хизмат қилишга ундейди.

Маълумот учун: 2004 йил 29 марта 1 апрелгача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудларида бир нечта террорчилик ҳаракатлари кетма-кет содир этилаётган ва бундай жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилиш хавфи реал мавжуд бўлган шароитда терроризмга қарши курашувчи органларнинг ҳамкорлигини самарали ташкил этиш натижасида террорчилар томонидан режалаштирилган бир қатор қўпорувчилик ишларининг амалга оширилишига йўл қўйилмади. Қисқа муддат ичидаги содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан кўзғатилган жиноий иш бўйича 54 нафар гумон қилинувчи шахс ушланиб, 45 нафарига айблов эълон қилинди. Жиноят содир этиш давомида ўлган 30 нафар террорчининг шахси аниқланган, террорчилардан қурол-яроғ, портлатиш воситалари, қалбаки ҳужжатлар, террористик, экстремистик ва фундаменталистик ғояларни тарғиб қилувчи турли манбалар олинган⁶⁴.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ички ишлар идоралари ходимлари Ватанига, ҳалқига, Президентига, касбига, хизмат бурчига садоқат билан хизмат қилишмоқда. Оғир ва машаққатли дамларни матонат билан енгиб ўтиб, жасорат намуналарини кўрсатиб, эл тинчлигига рахна солмоқчи ўлган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига барҳам бериб, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга масъулият билан ёндашиб келмоқда.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, турли жиноий хуружларни бартараф этиш осон кечмади, албаттага. Давр барча ходимларни синовдан ўтказди. 2004 йилда Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар, Андижон воқеалари чоғида ҳамкасларимиз ҳақиқий ватанпарварликларини намоён этишди. Уларнинг жасорати давлатимиз раҳбари томонидан муносиб баҳоланди. Хизмат вазифасини бажаришда жасорат намуналарини кўрсатиб, ҳалок бўлган ходимларимиздан Қиброй тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Азизжон Турсунов, Шайхонтохур тумани ИИБ патруль-пост хизмати ходими Қодир Раҳмоновлар «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдир-

⁶⁴ Қаранг: Журналистлар хабардор қилинди // Ҳалқ сўзи. – 2004. – 10 апр.

ландилар. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ МТП профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Эркин Сайдов ва Муҳиддин Омоновларга кўрсатган мардлиги ва жасорати учун вафотидан сўнг «Жасорат» медали берилди.

Иқтидорли шоир, сенатор Маҳмуд Тоиров ўзининг «Огоҳ бўл, дунё» достонида ана шундай қаҳрамонларимизнинг эл-юрга, қасамёдига садоқати, мардлик ва жасурлик фазилатларини ўзига хос юксак бадиий ифодада баён этади.

Дарҳақиқат, муаллиф ушбу долзарб мавзуга мурожаат этар экан, воқеалар тасвир доирасини наинки бизнинг юртимиз, балки дунё миқёсида белгилайди. Шоир дилидан отилиб чиқкан түғён ва ҳиссиётлар ўқувчи қалбини ҳам ҳаяжонга солади. Куйида ушбу достондаги «Армон» номли шеърдан келтирилган мисралар барчамизни ўйлашга ва тинчликнинг қадрига етишга мажбур этади.

Армон

Куёш сиз учун ҳам кулиб чиқарди,
Ой ҳам тунингизга чироқ тутарди,
Уйда жондек ширин жонлар кутарди,
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Бирингиз Касбида туғилган Эркин,
Муҳиддинсиз қолган Сурхон не деркин?
Кўҳна Шош соғинар Қодирдек ўғлин,
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Самарқанд кўқидан уч юлдуз учди,
Фахриддин, Отабек, Мансур ер қучди,
Уч бахтнинг кўзига ногоҳ чўп тушди,
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Ваҳобиддин Паркент ўғлони эди,
Зaintбек Қибрайнинг қалқони эди,
Азизжон Янгийўл достони эди,
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Сиз йўқ остоналар оҳи ўртайди,
Қайгулар қон қусиб, қувонч қорайди,

Қабрингиз қошида осмон торайди,
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Сиз Ватан кўкида сўнмас қуёшсиз,
Элнинг ёдидасиз, руҳан дилдошсиз,
Софинчсиз, армонсиз, битмас кўз ёшсиз,
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида жасорат ва матонат намуналарини кўрсатган минг нафардан зиёд ходимларимиз қатор давлат мукофотларига сазовор бўлишиди. Уларнинг барчаси Ватанига, касбига садоқатли, матонатли ва жасоратли ходимлардир.

Хаёлидин ал-Ҳасанийнинг ёзишича, «матонат бу ҳар бир инсоннинг ўз фикрида ва сўзида саботли бўлиши, бир ишга кўл урганда уни охиригача етказиш учун маҳкам туриши ва барча ишда сабр қилишидир. Матонатсиз одам бир ишни бошлиди, бироқ салгина қийинчиликдан сўнг уни ташлаб юборади. Бирор киши уни салгина койиса ёки камчилигини танқид қиласа, дарҳол иродаси букилади ва ишончини йўқотади, шубҳа остида қолиб, қилаётган яхши ишини ҳам чала қолдиради».

Бир ҳакимдан: «Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми?» — деб сўрадилар. У эса: «Ботирлик тиф бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, кўл тифсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиф қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо», — деб жавоб берди.

Кишини жасоратга ундовчи биринчи омил бу журъат. Журъатсиз киши — юраксиз кишидир. Ақл бўлсаю, журъат бўлмаса, ишга киришиш қийин кечади.

Ақл эгаси бўлсанг журъатга ҳам эга бўл, чунки журъат бўлмаса, иккиланиш юз беради.

Фозил кишиларнинг айтишича, шижаот барча фазилатларнинг онасидир. Кимда шижаот бойлиги бўлса, унда хилмалик фазилатлар жам бўлади. Шижаотли кишини барча яхши кўради. Шижаотли киши жангда ҳам душман дилига ваҳима солади, сафдошларини олға бошлиб, ўрнак кўрсатади.

Айтишларича, бир саркарда қариб қолишига қарамасдан дилида ҳамон шижаот йўқолмаган эди. Бир куни отга минмоқчи бўлди. Икки киши келиб, унинг қўлтиғидан олиб, отга зўр-

базўр миндириб қўйиши. Улардан бири: «Отига зўрға миндириб қўйган бўлсак, унинг қўлидан нима иш келарди», — дебди. Буни эшитган саркарда бояги одамга қараб: «Ҳа, отга икки киши миндирди, аммо минг киши ҳам тушира олмайди!» деб жавоб берибди.

Буни эшитиб турган Анушервон унга таҳсин ўқиди ва деди: «Ҳа, у рост айтади. Кўл юрак қувватига тобедир, унинг юрагида ботирлик кучи бор!»

Матонат ҳақида насиҳат:

Донишмандлардан бири ўз дўстларига шундай насиҳат қилди:

— Жаҳл ўтини чидам, бардошлиқ суви била ўчиринг, қаҳру газаб тиканларини сабр-тўзим ўти билан ёндиринг: сийнангиз ҳасад дуди билан хиралашмасин, кўнглингиз лавҳида адоват нақшлари ўрин олмасин. Жон оғритар воқеалар юз берганда телба-девоналардек ҳаракат қилишдан, бошингизга қаттиқ мусибат тушганда умидсизлик гирдобидан сақланинг.

Ҳар ишингиз ўз андазасидан ташқари чиқмасин, ҳисобли иш тутинг, харажатингиз даромадингиз чегарасидан ошмасин, чиқимингиз киримингизга қараб бўлсин.

Очиғини айтганда, юрагида ботирлик кучи бўлмаганлар ички ишлар идораси ходими бўлишга журъят этишмайди. Шунинг учун ички ишлар идоралари ходимлари мард, жасур, фидойи, садоқатли, матонатли ва шиҷоатли инсонлардир.

Президент Ислом Каримовнинг куйидаги даъвати ҳар бир ички ишлар идоралари ходими кундалик фаолиятининг мезонига айланмоғи шарт: «Туркистон» газетасининг тепасида ёзилган шиорни ҳаммамиз, ҳар куни ўқишимиз керак. Шу юрт, шу эл учун ёниб-куйиб яшаш керак. Шундан кейин ўзимизни шу халқнинг, шу юртнинг ўғлони ва фарзанди деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз»⁶⁵.

«Дарҳақиқат, — дейди давлатимиз раҳбари, — давлат, унинг тегишли органлари жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун, энг муҳими, инсоннинг муқаддас ҳукуқи — яшаш ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани шубҳасиз. Лекин, бир ўйлаб қўрайлик, агар

⁶⁵ Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – Б.259.

жамият ўзини ўзи ҳимоя қилмаса, ҳар ким фақат ўз манфаати билан яшаса, бундай жамиятнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади?

Мана шундай лоқайдлик ва бепарволикни кўрганда, одам беихтиёр ёниб кетади, эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантироқчи бўлгәнлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл, деб ҳайқиргиси келади»⁶⁶, — деб бундан 9 йил олдин айтган сулҳпарвар гояси ва даъвати бугунги кунда ўта долзарблигича қолмоқда.

Ҳаётимиизда бадиий адабиёт, хусусан шеърият ҳамиша, ҳамма замонларда ҳам дунёдаadolat ва зэгулик гоялари устувор бўлиши учун хизмат қилиб келган, шу улуф мақсад йўлида курашган. Қадимий тарих ва бой анъаналарга эга ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Бугунги кунда бизнинг пешқадам шоир ва адибларимиз мустақиллик берган эркинлик ва ижодий имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда, миллий истиқлол гояси руҳи билан сугорилган, ҳозирги замоннинг ўткир ва долзарб ижтимоий муаммоларини бадиий йўсинда акс эттиришга қаратилган ранг-баранг асарлар яратишга интилаётганликлари, албатта, эътиборга моликдир.

Ҳаётда гоҳо бир одамнинг бошқа бирор билан ёвлашиб, умр бўйи ёқалашиб юрганларини эшитганмиз. Давлатлар орасидаги турли низолар ҳам янгилик эмас. Бироқ, терроризм балоси кейинги даврда ер юзида гўёки бир иллат каби пайдо бўлди ва тарқай бошлади. Ҳозирги кунда бутун башарият ундан талафот кўрмоқда, азият чекмоқда. Бу фалокат илдиз отаётган дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳон жамоатчилигини огоҳ бўлишга чақирган эдилар. Афсуски, ўз вақтида бу оғатнинг олди олинмагани учун у кўплаб минтақа ва ҳудудларни чулғаб ола бошлади. Ҳақиқатан ҳам, ёвуз террорчиларнинг на дини, на мазҳаби, на миллати бор. Уларнинг асосий мақсади энг муттаҳам ва разил услублар воситасида қонуний ҳокимиятни эгаллаб олиш, ўзларининг қабиҳ тартиб-қоидаларини ўрнатишдан иборатдир. Бунга қўшни Афғонистон мамлакатини қонга ботирган жоҳил «Толибон» режими яққол мисол бўла олади.

Табиийки, тинчлик ва тараққиёт, инсонийлик тамойилларига мутлақо зид бўлган бундай фожиалар ақли расо ҳар бир

⁶⁶ Ўша манба. – Б.269.

кишига сабоқ бўлиши, уни хушёрлик ва огоҳликка чорлаши лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса Сурхондарё ва Тошкент вилояти тоғларида қаҳрамонлик қўрсатиб шаҳид кетган мард ўғлонларимиз каби ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор»⁶⁷, деган даъвати барча ички ишлар идоралари ходимларини огоҳликка, хизмат вазифасини бажаришда зийракликка ундейди.

⁶⁷ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т., 2001. – Б.141.

6-БОБ.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ СОХАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

6.1. Президент Ислом Каримов мустақилликни мустаҳкамлашда қонун ва адолат устуворлигига амал қилиниши ва уни таъминлашнинг аҳамияти тўғрисида

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон учун иқтисодий мустақилликка эришиш осон кечмади. Бугун дунё иқтисодиёти, сиёсати ва маданияти амалиётида ислоҳотларнинг «ўзбек модели» деган тушунча ўрин олганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

«Ўзбек модели»нинг негизини бозор иқтисодиётiga ўтишнинг бешта муҳим тамойили ташкил этади. Ушбу тамойиллардан бири — қонун устуворлигидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Қонуннинг устунлиги бизнинг ислоҳотлар моделимиздаги етакчи тамойиллар. У хукуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Буюк бобомиз Амир Темур «Қонун хукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади» — деган доно сўзларини олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди»⁶⁸.

Барчамизга маълумки, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши аввало шу юртда тинчлик ва хотиржамликни, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида доимий барқарорликни таъминлашга хизмат қиласди.

Қонун устуворлиги деганда барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятида конституция, қонунларнинг бошқа ҳамма меъёрий хукуқий хужжатлар ва йўриқномалардан устун бўлиши ва давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг уларга қатъий риоя этиши тушунилади.

Қонун устуворлиги жамиятда демократия ва қонунийлик таъминланишига хизмат қилувчи принципдир. Бу тамойил

⁶⁸ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 227.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлиги Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Унга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасидаги муносабатларни уйғулаштиришда энг олий ҳакам қонундир.

Конун устуворлиги тамойили қуидагиларда намоён бўлади:

— жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг қатъий хукмронлигини билдириб, юқорида таъкидланганидек, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида;

— ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганини англашиб, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганида;

— хукуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, хукуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун қонунларнинг хукуқий асос вазифасини бажаришида.

Конун устуворлиги тамойили ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида адолат устуворлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбириининг саволларига жавобларидан иқтибос келтиришни жоиз деб топдик.

«Буюк аждодимиз юксак тарақкий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу фоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, ҳалқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим

ҳаётий хулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, боринг-ки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини – адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантироғимиз керак. Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга – фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин»⁶⁹.

Юқоридаги фикрлар ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида нақадар муҳимлигини инобатга олиб, ҳар бир ходим нафақат касбий, балки ҳаётий фаолиятининг мезонига айлантириши лозим.

Собиқ иттифоқнинг тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар, айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

«Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар авжига чиқади»⁷⁰.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган заарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?», деган саволга қўйидаги жавобни берган эдилар:

«*Энг аввало*, бизнинг онгу тафаккуримизга, мъянвиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган файрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшлиаримизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаётида демократия талаблари ва тамойилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул –

⁶⁹ Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т., 1999. – Б. 294.

⁷⁰ Уша манба. – Б.237–240.

ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камидан учта мезон бор. Булар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суиистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг яна бир муҳим шарти — бу мулк масаласини ҳал қилишdir. Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари — давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талонторож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу — ақлга сифмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулқдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи — унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиғини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Дарҳақиқат, мулқдан бегоналаштирилган одамлар харажатлар миқдорига, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва тақдирига ҳам бефарқ эди. Бу эса турли суиистеъмолчиликлар, талон-тарожлар, қўшиб ёзишлар, ҳисботлар ва статистик маълумотларни сохталаштиришга олиб келади.

Муаммонинг тўртинчи ечими шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик мухитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани — бу жамоатчилик дегани. Демак,

кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журналига берган интервьюсида билдирилган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган фикрининг моҳияти ҳам аслида шу эканлигини қайд этиш ўринли.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: тепадан туриб, маҳсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчи-ларимизнинг файрати, жасорати, ақл-заковати билан рӯёбга чиқадиган мураккаб ишдир.

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиласиган, танлаб-сараб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг яна бир ечими фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш — бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқенини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тутатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни

ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, савъ-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқариши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди»⁷¹.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ ва маърузалари билан танишар эканмиз, рўй берәётган номақбул ишларнинг сабабларидан бирига жавоб топамиз: «Маънавият, таълимтарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, маънавий бойлик — моддий бойликтан минг бор устун. Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган».

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчан ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг юқоридаги фикрларига асосланиб ҳаётилизда адолат, фаровонолик, маънавий событлик қарор топишини хоҳласак, йўлнимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал берәётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт эканига икрор бўламиз. Демак, биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшащ керак.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг юқоридаги фикрлари жамиятимиз, жумладан ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида қонун ва адолат устуворлигини таъминлашда дастурламал вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил 16 марта Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенга-

⁷¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 242–245.

шининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан куйидаги иқтибосларни келтирамиз:

«Афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган 2011 йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солик идораси ходимларидан 3, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди».

«Мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна тақорорлашни зарур, деб биламан. Маълумки, биз ҳукуқий-демократик давлат курмоқдамиз. Ҳукуқий давлатнинг куроли ҳам, ҳимояси ҳам, қўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир».

«Албатта, тегишли қонунларни қабул қилиш мүмкин, лекин бу қонунлар бажарилмаса, одамлар, аввало раҳбарлар, қонун ҳимоячилари бўлган ҳукуқ-тартибот идораларининг ходимлари қонунга итоат қилмаса, бундай шароитда адолатга, ҳокимиятга ишонч қоладими ўзи? Адолатга, ҳокимиятга ишонч йўқолган жойда аҳвол қандай тус олишини тасаввур қилиш қийин эмас ва бунга асло йўл қўйиб бўлмайди».

«Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни тиклаш албатта қийин бўлади. Ҳукуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни албатта эътироф этиш керак. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳукуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қарагандга бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»⁷².

Бугунги кунда мулк масаласини ҳал этишда мা�млакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Кичик бизнес ва

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2012. – 17 марта.

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилидди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 54,6 фоизни ташкил этди. Жаҳон амалиётига кўра, ўрта синф ривожланган иқтисодиёт маҳсулидир. Бу иқтисодиёт бозорни тўйинтиришга хизмат қиласиди. Одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда. Ўтказилган сўровларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда фаол ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиласиди. Бугунги кундаги тадбиркорни амалдаги қонунларни ўрганишга ҳаётнинг ўзи мажбур қиласиди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларимизнинг ҳукуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Натижада, бугунги ишбилармон ҳар қандай сунистъемолчиликлар домига тортилишдан йироқ бўлади. Президентимиз Ислом Каримов 2013 йилнинг 18 январида «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастур»нинг энг муҳим йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маъruzасида: «Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади»⁷³, деб таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда Конституциямизга асосланган ҳолда қабул қилинган норматив-ҳукуқий база яратилган бўлиб, у коррупциянинг давлат, хўжалик бошқарувий органларининг бир маромда амал қилишига салбий таъсирига қарши кураш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатда барқарорлик ва хавфсизлик сақланишини таъминлаш учун хизмат қиласиди.

⁷³ Каримов И. А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. — Т., 2013. — Б. 33.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгиловчи узок муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар комплекси асосида коррупцияга қарши кураш бўйича тадбирлар изчилилк билан амалга оширилмоқда.

1994 йили Ўзбекистонда миллий валюта жорий этилгандан сўнг нақд ва нақд пулсиз сўм муомаласини яхшилаш ва тартибга солиш бўйича чоралар кўрилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш; корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралashiшини кенг кўламда қисқартириш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 14 декабрь фармойиши), текширувчилар ўргасида коррупциянинг сабабларидан бири сифатидаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима санкцияларини камайтиришни назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш; солик тўлашдан бош тортиш, хуфиёна иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари ва механизmlарини, коррупция фактини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисод, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 21 апрель қарори) ва бошқ.

Ўзбекистоннинг маъмурий-буйруқбозлик тартибларидан демократия ва бозор иқтисодиётiga ўтишининг мураккаб босқичида коррупцияни бартараф этиш борасидаги чоралари илк қадамлардан бўлиб, биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан иборат коррупцияга қарши курашувчи маҳсус тузилманинг ташкил этилиши (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1991 йил 25 октябрь қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тизимида Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги коррупция, талон-торож қилиш ва бошқа сунистемолчиликларга қарши кураш бўйича бошқарма ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 3 март қарори); иккинчидан, иқтисодиёт, молия ва банк соҳасидаги

ислоҳотларнинг муҳим бўйинларида тегишли тартибни ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги; учинчидан, коррупцияга қарши кураш, ушбу ижтимоий оғатни бартараф этишнинг узоқ муддатга мўлжалланган бош стратегиясини белгиловчи ягона комплексни шакллантиришдан иборат бўлди.

Шунингдек, Марказий банк (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таклифлари тўғрисида»ги 1994 йил 19 январь қарори), Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва божхона кўмитасида маҳсус тузилган тегишли бўлинмалар ҳам коррупцияга қарши кураш бўйича кенг кўламдаги ишларни амалга ошироқдалар.

Ўзбекистонда бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва даволаш-профилактика муассасалари ходимларининг коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларини бартараф этиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизимида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 14 январь қарори).

Мансабдор шахсларнинг асоссиз равишда хорижга хизмат сафари билан чиқиши хизмат мавқенини суиистеъмол қилиш ва коррупцияга, бошқа мансабдорлик жиноятларини содир этишга шароит яратиш сифатида баҳоланганд (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июль фармойиши).

Ўзбекистонда ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупция, расмиятчилик, тўрачиллик ва шафқатсизлик каби иллатларни таг-туби билан йўқотиш, ва айниқса, йўл-патруль хизмати ҳамда бошқа тузилмалар ишларидаги камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ички ишлар идоралари ходимлари сафини тасодифий шахслар, энг аввало, ўзининг иши, ахлоқий-иродавий хусусиятлари ва касбий тайёргарлиги билан милиция ходими деган юксак номга мос келмайдиганлардан тозалаш ишлари анча яхшиланди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташабbusi билан ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида биринчи раҳбарга бўйсунувчи маҳсус инспекциялар фаолияти йўлга қўйилди. Жиноятларнинг тез очилиши ва содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминловчи тезкор-қидирув ва тергов фаолияти тизими такомиллаштирилмоқда.

6.2. Ички ишлар идоралари тизимидағи ислоҳотларнинг натижалари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, тараққиётнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳамда хукуқий соҳаларида янгиланиш йўлига ўтиб олди. Лекин «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдидради»⁷⁴.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов айтганидек, «тоталистаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳияттан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни англатади, бу эса ахлоқ одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ҳамда коррупция муқаррар равишда кучаяди»⁷⁵. Бундан ташқари, бугунги кунда ер юзида:

- а) ҳаётнинг глобаллашиб ва жадаллашиб бораётганлиги;
- б) жаҳон ҳамжамиятини бошқариш, халқаро муаммоларни ҳал қилишининг демократик усусларига қарши зўравонлик усусларини кўллашнинг кенгайиб бораётганлиги;
- в) диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучайиб бораётганлиги;
- г) халқаро (трансмиллий) уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги худудларда, хусусан табиий ва меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга борган сари кўпроқ уринаётганлиги;
- д) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши кенгайиб бораётганлиги;
- е) миграция, жумладан одамларнинг узоқ вақтга ўз уйларини ташлаб узоқ юртларга кетиши ва ахборот алмашиш жараёнларининг кенгайиб ва тезлашиб бораётганлиги;
- ж) одам савдосидек балонинг тез суръатларда ривожланиб бораётгани кузатилмоқда.

⁷³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 88.

⁷⁴ Ўша манба. – Б. 89.

Булар жиноятчиликнинг, хусусан унинг халқаро уюшган шаклларининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Бундай вазиятда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз тинчлиги ва осойишталигини кўролмайдиган гараз мақсадли кучлар борлиги ҳамда уларнинг миллий қадриятларимизга, мустақиллигимизга таҳдид солишга ҳаракат қилаётганлиги ҳар бир фуқародан огоҳ бўлишни, давлат органлари, айниқса ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари, шу жумладан ички ишлар органларидан эса ўз фаолиятларини янада мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этди.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари мамлакатимиз пойтахти Тошкентда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизими замон талаблари даражасида бўлмаганлигини яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, хусусан унинг олдини олиш соҳасидаги ислоҳотлар ички ишлар идоралари тизимидан бошланди. Чунки содир этилган террорчилик ҳаракатлари:

биринчидан, жамиятда, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш тизимининг замон талаблари даражасида бўлмаганлиги;

иккинчидан, аҳоли турар жойларида кеча-ю кундуз узлуксиз жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашни, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланганларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишни самарали амалга ошириш тизимининг ташкил этилмаганлиги;

учинчидан, бевосита аҳоли турар жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи энг кўп сонли ва бу соҳада барча йўналишлар бўйича хизмат олиб борувчи ички ишлар идоралари турли хизматлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги;

тўртинчидан, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни, айниқса ички ишлар

идораларига ёрдам беришни хоҳлаган фуқароларни жалб этиш ва улар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги билан изохланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий хужжат жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимининг хизмат фаолият бўйича энг кўпқиррали, миқдори жиҳатдан энг кўп сонли, аҳоли орасида у билан ёнма-ён туриб хизмат фаолиятини олиб борувчи марказий субъект бўлган ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ профилактика хизмати тизимида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнининг таҳлили бугунги кунгача бўлган даврни шартли равишда уч босқичга бўлган ҳолда ўрганишни кўрсатмокда.

Ислоҳотларниң биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида профилактика инспекторлари раҳбарлигида кенг жамоатчилик жалб этилган ҳолда аҳоли турар жойларида кеча-ю кундуз фаолият юритувчи ички ишлар органларининг энг кўйи бўғини ҳисобланган, мазмун ва моҳияти билан янги шаклдаги милиция таянч пунктлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги маҳсус комиссиялар», «Маҳалла посboni» жамоат тузилмалари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида ҳукукбузарликларнинг олдини олиш соҳасида маҳсус ваколатларга

эга бўлган «Махсус комиссиялар», «Маҳалла посбонлари» ва «Яраштириш комиссиялари» фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этишнинг самарали тизими яратилди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ ярашув институти такомиллаштириш йўлида. Республикаизда жиноий-хукуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштириш жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамоилилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Бугунги кунда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузурида «Яраштириш комиссиялари» ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бугун тўла равишда айтиш мумкинки, ярашув институти — кечиримлилик, бафрикенглик, инсонпарварликнинг тантасицидир.

Фарҳ билан тилга олиш лозимки, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташабbusи билан юртимизда кўплаб миллий анъаналаримиз тикланиб, янада ривожлантирилмоқда. Инсонпарварликка асосланган эзгу қадриятларимиз миллий қонунчилигимизда ҳам ўзининг кенг ифодасини топмоқда.

Эзгу қадриятларимизни ўзида ифода этган институтларидан бири — ярашув институтидир. Айнан мазкур институт ҳалқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик, бафрикенглик каби азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этади.

Мамлакатимизда ярашув институти Президентимиз Ислом Каримов ташабbusи билан 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни асосида жорий қилинди.

Мазкур институт, ҳалқимизнинг урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда ифода этилганлиги учун ҳам, бугунги кунда энг самарали қўлланилаётган институтлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди»⁷⁶ деб таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик каби инсоний қадриятлар истиқбол шарофати билан қонунларимизда ўз ифодасини топғанлиги фуқароларимизнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ярашув институти жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлилик, аҳиллик ва меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалишига ҳамда жамиятимизда вужудга келиши мумкин бўлган янги зиддиятли ҳолатларнинг олди олинишида муҳим омил бўлмоқда.

Хўш, «бағрикенглик» ва «кечиримлилик» деганда нима тушунилади?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «бағрикенглик» тушунчасига «масалага кенг кўламда, очиқ кўнгиллик билан ёндашиш», деб таъриф берилган.

«Кечиримлилик» эса, «афв этиш», «кечириш мумкин» деган мазмунда ифодаланади.

Дарҳақиқат, кечира олиш, меҳроқибат кўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қардошлик, дўстлик, қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш — халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Халқимиз ҳар қандай келишмовчиликни тинч йўл билан, муроса-ю мадора асосида ҳал этишга одатланган десак муболаға бўлмайди. Низолашган икки инсонни яраштириш ана шундай хайрли амаллардандир!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон — ягона оила. Мақсад ҳам, унга эришиш йўли ҳам аниқ. Ана шу йўлда жипслашмоқ учун ўзаро меҳроқибатли, ўзаро кечиримли бўлиш керак»⁷⁷.

⁷⁶ Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2011. – Б.360.

⁷⁷ Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б.207.

Ярашув институти — шахсларнинг жамиятда тутган мавқеини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Агар бунинг акси бўладиган бўлса, оила муҳитига, фарзандлар маънавиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу боис, ярашув институтининг жорий этилиши одамлар, айниқса, қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликни муроса-мадора йўли билан ҳал этишда муҳим восита бўлмоқда. Бу эса, қонунларимиздаги одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яққол намунасиdir.

Айтиш жоизки, ярашув институти одил судловни тиклаш нуқтаи назаридан муҳим амалий хусусиятига эгалиги ҳамда халқимизнинг менталитетига тўла-тўқис мос бўлғанлиги боис, мазкур институтнинг қўлланилиш доираси мунтазам равишда кенгайиб бормоқда. Хусусан, Жиноят кодексининг ярашувни қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги қонуни⁷⁸ билан 26 та моддадан иборат бўлган бўлса, 2004 йил 27 августдаги қонуни⁷⁹ билан 30 та моддага, 2005 йил 31 декабрдаги қонуни⁸⁰ билан 31 та моддага ва 2009 йил 3 апрелдаги қонуни⁸¹ билан 40 та моддага етказилди.

Бугунги кунга келиб амалдаги Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти вужудга келди. Фикримизча, яқин келажакда ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноят таркибларининг сони янада кенгайиб боради.

Жиноятчилик таркибида оғир ва ўта оғир жинояtlар ҳиссанинг камайиб бориши суд-хукуқ соҳасидаги, хусусан жиноят

⁷⁸ «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги.

⁷⁹ «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.

⁸⁰ «Уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.

⁸¹ «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги.

қонунчилигини либераллаштириш муносабати билан ўтказилган истроҳотлар билан ҳам боғлиқлигини инкор этмаймиз. Туб истроҳотлар натижасида «оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ихтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди»⁸².

Юқоридагилар билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал муносабатларда ярашув институтининг қўлланилиши натижасида, жиноий жавобгарликдан озод бўлган шахсларнинг сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, агар **2002** йилда **8879** нафар шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, бу кўрсаткич **2012** йилга келиб **17 минг** нафарни ташкил этди (**2003** йилда **9116** нафарни, **2004** йилда **10537** нафарни, **2005** йилда **12183** нафарни, **2006** йилда **12605** нафарни, **2007** йилда **11771** нафарни, **2008** йилда **13247** нафарни, **2009** йилда **15151** нафарни, **2010** йилда **15602** нафарни, **2011** йилда **15574** нафар ва **2012** йилда **17 минг** нафарни ташкил этди).

Ярашув институти амалдаги қонунларда ўз ифодасини топганлигига кўп вақт бўлмасада, ўтган қисқа давр ичida 145 мингга яқин шахс мазкур инсонпарварлик тамойилларидан баҳраманд бўлди.

Қолаверса, ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайтирибина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам салбий таъсир ўтказадиган оқибатларининг олдини олиш имконини беради.

Юқорида келтирилган рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, ярашув институти халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мужассам этмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси юртимизда бебаҳо неъмат бўлган тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали хуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўллар очмоқда.

⁸² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик истроҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.11.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофик, жиноятни нафақат биринчи марта содир этган шахслар, балки мұқаддам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун судланган шахсларга нисбатан, ҳатто уларнинг судланган ҳолати бекор қилинмай туриб ҳам ярашув институтини кўллаш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунга келиб, амалдаги қонун нормаларимизда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахслар ҳам, агар жабрланувчи билан ярашса жиноий жавобгарликдан озод бўлиш имкониятига эга бўлади.

Амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофик, ярашув институтини кўллаш учун қуидаги шартлар бажарилган бўлиши лозим:

- 1) содир этилган жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 66¹- моддасида қайд этилган бўлиши;
- 2) жиноят содир этган шахснинг, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбига иқрор бўлиши;
- 3) жабрланувчига етказилган заарнинг бартараф қилинганлиги;
- 4) жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ярашганлиги, яъни жабрланувчининг кечирганлиги.

Ушбу шартлардан бирортасининг бажарилмаслиги жиноят иши бўйича ярашув институтини кўллашни истисно этади.

Бинобарин, ярашув институти — бу фақатгина жабрланувчи томонидан кечириш эмас, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан жабрланувчининг дастлабки билдирилган талаб ва дъяволаридан воз кечиши ҳамдир. Бу ҳолат жабрланувчининг аризаси билан қўзғатилган жиноят иши тутатилишини англатади..

Ярашувчилик факти процессуал тартибда расмийлаштирилиб, у айбдор шахс, жабрланувчи ва вақолатли шахс томонидан имзоланган ва тасдиқданган ҳолда расмийлаштирилади.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёхудунинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, лекин суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада, етказилган зарар бартараф этилгани ва яраш-
ганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юрити-
лишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши
керак. Бундай ариза суд мұхокамаси ўтказилаётганда берилган
бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишига киришиши лозим. Агар
иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, барча жабрланувчилар
билан ярашувга эришилгандагина, ярашув тўғрисидаги ишни
кўриб чиқиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига мувофиқ,
ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноятларнинг
82,5 фоиз ички ишлар идоралари, 9,5 фоиз прокуратура ва 7,5
фоиз ишни кўзғатган орган терговига тегишлидир.

Шуни фаҳр билан қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида
ярашувга оид кўриб чиқилган барча ишларни 100 фоиз
деб оладиган бўлсак, уларнинг 87,3 фоизи бевосита ички ишлар
идоралари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, мазкур институтни
қўлланилиш самарадорлигини оширилишида ички ишлар
органлари ходимларининг ўрни қанчалик мұхим эканлигини
кўрсатади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-хукуқ ислоҳотларидан
кўзланган том маънодаги мақсад, фақатгина жабрланувчи билан
гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларни яраш-
ганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишгина бўлиб
қолмай, балки шу билан бирга, жиноят содир этган шахслар-
нинг кейинги тақдири, уларнинг ижтимоий ҳаётга қўниши,
хулқ-атвори каби мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларини
ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун биз жамиятимиз ўртасида мазкур институт-
нинг қўлланилишини янада кенгроқ тарғиб қилишимиз,
ёшларимизга мазкур институтни қўллашнинг хукукий асослари
ҳамда тартибини ўргатишга алоҳида аҳамият беришимиз,
уларни она Ватанга муҳаббат, тарихимизга ва муқаддас дини-
мизга садоқат руҳида, бағрикенг қилиб тарбиялаш учун, мафку-
равий иммунитетни кучайтириш, уларда одамийликни мустаҳ-
камлашимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилнинг 27 январида
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма
мажлисида таъкидланганидек, «... хўжалик ишлари бўйича
жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас».

Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, бугунги кунга келиб республикамизда жами 9889 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улар таркибида 8212 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолият кўрсатмоқда⁸³.

Посбонлар ёрдамида 2006 йилда 4733 та, бевосита улар томонидан 1025 та жиноят очилган бўлиб, 2005 йилга нисбатан 12,3 фоиз кўп ҳукуқбузарликлар аниқланган⁸⁴. Бу кўрсаткич 2009 йилда 7677 та (2008 йилда 7000 та)ни ташкил этиб, бевосита улар томонидан 1214 та (2008 йилда 1129 та) жиноят очилган. 2012 йил якунлари бўйича ушбу жамоат тузилмалари аъзолари томонидан 201050 та ҳукуқбузарлик аниқланиб, улар ёрдамида 7821 та, бевосита эса 873 та жиноят очилган⁸⁵. 2013 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида посбонлар томонидан 86824 та ҳукуқбузарлик аниқланиб, улар ёрдамида 4140 та, бевосита эса 458 та жиноят очилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорининг қабул қилиниши ушбу тизимнинг имкониятларини янада кенгайтириш орқали жамиятда вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилди.

Тошкент шаҳрида ички ишлар идоралари ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ўз самараларини бера бошлагандан сўнг ислоҳотлар бутун республика ички ишлар органлари тизимида ўтказилишига, яъни - ислоҳотларнинг иккинчи босқичини бошлашга қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартағи «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

⁸³ Исмаилов И. Ҳукуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорлик // Постда. – 2013. – 2 фев.

⁸⁴ Исмаилов И. Ўзбекистон Республикаси ИИВ профилактика хизматлари тизимидағи ислоҳотларининг натижалари ва истиқболлари // Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б. 218–219.

⁸⁵ Постда. – 2013. – 2 фев.

Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнданги «Жиноятиликка қарши курашда ИИВ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисидаги» қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, республиканизмнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли яшайдиган жойларида ҳам халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, фами ва ташвишлари билан яшайдиган профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига асос солинди. Бизнинг асосий мақсадимиз маҳаллаларда профилактика инспекторлари сонини кўпайтириш, маҳалла аҳли билан ишлаш, маҳаллага таяниш, халқ ичига кенгроқ кириб боришдан иборат. Республикализмнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли яшайдиган жойларда ҳам профилактика инспекторларининг бўлишини, шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, фами ва ташвишлари билан яшашига эришиш лозим. Токи халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиши ҳосил қилсин ва «бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспектори етиб келди», — деб гапирадиган бўлсин. Шундагина биз ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини аниқ ҳис этамиз.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда милиция таянч пунктлари:

биринчидан, шаҳар ва қишлоқ жойларида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминловчи асосий қуи бўғин эканлиги;

иккинчидан, милиция таянч пунктлари ишларига шаҳарда профилактика хизмати, қишлоқ жойларда профилактика катта инспекторлари раҳбарлик қилишлари;

учинчидан, профилактика инспекторлари ўз ишини милиция таянч пунктида жиноят қидирув ва уюшган жиноятиликка қарши кураш, тергов аппаратлари, патруль-пост, йўл-патруль ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа жамоат тузилмалари, ташкилот, муассаса ва корхоналар билан узвий ҳамкорликда ташкил этиши;

тўртинчидан, милиция таянч пунктлари ёшларнинг бўш вақтларини ўтказадиган, фуқароларнинг ҳукуқий маданиятини юксалтиришни самарали ташкил этадиган маскан бўлишига, шунингдек ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги белгиланди.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, қолаверса мазмун ва моҳияти бўйича бутунлай янгидан ташкил этилган милиция таянч пунктларини ҳақиқатан ҳам *биринчидан*, ҳар қандай вақтда ва ҳолатда ҳам ёрдамга муҳтоҷ бўлган фуқарога амалий ёрдам кўрсатадиган, *иккинчидан*, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган, *учинчидан*, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил эта оладиган, *тўртинчидан*, ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари ва аҳоли билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишига барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган масканга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майда «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг 79,8 фоизида профилактика инспекторлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар хузуридаги «Яраштириш комиссияси», «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари бир бинода жойлашган. Милиция таянч пунктларининг 79 фоизи атрофида вояга етмаганлар ва ёшлар шуғулланадиган спорт майдончалари ҳамда 56,5 фоизининг атрофида эса кичик бизнес шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

Юқоридаги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти янада кучайтирилиб такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ички ишлар органлари ўқув юртларида малакали кадрлар тайёрлаш ишлари, ходимларнинг ўзаро ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликлари янада яхшиланиб уларнинг механизмлари ишлаб чиқилди. Милиция таянч пунктларининг замонавий фаолият юритиш тартиби белгиланди ва амалга оширилди.

Турли диний-экстремистик оқимларнинг террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга, уюшган, айниқса халқаро уюшган жиноий тузилмаларнинг эса одам савдоси билан боғлиқ ўз жиноий мақсадларини амалга оширишга жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтоҷ бўлган қисми хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекис-

тон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу меъёрий-хукуқий хужжатларга асосан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Носоғлом диний foялар таъсирига тушиб қолган оиласалар билан, жумладан экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашгани ва жиноят қилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар оиласалари билан алоҳида ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, шунингдек маҳаллаларнинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар — турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш уларнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди. Айни пайтда республикада фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан диний-экстремистик оқимларга мансуб шахсларнинг оиласалари ўрганилиб, уларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатилган.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари, хусусан профилактика хизмати тизимидағи ислоҳотлар натижасида шаклланган хукуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги тизими куйидаги имкониятларга эга:

— ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулда профилактика инспекторлари раҳбарлигида кеча-ю кундуз узлуксиз равишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш;

— профилактика инспекторининг ички ишлар идоралари бошқа хизматлари, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчилик билан ёнма-ён туриб ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши;

— жиноий фаолиятта жалб қилинаётган шахсларнинг асосий қисмини ташкил этувчи ҳаётда адашган, ўз йўлини топа олмаётган, ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш;

— фуқароларнинг жиноий фаолиятта жалб қилинишининг асосий сабаби бўлган ҳаётдаги, айниқса ижтимоий-иқтисодий, оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни бамаслачат, ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш;

— аҳолини жиноятчиликдан ҳимоя қилишни бевосита улар ўз ҳаётларининг асосий қисмини ўтказадиган яшаш жойларида амалга ошириш;

— худудда жиноий фаолият олиб борувчи шахсларнинг, жиноий тузилмалар, экстремистик-террористик ташкилотларнинг ушбу жойларда яшаётган аъзолари пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида олиш;

— эскича «жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш» усули ўрнига янгича «ҳаёт тарзи, юриш-туришидан жиноят содир этиши маълум бўлган ёки жиноий фаолият билан шуғуланаётган шахсларни аниқлаш, биринчи навбатда уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, агар улар жиноий фаолият билан шуғуланаётган бўлсалар уларни фош этиш» усулини қўллаш ва ҳоказо.

Тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар идоралари, хусусан профилактика хизмати ва умуман ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг истиқболлари қўйидагиларда намоён бўлади:

а) ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида Республика давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

б) ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли айрим ваколатларни жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

в) профилактик фаолиятнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш;

г) аҳоли турар жойларида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг маҳсус субъекти ҳисобланган жамоат тузилмаларининг туман, шаҳар, вилоят, республика даражасидаги тузилмаларини шакллантириш;

- д) милиция таянч пунктлари инфраструктурасини ва моддий-техника базасини янада такомиллаштириш;
- е) «Марказий милиция таянч пунктлари»ни ташкил этиш;
- ж) профилактика инспектори лавозимига кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш;
- з) профилактика инспекторини ижтимоий-хукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- и) хукуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида, айниқса ички ишлар органларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг самарали тизимини шакллантириш бўйича илфор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.

6.3. Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар

Мустақиллик йилларида ички ишлар соҳасини такомиллаштириш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни тъзминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори республикада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақиллигимизни асраш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини тъзминлаш тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. Шунинг учун, юқорида кўрсатилган Концепция асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизликни тъзминловчи янги тизимни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармонига кўра ички ишлар идоралари тизими тубдан ислоҳ этилди. Хусусан:

- бу даврда пойтахт ички ишлар бош бошқармасининг тузилиши ислоҳ қилинди;
- ички ишлар органлари участка инспекторлари бўлинмалари негизида профилактика инспекторлари институти жорий этилди;
- ҳар бир маҳаллада ички ишлар органларининг милиция таянч пунктлари ташкил қилинди;

— ички ишлар органларининг хизматлари аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик қила бошлади;

— ички ишлар органларининг ҳаракатчанлиги ошди ва содир этилаётган жиноятларга тезкор чора кўриш амалиёти шаклланди, шаҳарда криминологик вазият барқарорлашди.

Юқорида зикр этилган фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

2001 йил 21 апрелда — «Криминал, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги;

2001 йил 7 майда — «Жиноятчиликка қарши курашда ИИВнинг тергов бўлинмалари ролини кучайтириш тўғрисида»ги;

2001 йил 18 майда — «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги;

2001 йил 31 майда — «Ўзбекистон Республикасида патрульпост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш тартиби тўғрисида»ги;

2001 йил 6 июнда — «Жиноятчиликка қарши курашда ИИВ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги;

2001 йил 25 июнда — «Ўзбекистон Республикасида ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, ўтказилган ислоҳотлар натижасида Ички ишлар вазирлигининг Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, Тергов, Жамоат тартибини сақлаш, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда Ёнгин хавфсизлиги бошқармаларига бош бошқарма мақоми берилди, уларнинг ваколатлари ва вазифалари кенгайтирилиб, жойлардаги бўлимлари бошқармаларга айлантирилди. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ва кўплаб бошқармалар, хизматлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ИИВ шахсий таркибини янги намунашаги кийим-бош (форма)га ўтказиш борасида 2001 йил 4 августдаги фармойиш ҳам қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль фармони Республикаизда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишда ижобий аҳамиятга эга бўлди. Унда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарурати белгилаб берилди. Мазкур фармон асосида ички ишлар органлари тизимида кадрлар тайёрлаш ҳамда ушбу тизимда хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларида мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2004 йил 23 сентябрь қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 4 октябрь қарорлари қабул қилинди.

Ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ички ишлар органлари учун «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидиув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти», «Эксперт-криминалистик фаолият» бўйича офицерлар ва ўндан ортиқ мутахассислик йўналишлари бўйича сержантлар таркибини тайёрлаш вазифалари белгилаб берилди. Бугунги кунда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларини саккиз мингдан ортиқ курсантлар тамомлаб ички ишлар идораларида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда жорий этилган ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-хуқуқий ҳимоялашнинг янги механизми тизимда хизмат олиб бораётган ходимларнинг ўз хизмат бурчига янада масъулият билан ёндашишига олиб келмоқда. Бу уларнинг ўз халқига, Ватанига янада садоқат билан хизмат қилишларини таъминлаш баробарида юрт тинчлиги ва озодлиги учун бор куч ва файратларини ишга солиб хизмат қилишларига асос бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маъruzаси миллий тараққиётимизнинг янги босқичдаги назарий асосларини белгилаб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация этиш йўлида навбатдаги муҳим стратегик қадам бўлди. Бу иқтисодий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу концепциядан ҳар бир ички ишлар идоралари ходими фаолиятида дастурламал сифатида фойдаланиши керак.

Концепциядан ўрин олган ташаббуслар шу вақтгача амалга оширилган ислоҳотларимизнинг мантиқий давоми бўлиб, навбатдаги ислоҳотлар учун қулай замин, шарт-шароитлар етилгани туфайли илгари сурилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Концепцияда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларини ўзида ифодалаб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлатни барпо этиш ҳамда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш йўлида ташланган муҳим стратегик қадам бўлганилиги мамлакатимиз тараққиётини сифат босқичга кўтарадиган, эркинлаштириш даражасини кенгайтирадиган ва чукурлаштирадиган изчил йўлдан боришга пухта ҳукуқий кафолатлар ҳозирлашга хизмат қиласи.

Концепцияга мувофиқ, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниб, 2012 йил 25 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган ушбу қонун тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб беради.

Қонунда тезкор-қидирув йўналишидаги тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳукуқий кафолатларини яратиш мақсадини кўзлаганлиги ўта муҳимдир. Қонунда

жаҳоннинг энг ривожланган демократик мамлакатларида тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ процессуал механизмлар аниқ белгиланган бўлиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу давлатларнинг умум эътироф этган амалиётига тамомила мос келишини мутахассислар эътироф этишмоқда.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ тадбирларнинг мазмунини, асосий йўналишларини белгилайди. Энг муҳими, мазкур қонун умуминсоний қадриятлардан келиб чиқсан ҳолда, шахснинг хукуқ ва эркинликларига риоя этиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хукуқий кафолатлари тизимини янада мустаҳкамлайди.

Мазкур қонун жамият учун хавф солиши мумкин бўлган жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларида ёк уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қиласди. Бу эса хукуқни муҳофаза қилиш органларнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Дунё амалиётига кўра, тезкор-қидирув тадбирлари инсон ҳаёти ва унинг соғлиғи, хукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, давлат ва жамият хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятларни аниқлаш, фош этиш, уларнинг олдини олиш, уларга ўз вақтида чек кўйиш, шунингдек, жиноятларга тайёргарлик кўришга ва уларнинг содир этилишига алоқадор шахсларни топиш ва аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ҳимояси борасида муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг эмин-эркин меҳнат қилишлари ва ҳаёт кечиришларининг муҳим хукуқий кафолати бўлиб, пировард-натижада жамиятимизда тинч ва осуда ҳаёт, барқарор тараққиёт узвийлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳамдир.

Барча ички ишлар идоралари ходимлари қонунни атрофлича ўрганишлари зарур. Зеро, у жамиятда қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга қаратилган. Бу эса ҳар бир ички ишлар идоралари ходимидан ўз устида мунтазам ишлашни,

маънавий савиясини юксалтириб, хизмат, жисмоний ва жанговар маҳоратини узлуксиз ошириб боришини талаб этади.

Концепцияда белгиланган суд-хукуқ тизимини ислоҳ этишга оид вазифалар ҳам суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига алоҳида масъулият юклайди.

Концепция ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатларини ўзида ифодалаганлиги билан аҳамиятли бўлиб, у бевосита ички ишлар идоралари ходимларини Ватан, ҳалқ, инсон хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, қонун ва адолат устуворлигини таъминлашда касбий ва инсонийлик фазилатларини камол топтиришга ундаиди. Чунки Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан концепцияда олга сурилган қонунчилик ташаббуслари демократик ислоҳотларнинг чукурлашишига, одамларнинг иқтисодий фаолияти эркинлашишига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар маданияти юксалишига, ижтимоий адолат, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласи ва ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан ишлашини енгиллаштиради.

7-БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН «ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК» ФОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гарови, бебаҳо неъмат, улуг саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг асосий масалалари тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилади.

Тинчлик ва омонлик. Бир қарашда, оддий бўлиб кўрина-диган ушбу икки калима замирида ривожланиш, тараққиёт ва фаровонлик тушунчлари мужассам. Шу боис нуронийларимиз дуога кўл очишганида, оиласаримизга, маҳалламизга, юртимизга, бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилашни канда қилишмайди. Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ушбу ҳаётий ҳақиқатни яна бир бор ёдимизга солиш орқали тинчликни таъминлашга ҳар биримиз масъул эканимизни алоҳида таъкидлади.

Хусусан, «.... ҳалқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаёти-нинг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим», деб барчамизни янада огоҳ бўлишга чорлади. Бу бежиз эмас албатта. Чунки, бугун дунёning турли минтақаларида рўй бераётган нохуш воқеаларнинг оқибатларини, ҳимоясиз қолган гўдакларнинг кўз ёши, оналарнинг фарёди ва вайронагарчиликларни кўриб, билиб турибмиз. Энг ёмони, бу ҳудудларда тинчликни қарор топтириш осон кечмаяпти. Шунинг ўзиёқ бизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга унрайди. Бунинг устига, тинчлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар мавжудлигини инобатга олсак, бу даъват

замирида нечоғли катта ҳикмат мужассам эканлигини чукур англаб етамиз.

Маълумки, дунёда хавф солаётган таҳдид бугунги кунда жуда серқирра бўлиб, эндиликда у бирон давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. У бугун дунёга хавф солмоқда. Жумладан, бугунги таҳдид сиёсий ва диний экстремизм, миллатчилик ва миллий маҳдудлик, этник ҳамда миллатларо низолар, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик зиддиятлари, коррупция ҳамда жиноятчилик ва экологик муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Буларга турли кимёвий воситалар, заарали модда ҳамда минерал ўғитларни, саноат ва курилиш материалларини сақлаш, ташиш ҳамда фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ таҳдидларни қўшсан, она сайёрамизни ўраб-чулғаб олаётган хавф-хатар қанчалик чукур илдиз отиб бораётганини ўзимизга теран тасаввур қиласиз.

Гарчи, бундай таҳдидлар турли минтақада турли кўринишда намоён бўлса-да, инсоният учун, унинг тараққиёти учун бир хилда хавф солаётганини англамаслик, тушунмаслик асло мумкин эмас. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳалқимиз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, бундай хатарли таҳдидларга нисбатан доимий равишда ўзининг қатъий позициясини билдириб келмоқда. Ҳусусан, Олий мажлис палаталари қўшма мажлисида маърузасида бунга яна бир бор эътибор қаратиб, жумладан шундай деган эди: «Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддам заминимизда хукм сураётган тинч-осойишта ҳётни саклаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффакият билан ҳал этишимизга боғлиқдир».

Айтиш керакки, бу борада, бир зумга бўлсин, ҳушёрликни кўлдан бериб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Зоро, терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, наркобизнес ҳамда оммавий маданият ёки инсон ҳукуқлари ҳимояси ниқоби остида кириб келаётган турли хавфли таҳдидлар инсоният бошига қандай бало ва оғатларни солаётганини кўриб турибмиз. Шундай экан, улар билан сира муроса қилиб бўлмайди.

Миллий армияни шакллантиришга оид масалалар ҳақида қисқача маълумот. Миллий армияни шакллантириш мамлакатимизда қийин кечганлигини юртимизнинг ҳар бир ёши улуғ фуқароси ёшларимиз онгига асосли далиллар билан етказишни биринчи галдаги вазифа сифатида қараши лозим.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, Ўзбекистон бугун шундай ёруғ кунларга осонлик билан эришдими? Ўзбекистонимизнинг тенглар ичра тенг бўлиб, халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаши ўз-ўзидан бўлдими? Йўқ, албатта, агар мустақилликнинг дастлабки кунларидағи ҳолат билан бугунги кунни ўзаро таққосласак, босиб ўтилган йўлнинг нақадар оғир, мураккаб ва машаққатли кечганини яққол тасаввур қиласиз. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган китобини ўқир эканмиз, яқин ўтмишимизда рўй берган воқеалар, эл-юрт манфаати, келажагини ўйлаб бошланган оқилона сиёsat мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тушуниб етамиз.

Юртбошимиз Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмасдан миллий армияни шакллантириш масалаларига муҳим эътибор берган давлат раҳбариdir.

Таъкидлаш жоизки, «ўзбек модели» деб ном олган мустақил тараққиёт йўлимиз асосида эришаётган ютуқларимизда бугунги замон талабларига мувофиқ шакллантирилган мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXVI боби «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиб, унинг 125-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Куролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади». Ушбу конституциявий нормада таъкидланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-хуқуқий тадбиру амаллар мажмуаси мамлакат мудофааси деган тушунчада намоён бўлади.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси, Куролли Кучлари ҳимоя қилиши зарур. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк ийлариданоқ мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш

масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуни (1991 йил 31 август) мустақил давлатимиз суверенитетини, ҳудудий яхлитлиги, ҳалқимизнинг осуда ҳаёт кечириши, тинч яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, қонунда Миллий гвардияни ташкил этиш ва Мудофаа ишлари вазирлигини таъсис этиш зарурлиги таъкидланган эди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди. Шунингдек, Мудофаа ишлар вазирлиги Бош штаб ва бошқармалари тузилди. Ўша вақтдаги энг жиддий муаммо, бу — армиядаги кадрлар масаласи эди. Чунки ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1991 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун Президентимиз ғоялари асосида янги ҳарбий ўкув муассасалари, Куролли Кучлар академияси барпо этилиб, уларда ҳарбий ишга салоҳияти бор Ўзбекистон фарзандларини тайёрлашга киришилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1991 йил 25 октябрь қарорига биноан, унинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. 1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим воқеа юз берди — мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган ушбу хужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳдил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очилди. 1993 йил 14 январь юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди.

Асосий қонуннинг 126-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Куролли Кучларга эга», деб белгиланган.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда фаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округлари ташкил топди. Жумладан:

1. Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус шаҳрида);
2. Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қарши шаҳрида);
3. Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах шаҳрида);
4. Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент шаҳрида);
5. Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон шаҳрида).

Юқоридагиларга асосланиб, мустақилликка қадар ва мустақиллик йилларида Президентимизнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган вазминлик ва сулҳпарвар сиёсати боис байрам табригида таъкидланганидек, «мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди».

2012 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмандони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

Унда Президент Ислом Каримов мустақиллик йилларида соҳадаги ислоҳотлар туфайли қўйидаги натижсаларга эришилганлигини таъкидлади. Булар:

1. Замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзgartирилди;
2. Ҳарбий округлар тузилди;

3. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва кўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди;

4. Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, террорчиликка қарши курашиб корпуси батальонлари тузилди;

5. Армиямизнинг сержантлар таркибини, шунингдек стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савияси етук офицер кадрлар ва қўмондонлик таркибини тайёрлаш жараёни принципиал жиҳатидан янгича ўкув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилди;

6. Сафарбарлик-чақириув резерв хизмати жорий этилди;

7. Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди;

8. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласарини ижтимоий кўллаб-куватлаш ишлари мустаҳкам асосга эга бўлди.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли ишларимиз якунларини баҳолар экан давлатимиз раҳбари: «**Армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характеристер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқишиш ва юқсак инсоний физиолатлар камол топадиган ҳақиқий амалий профессионал малака ошириш мактабига айланганлигини**» таъкидлади.

Шунингдек, байрам табригида давлатимиз раҳбари ҳозирги босқичда *Куролли Кучларимизни ислоҳ этиши ва унинг жсанговар тайёргарлигини оширишининг аҳамиятига тўхтади*. Буларга сабаб этиб **куйидагилар айтиб ўтилди:**

1) Дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазиятнинг тобора кескинлашаётганлиги;

2) Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал хомашё ресурсларига эга эканлиги туфайли йирик давлатларнинг стратегик манбаатлари тўқнашадиган ҳудудга айлангани;

3) 30 йилдан зиёд вақт мобайнида Афғонистонда уруш давом этаётгани;

4) Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган ҳалқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиш хавфининг кучайишига ва беқарорликка олиб келиши;

5) минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қулай замин туғдираётгани.

Дунёда Марказий Осиёда юз берәётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унинг геосиёсий манзараси. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» номли маъруzasida беҳаловатлик билан, юрт ва минтақа тинчлиги ҳақида қайгуриб таъкидланган қуйидаги сўзларини келтиришни ўринли деб топдик: «Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, бაъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин куролларининг тарқалиб кетиш хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар уруши-

нинг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли эксперталар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожла-нишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Кўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мuloқot гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносаб мұқобил варианти йўқ.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажagini ўйлаб танлаган йўлини хурмат қилиган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қиласди»⁸⁶.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунга тўхталиб, куйидаги фикрларни билдириди: «Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Рэспубликасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий

⁸⁶ Қаранг: Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

манфаатларини кўзлаган ҳолда: турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй берадиган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва худудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишининг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-куватлайди»⁸⁷.

XXI аср хавф-хатарлар билан лиммо-лим эканлигини кўрсатмоқда. Хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз. Чиндан ҳам, «Миллий истиқлол гояси; асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида таъкидланганидек, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан хукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишига қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

⁸⁷ Қаранг: Ҳалқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

Гарчи бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг хукуқлилик жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шарти ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ҳамда хатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетига хавф солиш истагини илғаш қийин эмас. Бугунги воқелик давлатларнинг суверенитетини чеклаш, мамлакатлар мустақиллигини хавф остига қўйишга қаратилган уринишлар кучайиб бораётганидан гувоҳлик бермоқда. Шу боис, ҳатто давлатлар суверенитети тобора омонат бўлиб бормоқда, деган фикр тарафдорлари кўпаймоқда.

Бугунги кунда давлат мустақиллиги, барқарорлиги ва хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжудлигини ва уларнинг рахна солишини чукур тушуниш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997) асарига мурожаат қилиш керак. Бу асар бугунги кунда Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги, ўзбек халқи тинч ва осойишта ҳаётининг, жамият ривожланиши барқарорлигини таъминлашнинг янги ўзига хос ноёб моделини ишлаб чиқишининг назарий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Буни Ўзбекистондаги бугунги тинч ва осойишта ҳаёт, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидағи барқарор тараққиёт, ахоли турмуш даражасининг йилдан-йилга юксалиб бораётгани яққол кўрсатиб турибди.

Мустақиллик йилларида республика ҳудудида вужудга келган ва биз юқорида кўриб чиққан криминоген вазиятни тақозо этган омилларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари муҳим назарий ва методологик асос ҳисобланади. Асар муқаддимасида мустақилликни кўлга киритган давлатлар, *биринчидан*, ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни баҳолашга етарли даражада жиддий муносабатда бўлмаётгани, *иккинчидан*, бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлинмаётгани, улар кутилмаганда рўй берәётгани, *учинчидан*, катта курбонлар, кулфатларга сабаб бўлаётгани, энг фожиалиси — инсонлар қурбон бўлаётгани, *тўртинчидан*, бекарор, адоватли вазият вужудга келаётгани, *бешинчидан*, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашаётгани, ва

ниҳоят олтинчидан, аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруглари ва яқин кишиларининг ҳаётидан хавотир ҳисси уйғонаётганлиги кўрсатиб ўтилган⁸⁸. Бугун дунё миқёсида юз бераётган воқеалар ва вужудга келган вазият асарда кўрсатилган ушбу барча ҳолатларнинг ҳаётда ўз тасдигини топаётганлигини, бу эса, ўз навбатида, барча давлатлар қатори Ўзбекистондаги криминоген вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмаслигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак.

Президент Ислом Каримов кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келаётган ташқи муносабатларни танқидий таҳлил қиласар экан: бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиши; миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши; этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолиши; қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бориши; дунёning катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолиши; мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бориши — буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб муносабатда бўлишни талаб қилаётганлигини, бизни қуршаб турган олам фоят мураккаб ва муаммоли эканлиги, шундай бўлиб қолаётганлиги ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажаги ҳақида хулоса қилади⁸⁹. Ушбу воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг аксарият қисми республикамиз ташқарисида юз беришига қарамай, уларнинг Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликка, шу жумладан криминоген вазиятга таъсирини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

Кузатишларга кўра, бугунги кунда ҳам республикадаги тинчлик ва осойишталикка, барқарор тараққиётга таҳдид қилувчи ва криминоген вазиятни мураккаблаштиришга хизмат қиладиган ички ва ташқи омиллар йўқ эмас. Криминоген хусусиятга эга бўлган ва жиноятчилик сабаблар занжирининг

⁸⁸ Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 31–40.

⁸⁹ Қаранг: Ўша жойда.

дастлабки ҳалқалари бўлиб хизмат қиладиган омилларга биз куйидагиларни киритишимиз мумкин: аҳоли маълум бир қисмида «боқимандалик» ва «лоқайдлик» психологиясининг сақланиб қолаётганлиги; қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик; Ватанга ва ҳалқига хиёнат; ишсизлик; аҳолининг ижтимоий табақаланиши; бошқарув, айниқса раҳбарлар фаолиятидаги суистеъмолчилик, адолатсизлик, коррупция ва хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлиги; таълим-тарбия соҳасидаги хато ва камчиликлар; оиласдаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит ва тарбияга масъулиятсиз ёндашувлар ва ҳоказо.

Дарҳақиқат, дунёда, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унинг геосиёсий манзараси, дунёнинг иқтисодий ва маънавий имкониятларига жаҳон ҳамжамиятининг истиқболига янгича назар ташлашга унданоқда. Буни барчамиз огоҳлик ва зийраклик билан чуқур англашимиз лозим.

Келажакка интилиш самарали бўлиши ва тараққиёт йўлидан олға силжиш учун энг аввало нима керак? Жамиятда тинчлик-хотиржамлик бўлиши зарур. Шу маънода ҳам ҳозирги нурли кунларга эришувимиз учун курашган, фидокорона меҳнат қилган ота-боболаримизнинг қадри, ҳурматини жойига қўйишимиз муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мана шундай мураккаб шароитда ёшларимизни, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мана шу муқаддас тупроқ — меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки поклари ётибди, агар шу мусаффо осмон, мана шу эркин ва ёруф ҳаёт учун, она ватаним учун мен курашмасам, мен жонимни фидо қилмасам ким курашади, деб яшайдиган ўғил-қизларимни кўрсам, улар ҳақида эшитсан, менда худдики қанот пайдо бўлгандек бўлади. Нега деганда, айни шу хусусият ва фазилатларни мен инсон омили деб биламан»⁹⁰, деган эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу foяларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

«Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман», дейди

⁹⁰ Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т., 2012. – Б. 20—21.

Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг чиқишиларида жамоатчиликка қаратилган мурожаат тариқасида янграган яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни, Ўзбекистондаги бугунги тинчосойишта, фаровон ҳаётни, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун яна нималар қилишимиз керак?

Бугунги эркин ва озод ҳаётнинг маъноси ва қадр-қимматини ёшларнинг онгига ким етказади, уларга ким тўғри йўл кўрсатади? Бунинг учун биз — биринчи навбатда ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлишимиз зарур эмасми?

Тинчлик ва хотиржамлик Аллоҳ таолонинг беҳисоб буюк илоҳий неъматларидан биридир. Қолаверса, барча эзгу ишлар рёубга чиқишининг боиси ҳам тинчлик ва осойишталиkdir. Шундай экан, инсонлар нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукурини адо этишлари, балки унга ношукурлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланишлари лозим.

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг бир-бирларига бўлган ишонч ва адоқатлари, меҳр ва муруватларининг самимий бўлиши ҳам асосан хотиржамликка боғлиқдир.

8-БОБ.

МУСТАҚИЛЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЮТУҚЛАРИ

Бугун, яна бир ўша даврдаги мұхим стратегик аҳамиятга молик ишлардан бирини эслаш жоизки, 1989–1990 йилларда давлатимизда хукукий демократик давлат, фуқаролик жамияты барпо этиш йўлида аввалбошданоқ асосий устувор йўналишларни белгилаб олганлигиdir.

Бу асосий устувор йўналишларга айланган масалалар:

- тинчлик ва барқарорликни сақлаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократлаштириш;
- иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилиш;
- миллӣ ағмияни шаклантариш;
- суд-хукуқ тизимини янги асосда барпо этиш;
- инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш;
- миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш;
- аҳоли саломатлиги, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва спорт жабхаларига эътибор қаратиш;
- жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Мазкур масалалар бевосита Ватан тақдирига оид тизимли ёндашув бўлиб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов фаолиятининг бош мақсади сифатида бугун ижтимоий воқеликка айланди.

Мамлакатимиз бундан йигирма икки йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам кўйди. Бу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистоннинг ўтган давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш борасида эришган марра ва натижаларини холисона баҳолаш зарурати мавжуд эканини ҳар бир соғлом фикрлайдиган инсон чукур англайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ Президент Ислом Каримов кўрсатиб берган жамиятда аниқ сиёсий ва хўжалик стратегияси, ислоҳотларнинг ишлай оладиган яхлит дастури зарур эканлигидан келиб чиқиб, айнан шундай давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур тараққиётнинг «ўзбек модели» бўлиб, ушбу моделнинг асосини машҳур бешта асосий принцип ташкил этди: *иқтисоднинг сиёсатдан устунилиги; давлат бош ислоҳотчи эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши*. Ушбу асос бўлувчи принциплар, Президентнинг foялари ва қоидалари Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафкурасининг тамал тоши эканлигини айни замонда ижтимоий ҳаётнинг ўзи исботлади.

Дарҳақиқат, самарали иқтисодиёт бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиздир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг *беш қоидаси* марказдан туриб режалаштиришга асосланган, маъмурий-буйруқбозлик усулидаги тақсимлаш тизимидан, тоталитаризмдан, яъни бизга мўрт, заиф, бирёзлама ривожланган пахта яккахокимлиги ва бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш асосига курилган сийқа иқтисодиётдан мустақилликка, ҳаракатчан бозор иқтисодиётига ўтишга, янги миллий цивилизацияни шакллантиришга йўл очди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигига мамлакатимиз ўзининг эски муносабатларидан босқичма-босқич кутула бошлади.

Ижтимоий тараққиёт шакли сифатида либераллаштириш ўзининг бир қатор муҳим таркибий қисмлари бўлишини талаб этади. Либераллаштириш мамлакат тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичидир. Мамлакатимизнинг муайян шароитларидан келиб чиқиб, бундай таркибий қисмлар сирасига сиёсий, иқтисодий ҳамда давлат ва жамият курилиши соҳаларини эркинлаштириш киритилган. Бунда жамиятни эркинлаштиришнинг фақат стратегик устувор йўналишлари назарий жиҳатдан белгиланиб қолмасдан, балки унинг хусусий мулкни ривожлантириш ва шу асосда мулкдорлар синфини, реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш каби асосий таркибий қисмлари ҳам белгилаб берилган. Айни пайтда бозор инфратизилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимининг фаолият кўрсатишини такомиллаштириш, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш тизимини тубдан қайта

кўриб чиқиши, валюта бозорини эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича рафбатлантиришларни мустаҳкамлаш, кафолатлар ва имтиёзлар доирасини кенгайтириш, фаол инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш, ҳар хил текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг корхоналарнинг хўжалик фаолиятларига асоссиз аралашувларини чеклаш, банкротлик институтининг ролини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини фаоллаштириш ҳам назарда тутилган эди. Иқтисодий ислоҳотларнинг воқеликлари ва либераллаштиришнинг янги вазифаларидан келиб чиқиб, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимиға фаол киришини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар айнан Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бўлиб, бугунги мураккаб даврда, гарчанд ҳозир ҳам жаҳон молиявий иқтисодий инқизоризи давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда унинг енгил кечиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликка қадар, яъни 1989—1991 йилларда ёқ давлатимиз раҳбари кўп нарса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устуворлиги билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратгани, бу фақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришнинг асосий бўгини бўлибгина қолмай, балки бандлик ва аҳоли даромадлари манбаи, ҳалқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳам бўлиши кераклиги ва ушбу устувор йўналишлар ичида ўзак вазифа этиб белгиланганлигини эслаш ўринлидир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик дунёвий давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида турган мақсадлардан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви қонуниятини аввалданоқ яққол тасаввур қилган давлат раҳбаридир. Бу эса ўзбек моделлининг глобаллашув жараёнларига самарали мослашиши ва ўз тараққиётida янги туртки олишга имкон яратди. Чунки иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқизорзининг салбий таъсирини бартараф этиш асосини ташкил этади.

Ўзбекистон ҳалқи ўз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тузумидан воз кечиб, жаҳон

тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишга азму қарор қилди. Юқоридаги омиллар мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, молиявий хавфсизликни таъминлаш пойдевори вазифасини бажармоқда.

Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал ҳомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай мэрраларга эришиш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимизнинг нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаб, унинг нималардан иборат эканлигини келтиришни лозим топдик.

Биринчидан, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонуни миз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий хужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамоиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамоил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди. Қолаверса, Асосий қонуни мизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу тамоилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига

барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат режа комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тутатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди — вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада давлатимиз олдида республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.

Куйида қелтирилган рақамларимизда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлига бўлган ишончи, фуқароларимиз қатъияти, ташаббускорлиги, бунёдкорлик, яратувчанлик гояси билан яшаётганлиги ва албатта, ўз келажагини янада фаровон этишга интилиши ифодаланган. Бу рақамлар, энг аввало, одамларимиз онгидаги ўзгаришлар маҳсули сифатида мамлакатимизда рўй берадиган изчил иқтисодий ўсишни акс эттириб, фуқароларимизнинг меҳнатга, жамиятнинг иқтисодий негизи бўлган мулкка бўлган муносабатининг маҳсули эканлигини, жойларда, ниҳоят, тараққиётни белгиловчи куч — тадбиркор ва фермерларга мустақилликнинг дастлабки йилларида гидек «ўтай кўз» билан эмас, балки хусусий мулкка иқтисодиётнинг ҳал этувчи таянчи сифатида муносабатда бўлинаётгани маҳсули эканлиги далолатидир.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6–7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди. Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа фурсат ичida Ўзбекистондаги углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефт-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшали бўлмаган Шўртан газ-кимё мажмуи каби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу корхонада тайёрланаётган суюлтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта эканини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик корхоналарнинг курилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробардан зиёд ортди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмини ҳам кўпайтиришга эришиди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ноёб бўлган, қиймати 2,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюргаз-кимё комплекси курилиши бошланди. Мазкур объектнинг курилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Дунёдаги йирик «Томсон Рейтер» бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машхур «Прожект файненс интернешнл» журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди.

2012 йилда Жанубий Африка Республикасининг «Сосол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги саноқли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи — суюлтирилган газ, авиакеросин ва «премиум класс» тоифасидаги, яъни «евро-4» стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради⁹¹.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, дунёнинг энг яхши ўнта инвестицион лойиҳаси қаторидан нефть-газ, тое-кон саноати, транспорт ва коммунал инфраузилмалар соҳасидаги лойиҳалар ўрин олган. Чунончи Австралияда (тўртта лойиҳа), АҚШ, Франция, Буюк Британия, Сингапур, Германия ва Ўзбекистонда (биттадан лойиҳа) амалга оширилаётган лойиҳалар шулар жумласидандир.

Буюк Британиянинг нуфузли «Диоложик»⁹² консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган рейтингта кўра, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси, 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди. Мазкур компания энг йирик инвестицион лойиҳалар, инвестицион банклар ва консалтинг компанияларининг йиллик рейтингларини ҳам эълон қилиб бормоқда. Яқинда «Уолл стрит жорнал» билан ҳамкорликда ушбу компания реал вақт режимида жаҳон минтақалари бўйича инвестицион фаолликка оид электрон бюллетенин эълон қила

⁹¹ Каримов И. А. Бош мақсадимиз кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 9.

⁹² Мазкур компания 1983 йилдан бўён тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва сармоядорлар учун молиявий бозорлар, қимматли қоғозлар ҳамда инвестицион фаолият масалалари бўйича таҳлилий ва консалтинг хизматларини кўрсатиб келаётган ташкилот.

бошлади. Сайёрамизнинг 2012 йилдаги глобал инвестицион лойиҳалари рейтингига дунёning барча минтақаларида амалга оширилган энг йирик инвестицион лойиҳалар киритилди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларининг барпо этилгани туфайли мустақиллик йилларида автомобиллар сони кескин ошди ва ҳар 100 оиланинг автомобиль билан таъминланиш даражаси баробардан зиёд ўсида. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизда бензин ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда. Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун жаҳон молиявий-иктисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Статистик рақамларга эътибор қиласиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсида. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди⁹³.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб, иқтисодиётда юз берадиган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон 2013, йилда бизнес учун (яратилган шароитлар, хусусан, қўшма корхоналар учун солиқ, божхона имтиёzlари ва преференциялар) дунёдаги энг истиқболли 20 та давлат қаторига кўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Брита-

⁹³ Каримов И. А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т., 2013. – Б. 7.

ниянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган «Maplecroft» консалтинг компанияси холосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

«Maplecroft» компанияси томонидан ҳисоблаб чиқиладиган «Ривожланиб бораётган бозорлар индекси» бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 та давлатни ўз ичига олган. Индексда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибадорлиги, энг сўнгги таркибий ислоҳотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан, ўрта синф сони бўйича прогнозлар эътиборга олинган.

Маълумот учун:

Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 132 та телевизор, 99 та совутгич, 64 та DVD плејер, 145 та мобиљ телефон тўғри келиши тасдиқлайди. 1990 йилда ўнта оиласдан бор-йўғи биттаси шахсий автомобильга эга бўлган бўлса, 2012 йилга келиб ҳар учта оиласнинг биттасида автомобиль мавжудлиги аҳоли фаровонлиги ва моддий таъминлангани тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Бу халқимизнинг эмин-эркин, фаровон яшаётганини билдиради.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, юз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди. Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди. Бугун эса халқимизнинг картошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз фалла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимизга устувор вазифа қилиб кўйдик. Биринчи наебатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва

экологиясига катта заар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги қунда ўзининг фаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга фалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилимоқда. Ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажми Ўзбекистонда қарийб бир миллион тоннани ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, фалла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳолисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди. Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган дехқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати ётибди.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапиргандада, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча иллатларидан Президент раҳнамолигида бутунлай воз кечганимиз, айниқса, принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистон ҳалқи учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди. Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конституциявий асосда ишончли кафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиши соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли рол ўйнамоқда.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқти-
солиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини
шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамизни муомалага
киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди. Албатта, миллий
валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш
осон кечгани йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин,
Ўзбекистон 2003 йилдаёқ унинг эркин конвертация қилинишига
эришилди.

Замонавий икки поғонали банк тизимини яратиш орқали
мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиё-
сатининг масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг
ўзаро самарали муносабатини таъминлаш имконияти пайдо
бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз манфаатларини
барқарор ва ишончли тарзда қондириб боришга эришилди.
Хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг
молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги
сезиларли даражада ошди.

Ижтимоий нуқтаи назардан бошланғич босқичда, иқти-
солиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб
үтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини
ҳимоя қилишнинг ўхшashi бўлмаган, самарали механизми
ишлиб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка
муҳтоҷ оиласаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи
бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла институти
имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади. Бу, авва-
ламбор, зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиқлик ва ошко-
ралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш — аҳолининг
ҳақиқатан ҳам, ночор қатламларини кўллаб-куватлаш, уларни
ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш
имконини берди.

Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарор-
ликни таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда ислоҳотлар ва
мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг
халқимиз томонидан кенг қўллаб-куватланишига ҳам эришдик.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «... Биз эски мустабид
тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб,
тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини
ўзи боқишига кучи етмаган ўлқадан бугун ўзининг куч-кудрати ва
салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда
ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб
ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган

мустақил ва суверен давлатлар қаторига күтарилиганимизни яққол намоён этмоқдамиз»⁹⁴, деганида мустақиллик, барқарорлик, хавфсизликни мустаҳкамлашда, тинчлик ва осойишталиктининг нақадар муҳимлиги ва унинг қадрига етиш зарурлигини англаймиз. Айнан шу омиллар мамлакатимизни изчил иқтисодий ўсиш таъминланыётган замонавий Ўзбекистонга айлантириди.

Жамияттинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш. Йигирма икки йиллик мустақил тараққиёт мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳиятини моддий ва интеллектуал куч-кудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганлигини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Мустақиллик йилларида мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг барча босқичларида энг муҳим долзарб вазифа сифатида мулкий муносабатларни тубдан ўзгартиришга эътибор қаратилди. Унинг туб моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун кенг имкониятлар бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат бўлди.

Конституциявий тарзда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги, тенг ҳукуқли, дахлсиз, давлат ҳимоясидаги мулк ташкил этиши ва бунда устуворлик хусусий мулкка берилиши қайд этилди. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларга ўтиш ва стратегик тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратилди.

Миллий қонунчилигимизда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳимоя қилиш кафолатларини белгиловчи бир қатор

⁹⁴ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. – 2012. – 1 сент.

хукуқий хужжатлар амал қилмоқдаки, уларга кўра, хусусий мулк хукуқи щахснинг қонун хужжатлариға мувофиқ қўлга киритган мол-мulkка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқидир.

Қайд этиш керакки, мулкдорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда хукуқларининг устуворлиги принциплари амал қиласди. Унга мувофиқ, қонун хужжатларидағи хусусий мулк хукуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосида бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтиёмий-сиёсий барқарорлик ҳамда хавфсизлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, шунингдек ижтиёмий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф — мулкдорлар синфини шакллантириш деб қаралмоқда.

Маълумот учун:

Ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, 2013 йил 1 январигача мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизига яқини ўзини ўрта синфга мансуб деб билади, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 24 фоизни ташкил этган.

Ижтиёмий хавфсизликни таъминлаш. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик таъминлангани боис ҳалқимиз хотиржам яшаб, самарали меҳнат билан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ўз хиссаларини кўшмоқдалар.

Маълумот учун:

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баравар, аҳолининг реал даромади жон бошига 7 баравар, ўртача пенсия микдори 9 баравар, ойлик иш ҳақи эса 18 баравар ошган. Одамларимизнинг умр кўриш даражаси 7 йилга узайган. Ёқилғи ва ғалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

Буларнинг барчаси, аввало, мустақилликка эришилган биринчи кунлардан бошлаб «*Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало*

инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган ҳаётий мезон асосида халқнинг бошқа орзу-интилишлари қатори унинг маънавий қадриятларини ҳам барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, самарали иқтисодий сиёсат олиб бораётган, зарур бўлганда, бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга солиб, халқнинг фидокорона меҳнати билан турли соҳалар ўзаро мутаносиб ривожланишига эришаётган, улкан тажриба ва салоҳиятга эга бўлган давлатимиз раҳбари фаолиятининг натижасидир.

Ўй-жой таъминоти соҳасидаги натижалар. Ўтган 22 йил мобайнида юртимиизда ўй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оиласарнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий ўй-жой ёки квартирасига, қишлоқда яшаётган оиласарнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижасидир.

Ўз вақтида кўрилган ушбу оқилона чора-тадбирлар, чет эл эксперtlари таъкидлаганларидек, бугунги кунда жаҳон молиявий-иктисодий инқизорининг Ўзбекистонда енгил кечишининг омиллари бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда.

Мустақил ва суверен давлат мақомини олган Ўзбекистон энди халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имконига эга бўлди.

Ўтган 2009—2013 йиллар демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштиришнинг мухим босқичи бўлди. Давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқизори шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани тараққиётнинг миллий модели ўз самарасини намоён қилди. Бундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айrim мураккаблик ва қийинчилкларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2012 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фаҳрланиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Маълумот учун:

Бугун барча давлатларни қаттиқ ташвишга солаётган, ҳамон давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иктисодий инқизорни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон охирги етти йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8 – 8,5 фоиз иқтисодий ўсишта эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида кўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади: «Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқизорзга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги олти йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,0 фоиздан ошиб келмоқда ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқизорзининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги иши натижалари бўйича билдирган фикрларини келтириш ўринли. Унинг таъкидлашича, «Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидағи мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқизорзининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди»⁹⁵.

5-жадвал

Асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг ўзбек феномени (фоизда)⁹⁶

| Йиллар | Ялпи ички маҳсулот | Саноат | Қишлоқ хўжалиги | Курилиш ишлари |
|--------|--------------------|--------|-----------------|----------------|
| 2000 | 103,8 | 105,9 | 103,1 | 103,0 |
| 2001 | 104,2 | 107,6 | 104,2 | 103,4 |

⁹⁵ Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 7.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган.

| | | | | |
|------|-------|-------|-------|-------|
| 2002 | 104,0 | 108,3 | 106,0 | 103,4 |
| 2003 | 104,2 | 106,2 | 107,3 | 103,7 |
| 2004 | 107,4 | 109,4 | 108,9 | 104,3 |
| 2005 | 107,0 | 107,3 | 106,2 | 110,7 |
| 2006 | 107,3 | 110,8 | 106,2 | 115,0 |
| 2007 | 109,5 | 112,1 | 106,1 | 115,7 |
| 2008 | 109,0 | 112,7 | 104,5 | 108,3 |
| 2009 | 108,1 | 109,0 | 105,7 | 134,2 |
| 2010 | 108,5 | 108,3 | 106,8 | 108,1 |
| 2011 | 108,3 | 106,3 | 106,6 | 107,8 |
| 2012 | 108,2 | 107,7 | 107,0 | 111,5 |

Жадвални таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ва изчил ўсиш суръатларига эга бўлгағлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг натижаси ҳамда исботловчи асоси десак, муболага бўлмайди.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечеётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмай қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг кўзлаган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдираётганлайгини кўрмаслик, англамаслик, сезмаслик мумкин эмас.

Бўй борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтириш ўриниلى: «Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатт»⁹⁷. Лекин қийинчиликларга қарамасдан мамлакатимизнинг макроик-

⁹⁷ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т., 2012. – Б. 4.

тисодий кўрсаткичлари бўйича юқоридаги жадвал маълумотларидан ижобий тенденция узлуксиз равишда қайд қилинганлигини кўриш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги навбатдаги йиллик маъруzasини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДҲ худудидаги мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бормоқда ва бу узоқ муддатга чўзиладиган ҳолат ҳисобланади.

2012 йилда МДҲ мамлакатлари ва Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари тахминан 3,8 фоизни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби — жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДҲ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг бекарорлигидир⁹⁸.

Шунингдек, мамлакатимиздаги ижобий тенденция ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеясининг қайта бошланган бб-сессиясининг расмий хужжати сифатида «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидағи ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2012–2015 йиллар учун прогнозлар» номли тарқатилган ахборот материали ҳам маълумот беради.

Унда мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг суръатлари марказлашган режали тизимдан эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича республикада ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг самарадорлиги, тўғрилиги ва асосли эканлигини яққол намоён қўймоқда. Ушбу моделнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар муваффақиятли тарзда ўтказилгани алоҳида таъкидланади.

2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровоилик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойик⁹⁹.

⁹⁸ Шохина Е. Всеобщая вялость//<http://expert.ru/2013/01/22/vseobshaya-vyayost/>

⁹⁹ Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар, ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 18.

«Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли харид қобилияти бўйича 3,7 марта — 27,1 миллиард АҚШ долларидан қарийб 100,0 миллиард долларга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 3 маротаба ошиди. 2004 йилдан буён республика иқтисодиёти йилига 7—9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Мустақиллик даврида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг ҳиссаси 17,6 фоиздан 24 фоизгача, хизматлар улуши эса 33,8 фоиздан 52,0 фоизгача ўсади. Автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир-йўл машинасозлиги, майший электроника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўки-мачилик саноати сингари саноатнинг янги соҳалари яратилди», дейилади.

Шунингдек, республика қишлоқ хўжалиги тизимида чукур иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши дон мустақиллигига Эришиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига имкон бергани ҳам қайд этилди.

Хужжатда республика банк тизимининг тараққиётiga алоҳида эътибор берилди. Якуний кўрсаткичлар тижорат банкларининг кенг тармоғи яратилганидан, уларнинг капитали ва ресурс базаси ошгани, банк тизимининг сармоявий фаoliyatдаги иштироки кенгайгани ҳамда аҳоли ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Ҳозирги вақтда барча кредитларнинг қарийб 80,0 фоизини янги корхоналар қуриш, мавжудларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган узоқ муддатли сармоялар ташкил қиласди.

Мазкур хужжатда сармоявий сиёsat соҳасига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистон иқтисодиётига капитал кўйилмаларининг ҳажми 11,6 маротаба ошгани қайд этилиб, «АҚШ, Германия, Буюк Британия, Испания, Япония, Малайзия, Корея Республикаси, Хитой, Россия каби мамлакатларнинг йирик компаниялари, шунингдек, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестицион компаниилари юқори қўшимча қийматли юксак технология маҳсулотларини ишлаб чиқаришга оид сармоявий лойиҳаларни

амалга ошириш бўйича асосий ҳамкорлар ҳисобланади», дея таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг изчил равишда жаҳон хўжалик муносабатлари тизимиға кириб боргани ҳам қайд этилди. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарамай, мамлакат иқтисодиёти ташқи таъсирларга нисбатан барқарор эканлигини намоён қилгани ҳолда, инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши корхоналарни модернизациялаш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятларни яратди. 22 йил давомида Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги ижобий сальдоси 53 марта га кўпайиб, бу олтин валюта захираларининг кескин ортиши ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлади.

Бугун Ўзбекистон юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотларни экспорт қилгани ҳолда, асосан, корхоналарни техникавий ва технологик модернизациялашга мўлжалланган юқори технология ва асбоб-ускуналарни импорт қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётида транспорт инфратузилмаси алоҳида аҳамият касб этиши ҳам ушбу хужжатда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон транспорт соҳаси ривожланишидаги энг йирик лойиҳалардан бири — Навоий шаҳрида янги ҳалқаро аэропорт қурилиши ва «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий ҳамда «Ангрен», «Жиззах» маҳсус индустрисал ҳудудларининг яратилиши ҳисобланади. Юқоридагилар билан бирга, фахр билан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш тарзининг барқарор ўсиши мисолида республикамиз ижтимоий соҳасида рўй бераётган сифат ўзгаришлари эътирофга лойиқ. Кучли ижтимоий сиёsat, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида сўнгги 22 йил давомида аҳолининг ўртача умр кўриши 66,0 ёшдан 73,5 ёшга ошди¹⁰⁰. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Куйидаги жадвалга қаранг.

¹⁰⁰ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. – 2013. – 1 сент.

**Давлат бюджети кўрсаткичларининг ЯИМга нисбатан
тенденцияси (фоизда)¹⁰¹**

| Йиллар | Давлат бюджети кўрсаткичларининг ижроси |
|--------|---|
| 2000 | -1,0 |
| 2001 | -1,0 |
| 2002 | -0,8 |
| 2003 | -0,4 |
| 2004 | -0,4 |
| 2005 | 0,1 |
| 2006 | 0,5 |
| 2007 | 1,1 |
| 2008 | 1,5 |
| 2009 | 0,2 |
| 2010 | 0,3 |
| 2011 | 0,4 |
| 2012 | 0,4 |

Мамлакатимизда кузатилаётган макроиктисодий барқарорликнинг муҳим белгиларидан бири давлат бюджетининг жадвалда акс этганидек, профицит билан бажарилаётгани ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда таъминланаётган тинчлик-осойишталик туфайли иқтисодиётимиз барқарор ривожланди. Давлат бюджети дефицит (тақчиллик) билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланишининг таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида тинчлик-осойишталик, хавфсизлик таъминлангани боис ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумот учун:

2013 йилда давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни 2013 йилда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-куватлашга йўналтирилади, унинг 34 фоизидан ортиғи таълим, 14,5 фоизидан кўпроғи соғлиқни сақлашни молиялаштиришга сарфланди¹⁰².

Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидағи ютуқлар. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан мақсад — Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини шакллантириш: Ушбу ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди. 2007 йилда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна қилиб тавсия этилди. 2011 йилда «Болаларни асройлик» халқаро ташкилоти дунёда болалар саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича энг яхши давлатлар рейтингини тузди. Унга кўра, Ўзбекистон болаларга кўрсатилаётган тиббий-профилактик ёрдам даражаси бўйича 161 та давлат орасида жаҳоннинг энг ривожланган 10 та етакчи мамлакатлари қаторига киритилди: Ўзбекистон Швейцария, Финляндия, Ирландия, Норвегия, Беларусь, Дания, Швеция, Куба давлатларидан кейинги 9-уринни, Германия эса 10-уринни эгаллайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга кўритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Жумладан, Инсад халқаро бизнес марказининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маъruzаси ҳақида тўхталиб, Ислом Каримов: «Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан

¹⁰² Қаранг: Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлинни қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 6.

бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожланиш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринглар — дунёнинг 141 мамлакати орасида 2-ўринни банд этган»¹⁰³.

Кувончлиси шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда 2-ўринни эгаллаган. 1-ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Қолган ўринларда Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган мамлакатлар турибди.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг кудратли давлати бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар — Россия (55,18 балл билан) 55-ўринни, Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72, Арманистон 85, Грузия 87, Озарбайжон 89, Токикистон 107-ўринни эгаллаган¹⁰⁴.

Ўтган йиллар мобайнинда мамлакатимизда эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан куйидагиларни тъкиллади: «Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёsat олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушкини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича «ўртачадан ҳам кам» даражада баҳолангани буни исбот қилиб бермоқда»¹⁰⁵.

¹⁰³ Каримов И. А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 14.

¹⁰⁴ Ўзбекистон таълим тизими: яна бир юксак эътироф // Халқ сўзи. – 2012. – 28 авг.

¹⁰⁵ Каримов И. А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б. 6.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан бўғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас. Сўнгти йилларда банкларнинг капиталлашгуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт енд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2010 йилда мамлакатимизнинг 13 та, 2011 йилда 23 та, 2012 йил якунига кўра 28 та тижорат банки «барқарор»лик рейтингини олган. Натижада ушбу банкларнинг активлари мамлакатимиз банк тизими умумий активарининг 100 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимида ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Аҳоли даромадларининг ошиши ўз навбатида уларнинг банклардаги омонатлари салмоғининг ошишига олиб келди. 2012 йилда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари кўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгти ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъянавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди.

Хозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, юқоридаги эришилган мэрралар негизида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам ҳиссаси бекёёс. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурида муҳим ўрин эгаллайди ва буни унинг ялпи ички маҳсулотидаги нуфузли ҳиссаси далолат беради. 2013 йил иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлади ва Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлиши учун барча иқтисодий асосларимиз мавжуд. Бу ҳакда юқорида келтирилган рақамлар асос бўлади. Тадбиркорлик ривожланиб жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун тадбиркорлик тизимининг барча бўғинлари биргаликда ишлаши керак бўлади. Булар орасида тадбиркорликка оид қонун-қоидаларга риоя этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, улар фаолиятини тартибга солишида муҳим рол ўйнайди. Умуман олганда, давлат ва унинг иқтисодиёти ривожида алоҳида ўрин эгаллайдиган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни юритиш учун мамлакатимизда энг қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Айнан шу сабабли давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги барчамизга аён. Шу боис Концепцияга мувофиқ 2010 йил 12 ноябрдан сўнг ушбу йўналишда турли хил иқтисодий фаолият турларини, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Куйида уларнинг айримларини келтирамиз:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг б-сонли «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 7 январь қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1475-сонли «Давлат ҳаридлари тизимини оптималлаштириш ҳамда уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1474-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1501-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 11 март қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 4 апрель фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 24 август фармони;
- Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги 2012 йил 26 апрель қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) 2012 йил 2 май қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 сентябрь қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 17 декабрь қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги 2012 йил 20 декабрь қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 8 августдаги қарори.

Тадбиркорлик фаолияти қонунийликка асосланар экан, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бевосита хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларига масъулиятли вазифани юклайди. Чунки, мамлакатда қанчалик ўртача мулқдорлар синфи мустаҳкам қарор топса, жамиятнинг иқтисодий негизлари шу қадар мустаҳкам бўлади. Барча ҳам тадбиркор бўла олмайди, фақат тадбиркорлик қобилияти соҳиблари тадбиркорликни ўз зиммасига олади. Шу боис, жаҳон тажрибасига кўра тадбиркорлик қобилияти иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти сифатида қаралар экан, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун нафақат хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир фуқаро тадбиркорликка оид амалдаги қонунларни билиши бугунги куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да аниқ устувор вазифалар хусусида тўхталиб, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун тегишли ташкилий, хукуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу муносабат билан, хукуматга ортиқча чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувни янада камайтириш мақсадида, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, прокуратура органларига эса — уларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва хукуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифалари юклатилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган «Концепция»си бугунги кунда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида бошлаган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис

томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлиб, чет эл оммавий ахборот воситаларида халқаро экспертлар томонидан миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми сифатида баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаётган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларга эришмоғи мумкин»¹⁰⁶, деб таъкидлаганида куйидаги вазифаларни белгилаб берган эди:

биринчидан, бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш;

иккинчидан, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш;

учинчидан, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш;

тўртинчидан, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Дарҳақиқат, юқоридагиларга асосланиб қайд этиш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш осон кечмаган. Ўзбекистонга мустақилликни ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда инъом этмаган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар боис бугунги турмуш ободлиги, юрг осойишталигига, тунларимиз ҳадик-хавотирларсиз, сокин, кунларимиз тинч, осуда, мусаффо осмон остида ўтишига мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистоннинг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли борасида **ижтимоий фикр**. 2013 йилнинг 17 августида «Халқ сўзи» газетасида «Ўзбекистоннинг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусида Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни қандай баҳолашни аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларини эълон қилди. «Ижтимоий фикр»нинг ушбу сўровномасида мамлакатнинг барча

¹⁰⁶ Халқ сўзи. – 2012. – 1 сент.

худудларидан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари иштирок этди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар борасидаги жамоатчилик фикрининг холислигини, тараққиётдаги рөлини инобатга олиб тўлалигича келтиришни ўринли деб топдик¹⁰⁷.

Сўровнома натижаларига кўра, кўпчилик (сўровномада иштирок этганларнинг 90 фоизи) «мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ёрқин натижаларга эришилди», «мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг барча хукуқ ва эркинликлари кафолатланган», «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди» ва «Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади», деб ҳисоблайди.

2013 йилги сўровнома шуни қўрсатдики, респондентларнинг кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) Ўзбекистон фуқароси эканлигидан фахрланади. Мамлакат фуқаролари, айниқса, ёшлар Ўзбекистон мустақиллигини бебаҳо ねъмат деб билади ва «ўз Ватанининг мустақиллигини ҳеч қачон йўқотишни истамаслиги ва истиқлолни ҳеч нарсага алмашмаслиги»ни қайд этиб, унинг янада равнақ топишига, ўз оиласининг истиқболига ишонади.

Сўралганларнинг 90 фоизи Ўзбекистонда қарор толган тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик тобора мустаҳкамланаётгани, демократик хукукий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари яратилгани, ҳаётимизда демократия тамойиллари — сўз эркинлиги ва инсон хукуқларига риоя этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини изчил ривожлантириш таъминланаётгани ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг халқаро майдонда кенг эътироф этилаётганини «истиқолимизнинг асосий ютуқлари», деб ҳисоблайди.

Аҳолининг катта қисми (98 фоизи) Ўзбекистон — миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаб бера оловчи давлат эканлигидан фахрланишини маълум қилган. Сўровноманинг қўрсатишиба, мустақиллик йилларида аҳолининг кўпчилик қисми (сўралганларнинг 92 фоизи) моддий аҳволи, турмуш шароитлари яхшиланган.

¹⁰⁷ Ўзбекистоннинг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли // Халқ сўзи. – 2013. – 17 авг.

«Ижтимоий фикр» сўровномаси натижаларидан сўнг маълум бўлдики, сўралганларнинг 90 фоизи ва уларнинг оилалари ижтимоий мақоми кўтарилиган, 80 фоиздан ортифи эса ўз бизнесини йўлга кўйган, фермерликни бошлаган. 70 фоиздан ортиқ сўралганлар эса таълим олган ёки таълим даражасини оширган. Сўровнома иштирокчиларининг фикрича, айнан мустақиллик уларга бундай ютуқларга эришиш имконини берган.

Сўровномада иштирок этганларнинг 86 фоиздан зиёди Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида таълим олиш нуфузи сезиларли ошганини қайд этишган. Шунингдек, қатнашчиларнинг қарийб 94 фоизи мустақиллик йилларида фуқароларнинг қонунларга (2012 йилда — 94 фоиз), инсон хукуқ ва эркинликларига ҳурмати ошганини (2012 йилда — 87,6 фоиз) қайд этган.

Ўзбекистон аҳолиси бир овоздан (99,1 фоиз) мамлакат Президенти Ислом Каримовни «Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликни саклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг кафолати» деб ҳисоблайди. Қайд этиш жоиз, 2007 йилда бундай фикрдаги фуқаролар атиги 98,5 фоизни ташкил этар эди.

Маълумот учун: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида аҳоли ўртасида сўровлар ўтказади. Хусусан, 2007 йилги сўров натижаларига кўра, сўровларда иштирок этганларнинг 91,4 фоизи, 2008 йили 91,6 фоизи, 2010 йили эса 95,1 фоизи «Ўзбекистон ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиб, юксак ривожланган давлатга айланишига ишониши»ни билдирган.

Бундан ташқари, «Ижтимоий сўров» 2010 йилги Мустақиллик байрами арафасида ўтказган сўровномалар натижаларига кўра, жамиятда хотин-қизларга ҳурмат юксалди деб ҳисобловчи ўзбекистонликлар 86,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 87,6 фоизни ташкил этган (ўсиш — 0,9 фоиз). Айни вақтда, 2011 йилги сўровномада иштирок этганларнинг 89,4 фоизи Ўзбекистон «фуқароларида инсон хукукларини ҳурмат қилиш тўйғуси кучайиб бораётганига ишончи комил»лигини билдирган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Президентининг 1997 йил июнь ойидаги қарорига асосан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг таклифларидан келиб чиқиб, ташкил этилган¹⁰⁸.

Мустақиллик, барқарорлик, хавфсизлик, ҳукм суроётган тинчлик ва хотиржамликни қадрлаш, унинг шукронасини қилиб, тинчлик-осойишталикка жуда катта куч ва воситалардан фойдаланиш, халқимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати ҳисобидан таъминланаётганлигини эътироф этган, олдимииздан оқаётган сув қадрига етиб яшаш фаолиятимизнинг асоси бўлиши керак.

1993 йилда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шундай деган эди: «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлими — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу — жаҳон цивилизациясига қўшилиш чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир.

Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва халқининг тақдирни учун бутун қалби ва юрагини бағищлаган, ўз манбаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-файрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлий оладиган кишиларгина юра олади»¹⁰⁹. Бу сўзлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июндаги қарорига мувофиқ, истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу фоя асосида нишонланади. Зоро, мустақиллик эркин ва обод, фаровон яшашни, бошқалардан кам бўлмаслик туйғусини дилимизга жо қилди. Аёнки, давлат мустақиллиги, Ватан озодлиги, одамларнинг баҳт-саодати, давлатнинг қудрати дунё ҳамжамиятида тутган ўрни билан ҳам қадрлидир.

¹⁰⁸ Расмий манба: <http://kun.uz/2013/08/16/ijtimoiyfikr-2/>

¹⁰⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б. 359.

Шу ўринда юртбошимиз Ислом Каримовнинг куйидаги сатрларини келтиришни лозим деб топдик: «Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юргимиз манфаати, она-Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиласайлик»¹¹⁰.

¹¹⁰ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривоҷлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.54.

9-БОБ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК»

РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ изчиллик билан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётир. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, „Мудофаа тўғрисида“ги, „Терроризмга қарши кураш тўғрисида“ги, „Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида“ги, „Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги, „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги ва бошқа қатор қонунлар юртимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқарорлар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжихатликнинг хукуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларининг устуворлиги, ҳалқаро хукуқ меъёrlарига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўзаро ишонч, тенглик, манфаатдорлик асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, дунё миқиёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳалқаро гуманитар маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли давлатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ошиб бораётир.

Бугунги кунда ҳалқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчокларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигига катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўтгиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади.

Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни күпчилик халқаро сиёсатчилар noctor, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг худудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка ёнг катта хавфхатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминидаги тинч ва осуда ҳётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўргина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин:

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум. Жумладан:

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга курол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион хукumat тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» (Покистон, Эрон, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда кафил мамлакатлар — АҚШ ва Россия) мулоқот гурухини ташкил этиш ташаббуси билан

чиқди (*эслатиб ўтамиз: 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтди*);

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибиغا кўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Мазкур босқичда мавжуд воқелик эътиборга олиниб, бу гуруҳ таркибиغا кўшимча равища НАТОни ҳам киритиш, мулоқот гуруҳи фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифасини БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича маҳсус вакили зиммасига юклаш таклиф этилди. Ушбу гуруҳнинг мақсади Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича муаммони ҳал этишнинг тинч ва мақбул йўлини топиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат эди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ислом Каримовнинг халқаро майдонда қизғин кутиб олинган ташаббуслардан бири Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тоғисидир. 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семиплатинск шаҳрида минтақамизнинг беш мамлакати томонидан шу тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу глобал яdroвий хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшиди.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимиизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда

ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчиллик, қурол-яроғ савдоси, наркографик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислом Каримов афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдигини топаётгандигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтингчалик хукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз «тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аник-равshan баён қилинган. «Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва обьектлари жойлаштирилишига йўл кўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон ҳалқи танлаган хукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади».

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро хурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва сабитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, «Ўзбек ҳалқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида

рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки ҳалқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан кенг кўллаб-кувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси, «Саҳро» ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек ҳалқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balochistan today» ва «Ittihad» газеталарида, Эроннинг «Iran News» газетасида ва Хитойнинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон һашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча һашрлар Ўзбекистоннинг принципial позицияси — Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича кўллаб-кувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Жон Холкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П. Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайгурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ёчишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгидан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги бекарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П. Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М. Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида куришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темирийўл ҳамда тезюар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М. Олкотт «Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди», дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф. Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чукур англаши ва уни келажакдаги ривожи борасида қайфураёттанини

таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «б+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча кўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С. Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон ҳалқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон ҳалқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан бўён давом этётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли кўшниси борлигидан фаҳрланса арзиди».

«Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу оғатнинг олдини олиш ва тинчлик осойишталикни асрар дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф. Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Ф. Лемкенинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди», деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз ҳалқига, кўшни ҳалқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга

қаратилган таклифларни қўллаб-куватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.

«Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақилигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлашган Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э. Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э. Дюпюи.

Францияда чиқадиган «Les milieux des empires» таҳлилий журналиниң бош муҳаррири С. д'Изарннинг таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини қўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С. д'Изарн ушбу муддатта қадар Президент Ислом Каримовнинг умуматфон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўzsиз қўллаб-куватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфирман. Албатта, минтақадағи вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистонинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва дол зарбидир».

«Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфатларидан келиб чиқсан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзла-

рини түлиқ құллаб-куватлаймиз», дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузыридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига күра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қүшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. «Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий ҳавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У. Магосакининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсаи Марказий Осиёning барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб ҳизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш ўйли билан ҳал этиш кечикириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш ўйлида Афғонистоннинг турли сиёсий гурухлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Мувакқат ҳукуматнинг тузилици Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшashi учун кулай шароитлар яратишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У. Магосаки.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «катта геосиёсий ўйини» майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир

доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамасдан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташабbus ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй берсаётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чукур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К. Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, «Віпагу» университети профессори Зулфиқли Ҳожи Сентери: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан фоят манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ ҳалқаро академияси профессори И. Стеценконинг сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек ҳалқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончим

комилки, Ибн Сино, Улугбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади», — дейди И. Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чукур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-куватланаётганинг яққол далилидир.

Х У Л О С А

Бундан йигирма икки йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан: „Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги, албатта, буюк бўлади“, деган даъваткор сўзларни айтганларида, бундай улуғ мақсадга шубҳа билан қараганлар бўлган. ҳозирги кунда эса юртдошларимизнинг бироргаси ўзини ўтган асрнинг 90-йилларидағи кайфият билан юрган инсон деб ҳисобламайди. „Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, хукуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз“¹¹¹.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хукуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юритиб келаётган суверен давлатdir. Ўзбекистон олтмишдан ортиқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёning 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консуликлар), Тошкентда эса олтмишдан ортиқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик арафасида ва истиқолимизнинг дастлабки кезларида бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий муаммолар қамраб олганий, таъминотдаги узилишлар, собиқ марказдан келаётган таҳдидлар жамиятдаги тангликни янада жиддийлаштирган, бунинг устига, ўз умрини яшаб бўлган сохта тузум тарафдорларининг турли фитна-найранглари, узоқ-яқиндан келаётган хуружлар кўпчиликнинг ёйда. Ўша қалтис дамларда аҳволни ўнглаш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, одамларнинг мустақиллигимизга бўлган ишон-

¹¹¹ Қаранг: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантаналий маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи: – 2013. – 1 сент.

чини сусайтирмаслик учун кескин, аммо пишиқ-пухта, жалқимиз манфаатларига ҳар жиҳатдан мос чоралар кўриш,adolatli қарорлар қабул қилиш, бунинг учун эса бутун масъулиятни зиммага олиш зарур бўлди. Шукрлар бўлсинки, халқимиз бу оғир синовдан, тарихий бурилиш палласидаги ҳаёт-мамот имтиҳонидан омон-эсон ўтди.

Мустақиллик эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш; юртимизда ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Айни пайтда, мустақиллик ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъодд ва қобилиятини тўла ҳамоён этиши, ҳукуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришининг мустаҳкам заминига айланди.

Давлатимиз раҳбари „Юксак маънавият — енгилмас куч“ китобида: „1991 йил 31 август санасида қўлга киритган миллий мустақиллик, — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз“, деб ёзди. Чиндан ҳам миллат, халқ, Ватан тақдирида унинг ҳар қандай истибдоддан озод бўлиши, ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаш ҳукуқини қўлга киритиш, дунё халқлари орасида тенглар ичра тенг мақомини эгаллаш, бошқача айтганда, давлат ва миллат мустақиллигига эришишдек муҳим ҳодиса бўлмаган. Халқ ва мамлакат эришиши мумкин бўлган барча ютуқлар, жаҳондаги обрў-эътиборнинг юксалиши, энг аввало, мустақиллик каби энг улуғ, энг азиз неъмат билан боғлиқ.

Кўлланмадаги мустақилликка қадар ва мустақилликнинг дастлабки таҳликали ойларида юз берган юртимиз тақдири билан боғлиқ муҳим воқеалар, вужудга келган қалтис вазиятлар (Фарғона, Бўка, Паркент, Гулистан, Наманган) ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўз ўзидан қўлга киритилмаганлиги, балки курашлар, унинг изтироблари, Юргбошимизнинг маънавий жасорати, матонати; фуқаролик позициясидан ортга қайтмаганлигининг самараси эканлигини билдиради.

Шунингдек, мазкур ишимиз тараққиётнинг „ўзбек модели“ деб ном олган ривожланиш йўлимизнинг асосий принциплари, бугунги кунда умуммиллий шиорга айланиб кетган „Ўзбекистон — келажаги буюк давлат“, „Мустақил-

лик – бу аввало ҳукукдир“, „Янги уй курмасдан туриб, эскисини бузманг“, „Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун“, „Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди“, „Биздан озод ва обод Ватан қолсин“ каби машхур иборалар сокин кабинетларда эмас, аксинча, шиддатли курашлар, тинимсиз баҳс ва мунозаралар, аччиқ ҳаётий тажрибаларда туғилганини чукур англашимиз зарурлигига ундаиди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики мустақиллик йилларида халқимизнинг уюшқоқлик фазилати бардавомлик касб этиб, миилатимизнинг жипслиги янада кучаймоқда. Бу эса, халқимиз тафаккури даражаси юксалганийӣ, тафаккур тарзи тўғри йўналиш олганини кўрсатувчи энг катта муваффақиятимиздир. Бу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўргата кўйилган „Келажаги буюк давлат“ куриш шиори халқимизнинг тафаккур тарзини тўғри йўналишга солиб юборди. Ҳозирги кунда бу шиор бошқа барча шиорларга етакчилик қилмоқда.

„Ўзбекистон – келажаги буюк давлат“ шиори билан миллий истиқлол гоясининг мазмун-моҳияти бир-бирига монандир. Бири мақсад, иккинчиси гоя. Мақсад билан гоя бир-бирига уйғун. Давлат мустақиллигини қўдга киритишдан асл муддао ҳам келажаги буюк давлат қуриш эди. Бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги „Мамлакатимиизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ моҳият эътибори билан Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишининг амалий стратегиясидир. Давлатимиз раҳбари маъруза-сида баён этилган яна бир муҳим жиҳат – „Мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислоҳотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа“¹¹² эканини чукур англаш бугунги қуннинг талабидир.

¹¹² Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш йўлидир. – Т., 2012. – Б.10 –11.

Чунки Юртбошимиз раҳномалигига ишлаб чиқилган ушбу дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлиши:

— мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш;

— ҳалқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яккаю ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарурдир.

Мазкур кўлланма баёни мустақиллик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш осон кечмаганилигини кўрсатади. Бугунги кунда „Тинч яшаш хукуқи“ жуда катта куч ва воситалар, молиявий ресурслар ҳисобига таъминлананаётганилигини қадрлаш зарур. Чунки бугунги тинч, осуда ҳаёт кимларнинг азиз жонлари эвазига кечаётганини барчамиз чукур англашимиз керак. Мустақилликни ҳимоя қилишда мардларча ҳалок бўлган хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ота-онаси, бола-чақаси, ёру дўстларининг ҳам бу ҳаётдан катта умидлари, орзулари бор эди, улар ҳам бахти яшашга ҳақли эдилар.

Таъкидлаш жоизки, бугунги таҳликали замонда тинчликни таъминлаш ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли турмуш ободлиги, юрт осойиштаги, тунларимиз ҳадик-хавотирларсиз, сокин, кунларимиз тинч, осуда, мусаффо осмон ёстида ўтишига мустаҳкам замин яратилди. Юқоридаги омиллар боис мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Иқтисодий юксалиш натижасида турмуш даражаси сезиларли равишда яхшиланди. Маълумки, 2008 – 2013 йилларда дунёning аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли тушиб кетди.

Ўзбекистан географик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра, Афғонистон билан кўшни давлатлар орасида муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз „таҳдидлар мажмуаси“ тўпланган минтақада Афғонистондаги зиддиятни ҳал этишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ечимларни ишлаб чиқища фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда Афғонистонни тиклаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, хусусан, йўл қурилиши ва йўлларни таъмирлаш, электр энергетика тизими, темир йўл қурилиши, тоғ-кон саноати, таълим, мутахассислар билан алмашиш соҳасида катта тажриба тўплланган. Сўнгти йилларда Ўзбекистон ва Афғонистон ўргасидаги ўзаро савдо анча кенгайди.

Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприклиар, юқори вольтли электр линиялари, оптик-толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Айниқса, узунлиги 75 километрдан иборат дастлабки „Ҳайратон — Мозори Шариф“ темир йўлининг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-куватлаш сиёсатига қатъий амал қиласди, деб Ислом Каримов томонидан қайта-қайта таъкидланиб келинмоқда.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизнинг иқтисодий негизлари мустаҳкамланмоқда. Мулкдорлик ҳукуқи ва тадбиркорлик туйғуси мамлакатимиз аҳолиси орасида тобора кенг ва чукур ёйилмоқда. Мулкка, мулкдорликка ва умуман бойликка, бой давлат бўлишиликка муносабат ўзгарди. Тоталитар иқтисод даврида одмигина турмуш кечириш асосий турмуш тарзи сифатида зўр бериб улуғланган ва тарғиб-ташвиқ қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таъқиб этилган. Бой одамга нисбатан эксплуататор сифатида ўгай кўз билан қараларди. Эндиликда фуқаролари бой-бадавлат мамлакатнинг ўзи ҳам кучли, кудратли бўлиши эътироф этилди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш давлат сиёсати дараҷасида амал қилмоқда. Бугун ушбу синфа жамиятимизда барқарорлик, хавфсизликни таъминловчи куч сифатида қаралмоқда. Энг муҳими, мулкдорлар синфи мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин ва аҳамият касб этмоқда. Улар жамиятнинг сиёсий фаол қатламига айланниб бормоқда. Чунки

давр ҳамда танланган фаолият тури уларни амалдаги қонунларни ўрганишга унダメоқда. Бу эса ҳукуқий маданиятнинг юксалиши ҳамdir.

Бизнингча, мустақиллик туфайли давлатимиз раҳбари раҳномалигида эришган энг улкан ютуғимиз юртимизда ўлимларнинг камайиши ва' ватандошларимиз ўмрларининг узайишидир. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг мезонидир. Янада чуқур мушоҳада қилсак ва атрофлича ўйлаб кўрсак, инсон умридан ортиқ бойлик йўқdir. Бу баҳтимиз ва саодатимиздир. Ана шу баҳт туфайли ҳам мамлакатимизда бағри бутунлик барқарордир.

Шу боис ҳам мустақиллик бағри бутунлик гаровидир. Бағри бутунлик нима ўзи? Бағри бутунлик фарзандлардан тортиб, невара-чёвара кўриш ёшигача яшаш — узоқ умр кўриб, пири бадавлат бобо ва бувилар бўлишдир. Қариндошлар, яқинлар, замондошлар даврасида яшаш — бағри бутунлиқдир. Узоқ ва соғлом умр кўрмай туриб бунга эришиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Юргитинчилиги, Ватан равнақи ва Халқ фарвонлиги таъминланадиган юртда 30 миллионли аҳоли бугун ўзининг ислоҳотчи давлатига зўр ишонч билан қараш туйғусини янада мустаҳкамламоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг ҳар бир қабул қилинган янги қадами, ҳар бир янги қонуни, Президент ва ҳукумат қарорлари инсонийлик, одамларга фойдалилик нуқтаи назаридан идрок этилмоқда. Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини иёлоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва руҳиятини янгилашнинг бирлиги қоидаси ўзининг ҳаётийлигини тўла-тўқис исботлади.

Таъкидлаш лозимки, халқимизнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигига мустақил Ўзбекистоннинг йигирма икки йил давомида эришган бекиёс; том маънода, тарихий ютуқ ва мараларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу ютуқларнинг барчаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, изчил жорий этилаётган миллий тараққиёт стратегиясининг дунёда „ўзбек модели“ сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлиниңг маҳсулидир.

Мустақиллик боис ҳәётимизнинг бошқа соҳа ва тармоқлари қатори маънавий тикланиш ва юксалиш, миллӣй ўзликинг англаш масаласига давлат миқёсида кatta эътибор берид қелинмоқда. Президентимиз шундай дейди: „Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий тангликдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни фоявий қараашларга курбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади“¹¹³.

Бугун мустақиллик дунё ахлига муаллим бўлган, бугунги замонавий илм-фаннынг тамал тошини кўйган, соғ инсоний маданият таълимотини яратган улуғларимиз, юртнинг шаъну шавкатини юксалтирган жаҳонгирлар, фотихларни танитди. Инсоният тарихи давомида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларнинг бир сири бор эди. Бу сир — аждодларимиз гойсининг манбай иймон эканлигидир. Буюк аждодларимизнинг фояларида инсон ҳақълари, ватан ва миллиат манфаати муҳофаза қилинганди. Мустақиллик туфайли бу фояларда миллий ва диний, руҳий ва жисмоний, маддий ва маънавий ҳаёт изчиллик билан қамраб олингандигини англамоқдамиз. Мана шу дастуриламал миллиатимизни тараққиёт пилдапояларидан дунё майдонига олиб чиқди. Бугун ҳамма жойда — Осиёда, Африкада, Европада ва Америкада ана шу тараққиётнинг нишоналарини кўришимиз мумкин. Ахир бугун Ибн Сино деса ким танимайди? Ал-Хоразмий бўлмагандан ийсоният яна қанча вақт саноқдан адашиб юришини бугун ҳеч ким билмайди. Замахшарий бўлмагандан араблар ўзларининг грамматикасини ўзлаштира олмасликларини бот-бот тан оладилар.

Асрлар ўтиши билан асл маслақдан узоқлашиш бошлангандигини мустақиллик боис ўқитмоқдамиз. Собиқ Иттифок даврида кишилар бир-бирларининг ҳақларига риоя қўлмай кўйганликларини алоҳида қайд этиш лозим. Уша даврларда маънавий хасталик бошланган эди. Жоҳиллар жасур бўла бошлади. Бу эса душманларимиз учун айни муддао эди. Улар бизни ўзимиздан ҳам яхши билишарди. Куч-кудратимиз ва маънавиятимизнинг асл манбай уларга жуда яхши маълум

¹¹³ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасайд. — Т., 2011. — Б. 263.

эди. Шунинг учун ҳам улар даставвал эътиқодимизга хужум қилишди. Иймонимизни заифлаштириб, ҳалқимизни руҳан чўқтира бошлади. Улар бизнинг дин ва иймон атрофидаги жипслигимизни парчалашни, құдратимизни заифлаштириши, азму шижаатимизни синдиришни, асл мақсадимиздан оғдиришни, йўлдан оғиб бекорчи нарсалар билан овунишимизни хоҳладилар. Уларнинг хоҳишлари амалга ошди. Иймон заифлашди. Оммавий лоҳаслик ва лоқайдлик юз бера бошлади. Нима бўлганда ҳам бизнинг миллий маслакларимиз, орзуларимиз парчаланиб кетди. Душманлар ичимиздаги ғофиллардан унумли фойдаландилар. Уларга бири-биридан хатарли имтиёзлар беришди. Замонлар келди, бу „имтиёзли“лар миллиатимиз эътиқодини бутунлай йўқотиш йўлида кўп қаҳрамонликлар кўрсатиши. „Худони кўрсат, отаман!“, деб осмонга ўқ узган бадбахтлар ҳам шулар эди. „Комсомол комсомолга ҳалол“, деб никоҳсиз оиласлар барпо қилганлар, отасига жаноза ўқиганни сазойи қилганлар ҳам шулар эди. Рўза тутганлар таъкиб этилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маъмурӣ буйруқбозликка асосланган ...изм даврида „Кӯёш Шарқдан эмас, Марказдан чиқади, деб фикрлашга ўргатиб кўйиши, кўндириш учун қилинган ҳаракатларни бугун эсласак ўринли бўларди“¹¹⁴, деган фикрларини эслаш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, ҳалқимиз бошидан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутглақо йўл кўйилмаган. Аксинча, ҳалқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мағкуруни ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлоннинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзgartириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистонда бу ўта муҳим масалага катта эътибор бे-рилгани ва уни босқичма-босқич ҳал қилиб келаётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1994 йили 22 сентябрда парламент минбаридан яқин тарихимида бошимиздан кечирган воқеа-

¹¹⁴. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б. 79.

лар (1989—1990), яъни миллатимизнинг қадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилингани, кўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани ҳақида куйидаги дардли-изтиробли фикрлар билдирилган ва баъзи бир ғоят қийин, аммо табиий саволлар ўртага ташланган эди. Булар¹¹⁵:

- Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?
- Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг кўлида эди?
- Каъба деб қаерга сифинар эдик? Ҳар тонг „Ассалом!...“ деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?
- Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? И мом Бухорий, И мом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуф бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?
- Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?
- Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуф аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган элнинг фарзандлари эканимизни англармидик?
- Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда бирор билармиди? Бирор биз билан ҳисоблашармиди?
- Юртимиз қандай ва қанча бекиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?
- Гўё миљлий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқат миљлий ғуур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, ҳалқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтиради?

Дарҳақиқат, яқин тарихда ҳалқимиз ўз бошидан кечирган бундай азоб-уқубатларни, тақдиримиз жар ёқасида турган машъум кунларни унтишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Мустақиллик тасодифлар маҳсули эмас. Тарих сахифасининг қайси қаторида озодлик ҳақида ёзилган бўлса, албатта унинг давомида курашлар ва қурбонлар ҳақида ҳам ёзилган.

¹¹⁵ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсйн. Т.2. — Т., 1996. — Б. 294—295.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг „Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни бирор ҳадя қиолмайди. Озодликка фақат курашиб эришилади“¹¹⁶, деган фикри ёдимизга келади. Ўкув қўлланмамиз билан танишиш мустақиллик ҳеч кимга, ҳеч қачон, ҳеч қаерда совға қилинган эмаслиги каби масалаларни асослайди:

Давлатимиз раҳбарининг „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунё жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, германиялик эксперт Ф. Лемке „Ўзбекистон Президентининг „тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз келажак бўлмайди“ деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди“ деган фикрлари диққатга саъзовордир.

Айни пайтда бутун дунёда ушбу барқарор тараққиёт, тинчликпарвар ҳалқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, мамлақатимиздаги сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликка раҳна солиши мумкин бўлган хавф ҳамда таҳдидлар кучаймоқда. Жаҳоннинг турли минтақалари, шу жумладан, Ўзбекистон атрофига зиддиятлар кучаймоқда, куролли тўқнашув ва низолар кескин тус олмоқда. Президентимиз Ислом Каримов МДҲ Давлат раҳбарларининг Минскда 2013 йилнинг 25—26 октябрида бўлиб ўтган саммитидаги нутқида „бугун дунёда юз бераттган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисадиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани“ни алоҳида таъкидлади.

Бу барчамизни яна бир ҳақиқатни унутмасликка ундейди. Президентимиз Ислом Каримов табири билан айтганда ҳали кураш тугагани йўқ. Бугунги глобал дунёда бўйсундириш шоуси давом этмоқда. Бу „катта ўйин“нинг услублари ўзгарган, холос:

Бу шундай услубки, улар бири-биридан жозибали шиорларни ўртага ташлайдилар. Гарчи ўзлари амал қилмасаларда, инсон хўкуқлари ва демократия ҳақида өғиз кўпиртирадилар. Улар авратларини бор бўйига очиб юришни — демократия, эркак билан эркакнинг никоҳдан ўтишини эса

¹¹⁶ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б.267.

инсон хукуқлари дейдилар. Ана шундай чиркин күткү билан ўзларига маҳлиё қылмоқчи бўлишади. Буларнинг ҳаммаси том мъянода инсон қалбига тажо вуздир. Инсон қалбини бўйсундириш, унинг Ватанини бўйсундиришдир. Ўз тарихидан, динидан, маданиятидан ажралган инсонданда хатарлироқ курол бўлмайди. Бугунги „ўйин“ларнинг энг ташвишли жойи ҳам шунда. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида шундай ёзди: „Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли, бўдиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият караб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирилигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-окибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин“.

Биз ҳар доим мустақиллик, барқарорлик, ҳавфсизлик ҳақида гапирав эканмиз, даставвал унинг яшаш тарзимизга берган имкониятлари хусусида тўхталамиш. Ваҳоланки, мустақиллик манфаат эмас, балки масъулиятдир. Озодлик яшаш учун эҳтиёжгина эмас, балки яшашнинг ўзи. Озодликка фақат мустақил фикр ва ақлгина эҳтиёжманд бўлади. Ҳурлик замондаги ҳамма тушунчалардан юксакда туради. Дунёдаги муқаддасликларнинг энг аввали ҳам озодликдир. Дунёда нимаики муқаддас бўлса, у ҳимояга муҳтоҷ. Модомики, шу муқаддасликдан баҳраманд бўлишни истар эканмиз, уни ҳар ким ўз сўзи ва амали билан ҳимоя қилишга мажбурдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситала-рига берган интервьюсида: „Аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва мэрраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимиизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларро тутувлик, ўзаро меҳр-окибат ва

ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаёттанимизда. Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиш шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиш даркор. Иккинчидан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва оғат келтиришни узокдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳамиша сезгир, оғоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, бегамликка йўл қўймаслигимиз зарур. Учинчидан, қундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эрганиги кунимизнинг, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим¹¹⁷ деб, Ўзбекистоннинг олиб бораётган сиёсати ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда халқимизга куч-куvvат бағищлайдиган омил ва мезонларни кўрсатиб берганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур ўкув қўлланмани ўқир экансиз, Президентимиз Ислом Каримовнинг „Давлат мустақиллиги ва унинг иқтисадиёти фойибдан келмай, унга эришиш учун халқнинг тинчлиги, осойишталиги ва бирдамлиги зарур, бир ёқадан бош чиқариб, ташаббус билан меҳнат қилиш зарур“¹¹⁸ деган даъвати барчамизнинг ҳаётий фаолиятимизнинг мезонига айланиси шарт.

¹¹⁷ Каримов И. А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т., 2013. – Б. 28–36-бетлар.

¹¹⁸ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – Б. 276.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-------|
| СҮЗ БОШИ | 3-13 |
| <i>1-боб.</i> Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда уни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар | 14-47 |
| 1.1. Мустақилликнинг моҳияти | 14-17 |
| 1.2. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият | 17-22 |
| 1.3. Мустақилликка қадар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи | 22-32 |
| 1.4. «Пахта иши» ва унинг даҳшатли оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар | 32-34 |
| 1.5. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви оқибатида юзага келган фожиалар (Фарғона, Ўш, Бўка, Паркент, Наманган воқеалари) | 34-47 |
| <i>2-боб.</i> 1989— 1991 йилларда ички ишлар идораларини маҳаллий кадрлар билан мустаҳкамлаш борасидаги ишлар | 48-51 |
| <i>3-боб.</i> Мустақилликка қадар ва мустақиллик йилларида ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-хукуқий ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар | 52-63 |
| 3.1. Мустақилликка қадар ички ишлар идораларида ходимларни ижтимоий ва хукуқий ҳимоя қилиш масалалари | 52-58 |
| 3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг жанговар байроғи тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь фармони ҳақида | 58 |
| 3.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунининг аҳамияти | 59-63 |

| | |
|--|---------|
| 4-боб. Ички ишлар идоралари тизимида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш — давр талаби | 64-72 |
| 5-боб. Мустақиллик ва уни ҳимоя қилишда мардларча ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари жасоратининг ёш ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти | 73-91 |
| 5.1. Мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик — ички ишлар идоралари ходимларининг муҳим касбий фазилати | 73-78 |
| 5.2. Мустақилликни ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг жасоратлари намуналарининг ёш ички ишлар идоралари ходимларини тарбиялашдаги аҳамияти ... | 78-91 |
| 6-боб. Ички ишлар идоралари соҳасидаги ислоҳотлар — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови | 92-121 |
| 6.1. Президент Ислом Каримов мустақилликни мустаҳкамлашда қонун ва адолат устуворлигига амал қилиниши ва уни таъминлашнинг аҳамияти тўғрисида | 92-101 |
| 6.2. Ички ишлар идоралари тизимидағи ислоҳотларнинг натижалари | 101-116 |
| 6.3. Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар | 116-121 |
| 7-боб. Ўзбекистон «Тинчлик учун курашмоқ керак» фоясини амалга ошириш йўлида | 122-134 |
| 8-боб. Мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизлик мустаҳкамланаётган Ўзбекистоннинг макроиктисодий ютуқлари | 135-165 |
| 9-боб. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек ҳалқига тинчлик ва омонлиқ керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги нигоҳида | 166-176 |
| Хулоса | 177-188 |

И-42 Икрамов Ш. Т., Қобилов Ш. Р.
Мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизликни таъ-
минлаш осон кечган эмас...: Ўқув қўлланма: Т.:
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
— 192 6.

ISBN 978-9943-11-215-5

**Икрамов Шавкат Тоҳирович,
Қобилов Шариф Раҳимович**

**МУСТАҚИЛЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ОСОН КЕЧГАН ЭМАС...**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир *Б. Қ. Эргашев*
Техник муҳаррир *Д. Х. Ҳамидуллаев*

Босишига руҳсат этилди 30.10. 2013. Бичими 60x90 1/₁₆.
Гарн. Таймс. Кегли 11 шпонли. Офсет босма усулида босилди.
Офсет қофози. Шартли 12,0 б.т. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 302-13.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“
нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.

ҚАЙДЛАР УЧУН
